

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ

ҲАЖ ВА УМРА ҚЎЛЛАНМАСИ

Қайта нашр

Тузувчи:
**Жалолиддин
НУРИДДИНОВ**



Тошкент
2019

УЎК: 28-523

КБК: 86.38

Ҳ-17

Қўлланмада ҳаж ва умра ибодатига тааллуқли диний масалалар билан бир қаторда ушбу сафар давомида гуруҳ раҳбарлари, ҳожилар ва зиёратчилар билиб олиши учун зарур бўлган тарихий, иқтисодий, фикҳий масалалар баён этилган, қисқача арабча-ўзбекча сўзлашув ҳам берилган. Китоб ҳаж ва умра сафарига отланаётган юртдошларимиз учун яхши қўлланма ва сафар давомида маънавий ҳамроҳ вазифасини ўтайди деб умид қиламиз.

Ҳаж ва умра қўлланмаси [Матн]: диний-ижтимоий / тузувчи Ж. Нуриддинов; масъул муҳаррир У. АЛИМОВ; Ўзбекистон мусулмонлари идораси. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2019. – 168 б. (16 бет. ВКЛ)

Масъул муҳаррир:

Усмонхон АЛИМОВ,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг
2019 йил 4 мартдаги 1204-сонли хулосаси асосида нашрга
тайёрланди.*

ISBN 978-9943-12-567-4

© Жалололдин НУРИДДИНОВ

© «Movarounnahr», 2019

بِسْمِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين والعاقبة للمتقين والصلاة والسلام
على خير خلقه محمد وعلى آله واصحابه اجمعين أما بعد

СЎЗБОШИ

Истиқлол неъматини халқимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, айниқса, маънавий, диний-маърифий жабҳаларда кенг имкониятлар берди. Мамлакатимизда улкан хайрли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Мустақиллик туфайли мамлакатимиз улкан ютуқларга эришди. Барча исломий қадриятлар – масжид ва мадрасаларнинг бинolari, нодир тарихий манбалар, осори атиқалар мусулмонларга қайтариб берилди. Юртдошларимизнинг эмин-эркин ибодат қилишлари, диний таълим олишлари, диний адабиётлар ва оммавий ахборот воситаларидан баҳраманд бўлишлари, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам қилиб кенг нишонлашлари, ҳаж ва умра сафарлари, зиёратларини адо этишлари учун қулай шароитлар юзага келди.

Мамлакатимизнинг Асосий Қонуни – Конституциямизда юртимиз фуқароларининг виждон эркинликлари кафолатлаб қўйилди. Халқимиз учун берилган шундай улуғ неъматлар ҳақида сўз юритиш ва уларни ёдга олиш биз диний соҳа вакиллари учун муҳим ишлардандир. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿ وَأَمَّا نِعْمَةَ رَبِّكَ فَحَدِّثْ ﴿۱۱﴾ ﴾

“Раббингизнинг (Сизга ато этган барча) неъмат(лар)и ҳақида эса (одамларга) сўзланг!”
(Зуҳо сураси, 11-оят).

Яна Иброҳим сурасининг 7-оятида:

﴿ لَئِن شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ ﴾

“Агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман...”
дейлади.

Ҳукуматимиз бошчилигида кўплаб зиёратгоҳ ва қадамжолар билан бир қаторда масжидлар бинолари ҳам қайтадан ва янгидан қурилиб халқимизга фойдаланиш учун топширилди. Ҳозир диёримизда икки минг ўттиздан зиёд масжид расмий фаолият юритмоқда ва уларда мусулмонларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Ҳар йили минг-минглаб юртдошларимиз ҳаж ва умра ибодатларини адо этиш бахтига муяссар бўлмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан қатор вазирлик ва идоралар ходимлари ҳожилар ва зиёратчиларимиз Ватанимиздан муборак сафарга йўлга чиқиб, то қайтиб келадиган кунларигача беминнат хизматларини аямайдилар.

Исломи динининг бешинчи рукни бўлган ҳаж ибодати – улуғ ибодат. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бизларга шундай марҳамат қилади:

﴿ وَ لِلّٰهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ اِلَيْهِ سَبِيْلًا وَمَنْ كَفَرَ فَاِنَّ اللّٰهَ عَنِّيْ عَنِ الْعٰلَمِيْنَ ﴿۱۷﴾ ﴾

“Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир. Кимда-ким (буни) инкор этса, бас, албатта, Аллоҳ оламлардан беҳожатдир” (Оли Имрон сураси, 97-оят).

Ҳожи ва зиёратчи юртдошларимиз муборак сафарлари давомида Аллоҳ таолодан юртимиз тинчлиги, осойишталиги, ободлиги, фаровонлиги ва тараққиётини бардавом бўлишини сўраб дуолар қилишади.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло яна:

﴿ وَأَتِمُّوا الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ لِلَّهِ ﴾

Яъни: **“Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун комил адо этинг”** (Бақара сураси, 196-оят) деб марҳамат қилади.

Ҳаж ибодати ва унинг фазилатлари тўғрисида Абу Солиҳ Моҳон (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалоту вас-салом)дан шундай марҳамат қилинади:

عن أبي صالح ماهان قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «الحج مكتوب، والعمرة تطوع» رواه ابن ماجة.

“Ҳаж фарз қилинган, умра ихтиёрий”, деганлар (Ибн Можа ривояти).

Умра улуғ савобларга эриштирадиган ибодатдир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

العمره إلى العمرة كفارة لما بينهما والحج المبرور ليس له جزاء إلا الجنة.

“*(Адо этилган) умра ва кейинги умра, улар оралиғидаги қилинган (кичик) гуноҳлар учун каффоратдир. Мабрур (қабул бўлган) ҳажнинг мукофоти эса фақат жаннатдир,*” деганлар.

Имом Бухорий яна Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам):

من حج ولم يرفث ولم يفسق خرج من ذنوبه كيوم ولدته أمه.

“*Ножўя сўз сўзламай ва фисқу фужурлик қилмасдан ҳажни Аллоҳ учун (тўқис) адо қилган киши гуноҳларидан онасидан туғилган кунидагидек покланиб қайтади*”, деб марҳамат қилганлар.

Қўлланмада ҳаж ва умра ибодатига тааллуқли диний масалалар билан бир қаторда ушбу сафар давомида гуруҳ раҳбарлари, ҳожилар ва зиёратчилар билиб олиши учун зарур бўлган тарихий, иқтисодий-сиёсий, адабий-бадий масалалар ҳамда қисқача арабча-ўзбекча сўзлашув ҳам берилган. У ҳаж ва умра сафарига отланаётган юртдошларимиз учун қўлланма ва сафар давомида маънавий ҳамроҳ вазифасини ўтайди деб умид қиламиз.

Қўлланма кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий

بِسْمِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

МУҚАДДИМА

Мустақиллик шарофати билан динимизга эркинлик берилиб, алҳамдулиллаҳ, юртдошларимиз ҳаж ва умра ибодатларини ҳам адо этиш бахтига муяссар бўлишди.

Ушбу қўлланмани тайёрлашдан мақсад юртимиз хожилари ва умра зиёратчиларига мазкур ибодатни адо этишда зарур бўлган диний масалалар билан бир қаторда сафар давомида дуч келинадиган ташкилий масалалар бўйича ҳам етарли маълумотларни беришдир. Қўлланма зиёратчилар билан бир қаторда ишчи гуруҳи аъзолари ва гуруҳ раҳбарлари учун ҳам керакли бўлган маълумотларни ўз ичига олган.

Қўлланмани тузишда ўзларининг қимматли маслаҳатларини бериб, муайян мазмунга эга бўлишига бебаҳо ҳиссаларини қўшган устозларни Аллоҳ таоло улуғ ажрлар билан мукофотлашини сўраймиз.

І БЎЛИМ

ҲАЖ ВА УМРА ИБОДАТИ ТЎҒРИСИДА

Ислом динининг бешинчи рукни бўлмиш ҳаж ибодати мол ва бадан билан адо этиладиган амалдир. Зеро, ушбу ибодат билан инсон ўзининг Раббисига нисбатан заиф ва ожиз эканини, унинг марҳаматига муҳтож эканини изҳор қилади. Банда эҳром кийиши билан ўзининг Раббисидан чалғитувчи барча дунё машғулотларидан холи бўлади. Арафот тоғида туриб, Раббисига тазарру қилиб, фазли ва инъомига шукр ва ҳамд айтади. Гуноҳ ва камчиликларини кечиришни сўраб, илтижолар қилади. Каъбаи муаззама атрофида тавоф қилар экан, шайтон ва нафсининг ҳийла-ларидан Парвардигоридан паноҳ сўрайди. Кибрдан халос бўлиб, барча ижобий фазилатларга эга бўлади. Бу билан Аллоҳ таолонинг мағфирати ва раҳматига сазовор бўлади.

“Ҳаж” сўзи луғатда улуғ нарсани қасд қилиш деган маънони англатади.

Истилоҳда эса: махсус маконда, маълум вақтда, махсус амаллар билан махсус ибодатни адо этишдир.

Ҳаж ибодати ҳижратнинг тўққизинчи йили (милодий 631 йилда) фарз бўлган, унинг фарз эканлигига Қуръони каримнинг Оли Имрон сурасидаги қуйидаги ояти карима далилдир:

﴿وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حُجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ

اللَّهُ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ ﴿١٧﴾

“Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир. Кимда-ким (буни) инкор этса, бас, албатта, Аллоҳ оламлардан беҳожатдир” (97-оят).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хижрий ўнинчи йилда ҳаж қилдилар ва бу “Ҳажжатул вадоъ – Видолашув ҳажи” дея тарихда машҳур бўлган.

Ҳажнинг фарз эканига суннати набавиядан қуйидаги ҳадис далил ҳисобланади:

عن ابن عمر قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «بني الإسلام على خمس: شهادة أن لا إله إلا الله وأن محمدا عبده ورسوله وإقام الصلاة وإيتاء الزكاة والحج وصوم رمضان».

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ислом беш нарсанинг устига бино қилинди: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг Расулидир дея гувоҳлик бериш, намозни адо этиш, закот бериш, ҳаж қилиш ва рамазон ойи рўзасини тутуш”, деганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган).

Шу билан бирга ҳажнинг фарз ибодат эканига барча саҳобалар, тобеинлар ва бугунги кунимизгача бўлган уламолар ижмоъ қилганлар.

I БОБ. ҲАЖ ИБОДАТИ ТЎҒРИСИДА

1. ҲАЖНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Ҳаж шарофатли, фазилатли, буюк ибодатдир.

Аллоҳ таоло буюрган амалларнинг ҳар бирининг ўзига хос фазилат ва ҳикматлари мавжуд. Ислонинг бешинчи рукни бўлган ҳаж ибодатининг ҳам фазилатлари бор.

Дарҳақиқат, Макка шаҳрида Мақоми Иброҳим, Замзам булоғи, Ҳажарул асвад, Сафо, Марва каби осори атиқалар мавжудким, улар узоқ ўтмишнинг аломатларидан ҳисобланади.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿ إِنَّ أَوَّلَ بَيْتٍ وُضِعَ لِلنَّاسِ لَلَّذِي بِبَكَّةَ مُبَارَكًا وَهُدًى لِّلْعَالَمِينَ ﴿١٦﴾ ﴾

“Албатта, одамлар (ибодати) учун қурилган биринчи Уй – Бакка (Макка)даги муборак ва оламлар учун ҳидоят (манбаи) бўлмиш (Каъба)-дир”.

﴿ فِيهِ آيَاتٌ بَيِّنَاتٌ مَّقَامُ إِبْرَاهِيمَ وَمَنْ دَخَلَهُ كَانَ آمِنًا وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ ﴿١٧﴾ ﴾

«Унда аниқ аломатлар – “Мақоми Иброҳим” бордир. Унга (Каъбага) кирган киши омонда бўлур. Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир. Кимда-ким (буни) инкор этса, бас, албатта, Аллоҳ оламлардан беҳожатдир» (Оли Имрон сураси, 96–97-оятлар).

Бу фарзни адо қилган кишига ажру савоблар собит бўлиши ҳақида Пайғамбаримиз (алайҳис-салоту вас-салом)дан кўплаб ҳадиси шарифлар ривоят қилинган. Жумладан:

وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - « تَابِعُوا بَيْنَ الْحَجِّ وَالْعُمْرَةِ فَإِنَّهُمَا يَنْفِيَانِ الْفَقْرَ وَالذُّنُوبَ كَمَا يَنْفِي الْكَبِيرُ خَبَثَ الْحَدِيدِ وَالذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ وَلَيْسَ لِلْحَجَّةِ الْمَبْرُورَةِ ثَوَابٌ إِلَّا الْجَنَّةُ » (سنن الترمذی).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳаж билан умрани кетма-кет қилинг. Албатта, иккиси худди босқон темир, тилло ва кумушнинг кирини кетказганидек, фақирлик ва гуноҳларни кетказди. Ҳажжи мабрурнинг савоби фақат жаннатдир”, деганлар (Имом Термизий ривоят қилган).

وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَا تَرَفَعُ ابْنُ الْحَاجِّ رَجُلًا وَلَا تَضَعُ يَدًا إِلَّا كَتَبَ اللَّهُ تَعَالَى لَهُ بِهَا حَسَنَةً، أَوْ مَحَا عَنْهُ سَيِّئَةً أَوْ رَفَعَهُ بِهَا دَرَجَةً» (الشعب، حسن).

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳожининг улови оёғини ҳар кўтариб-қўйишида Аллоҳ таоло ё ажр-савоб битади ё бирор гуноҳини ўчиради ёки бир даража мақомини кўтаради”, деганлар (Имом Байҳақий “Шуабул-имон”да ривоят қилган).

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - أَنَّهُ قَالَ: «الْحُجَّاجُ وَالْعُمَّارُ وَقَدْ لَلَّ اللَّهُ إِنْ دَعَوْهُ أَجَابَهُمْ وَإِنْ اسْتَعْفَرُوهُ غَفَرَ لَهُمْ» (سنن ابن ماجه، حسن لغيره).

Абу Хурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “*Ҳожилар ва умра зиёратчилари Аллоҳнинг меҳмонларидир, дуо қилсалар, ижобат қилур, истиғфор айтсалар, мағфират қилур*”, деганлар (Ибн Можа ривояти).

وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَهَا فِي عُمْرَتَيْهَا: «إِنَّ لَكَ مِنَ الْأَجْرِ عَلَى قَدْرِ نَصَبِكَ وَنَفَقَتِكَ» (المستدرک للحاکم، صحیح).

Ойша (розияллоҳу анҳо) умра ибодатини адо этганида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга қарата: “*Сенга (умра давомидаги) қийинчилигинг ва нафақанг миқдорича ажр бўлур*”, деганлар.

وَعَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ السَّاعِدِيِّ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - قَالَ: «مَا مِنْ مُلَبِّ يُلَبِّي إِلَّا لَبَّى مَا عَنِ يَمِينِهِ وَ شِمَالِهِ مِنْ حَجَرٍ أَوْ شَجَرٍ أَوْ مَدْرٍ حَتَّى تَنْقَطِعَ الْأَرْضُ مِنْ هَا هُنَا وَهَا هُنَا» (سنن ابن ماجه، صحیح).

Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “*Ҳар бир талбия айтувчининг ўнг ва сўл томонидаги то маширқу*

мағрибгача бўлган тош, дарахт, тупроқлар талбия айтур”, деганлар.

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: «سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَنْ حَجَّ لِلَّهِ فَلَمْ يَرْفُثْ وَلَمْ يَفْسُقْ رَجَعَ كَيَوْمٍ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “*Ким Аллоҳ учун ҳаж ибодатини ножўя сўз сўзламай, фисқу фужур қилмай адо этса, онасидан туғилган кундагидек (гуноҳлардан покланиб) қайтади*”, деганлар.

Бу ҳадисларнинг барчасида ҳаж ва умра ибодатини адо этишнинг фазли нечоғлик улкан экани ва ушбу ибодатини ихлос ила, тўла-тўқис адо этган ҳар бир зиёратчига мазкур ажр-савоблар умид қилиниши таъкидланмоқда.

عن أنس بن مالك قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «صلاة الرجل في بيته بصلاة وصلاته في مسجد القبائل بخمس وعشرين صلاة وصلاته في المسجد الذي يجمع فيه بخسمائة صلاة وصلاته في المسجد الأقصى بخمسين ألف صلاة وصلاته في مسجدي بخمسين ألف صلاة وصلاته في المسجد الحرام بمائة ألف صلاة» (رواه ابن ماجه).

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “*Кишининг уйида ўқиган намози бир баробар, масжидда ўқиган намози йигирма беш*

баробар, жума ўқиладиган жоме масжидда ўқиган намози беш юз баробар, Масжидул-Ақсо (Қуддуси шариф)да ўқиган намози эллик минг баробар, менинг масжидим (Масжидун-Набавий)да ўқиган намози эллик минг баробар, Масжидул Ҳаром (Макка)да ўқиган намози эса юз минг баробар савоби кўндир” (Ибн Можа ривояти).

Шу ўринда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)нинг мазкур ҳадисларидан биз мусулмонлар муборак сафар давомида берилган улуғ илоҳий имкониятдан, ғанимат дамлардан унумли фойдаланишимиз заруратини тушуниб олишимиз муҳимдир.

Масалан: бир киши ўртача умри давомида балоғатга етганидан умрининг охиригача 65 йил ибодат қиладиган бўлса,

1 кунда – 5 маҳал,

1 ойда – $30 \times 5 = 150$ маҳал,

1 йилда – $365 \times 5 = 1825$ маҳал,

65 йилда – $65 \times 1825 = 118\ 625$ маҳал намоз ўқиши келиб чиқади.

Масалан, Ҳарамда ўқилган намозни муқояса қилиб айтган ҳадисларга эътибор қаратадиган бўлсак, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “*Масжидул Ҳаромда ўқиган намози... юз минг баробар савоби кўндир*”, деганларидан келиб чиқади бундай бўлсак, кишининг Масжидул Ҳаромда бир марта ўқиган намози юз минг баробар, беш марта ўқиган намозининг ажру савоби беш юз минг баробар кўп бўлиши, бу билан ҳожи ёки зиёратчи киши ўртача умри бўйи ўқийдиган намозлари йиғиндисидан ҳам кўп ажрга эга бўлиши мумкинлиги келиб чиқади.

Уламоларнинг фикрича, бу ердаги ҳар бир яхши сўз, ҳар бир яхши амалнинг ажру савоби ҳам юз минг баробар кўпдир. Бундай буюк имконият ва фурсатни ғанимат билишимиз зарур.

2. САФАРНИ БОШЛАШДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

Сафарга отланаётган киши уйдан чиқаётган пайтда қуйида келтирилган дуони ўқиса, омонда бўлади, иншоаллоҳ.

بِسْمِ اللَّهِ تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ، لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ.

“Бисмиллааҳи таваккалту алаллоҳи, лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ” (“Сунани Термизий”).

Маъноси: Аллоҳнинг номи билан (сафарни бошлайман), Аллоҳга таваккал қилдим. Тоатга қувват ва гуноҳдан сақланишга бўлган қувват ҳам ёлғиз Аллоҳ таолодандир.

اللَّهُمَّ بِكَ أَصُولُ وَبِكَ أَحْوَالُ وَبِكَ أَسِيرُ.

“Аллоҳумма, бика асуулу ва бика аҳуулу ва бика асиру” (“Муснади Аҳмад”).

Маъноси: Ё Аллоҳ! Сенинг мададинг билан ҳимматланаман, Сенинг мададинг билан гуноҳдан тийиламан, Сенинг мададинг билан сафарга чиқаман.

3. ҲАЖГА ТАЙЁРГАРЛИК

Муборақ сафарга отланаётган киши учун энг кераклиси – ҳаж ибодатини яхшилаб тушуниб олиш. Чунки ҳаж ибодати инсон умрида бир марта адо этадиган муборақ сафар ва ибодат ҳисобланади. Яъни, умрида бир марта бериладиган имкониятдир.

Муайян маблағ, вақт, куч-қувват сарфланса-ю, нотўғри ибодат қилинса, ҳамма ҳаракат пучга чиқиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳаж ибодатини адо этмоқчи бўлган киши энг аввало бу ибодатнинг йўл-йўриғини яхшилаб ўрганиб олиши лозим. Ҳаж қилувчи инсон олим бўлса ҳам, ёнида ҳаж арконларини баён қилувчи бир китобни олиб ҳажга борсин, деб тавсия қилинади. Аммо ҳаж қилувчи оддий киши бўлса, ўзига бир олимни йўлбошчи қилиб олиши лозим. Ҳожилар учун бундай киши гуруҳ раҳбари – эликбошидир. Ҳаж ибодати асосларини ўзлаштириб, билиб олишнинг ўзи камлик қилади. Сафар давомида дуч келинадиган ташкилий-маиший масалаларнинг ҳам ўз ўрнида эликбоши раҳбарлигида тартиб ва уюшқоқлик билан ҳал қилиниши ҳар бир ҳожининг ибодати бенуқсон бўлишига сабаб бўлади.

Ҳажга отланаётган инсон сафар олдидан ва уни адо этиш давомида яна қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

– аввало, оила аъзолари ва яқин кишиларини яхшиликка, яхши ишларни, савоб ишларни кўпроқ қилишга ундаш;

– коммунал тўловлардан, банкдан қарзи бўлса, зиммасида нафақа тўлови бўлса, нафақалари ва таниш-билишларидан барча қарзларини тўлаб, узиб қўйиш;

– ота-оналари тирик бўлсалар, уларнинг дуоларини олиш;

– Аллоҳ таолога астойдил тавба қилиш; гуноҳларини тарк этиб, аввал содир бўлганларига надомат қилиб, бундан сўнг такрорламасликка азму қарор қилиш;

– энг муҳим жиҳатлардан бири – қилаётган ҳаж ибодатидан Аллоҳнинг розилигини ва охиратининг ободлигини кўзлаш. Дунё ва унинг зийнатларини, ном чиқариш, фахрланиш каби нарсаларни асло хаёлига келтирмаслик, акс ҳолда, барча қилган саъй-ҳаракатлари беҳуда кетиши мумкинлигини тушуниб етиш;

– сафар давомида доимо Аллоҳни зикр этиш, дуо қилиш, истиғфор айтиш; Қуръони каримни тиловат қилиш; тилини беҳуда сўзлардан, ёлғон, ғийбат, сўкиш каби ножўя сўзлардан тийиш; қўлидан келганча одамларга яхшилик қилиш.

Ҳожилар ҳаж давомида хаёлни олиб қочувчи тижоратдан холи бўлишлари керак. Ўзларини камтарин тутиб, зебу зийнатга эътибор бермасликлари лозим. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) шундай қилганлар, Анас ибн Моликдан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ تَطَوَّلَ عَلَى أَهْلِ عَرَافَاتٍ فَبَاهِيَ بِهِمُ الْمَلَائِكَةَ، فَقَالَ: انظُرُوا إِلَيَّ عِبَادِي شُعْثًا غُبْرًا، أَقْبَلُوا إِلَيَّ مِنْ كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٍ، فَاشْهَدُوا أَنِّي قَدْ غَفَرْتُ لَهُمْ».

“Аллоҳ таоло ҳожиларни кўрсатиб фаришта-ларига мақтаниб: “Бандаларимга қаранглар! Турли жойлардан хору зор бўлиб ҳузуримга келдилар. Сизлар гувоҳ бўлинглар, мен уларнинг гуноҳларини кечдим”, дейди”, деб марҳамат қилганлар.

4. ҲАЖ ИБОДАТИ ТУРЛАРИ

Ҳаж ибодати уч турлидир:

1. Қирон; 2. Таматту; 3. Ифрод.

Қирон – луғатда жамлаш, қўшиш деган маънони англатади.

Истилоҳда эса: мийқотдан ҳаж ва умрани бирга адо этиш учун ният қилиб, эҳромга киришдир.

Мийқотда ҳаж ва умра учун барабар эҳром боғлаш бўлиб, ҳожи умра ва ҳаж амалларини бажариб бўлганидан кейин, қурбонлик кунлари шайтонга тош отиб, қурбонлик қилиб, соч олдиригандан кейин эҳромдан фориғ бўлади. Сўнг яна умра қилмоқчи бўлса, умра учун қайта эҳром боғлайди, яъни бу умра қиронга боғлиқ эмас.

Таматту – луғатда фойдаланиш, ҳузур қилиш деган маънони англатади.

Истилоҳда эса: ҳаж қилмоқчи бўлган киши аввал умрани адо этиб, эҳромдан чиқиб, ҳаж вақтига қадар эҳром ман қилган нарсалардан фойдаланиши ва ҳаж вақти (Зулҳижжанинг саккизинчи куни) бўлганда ҳажни ният қилиб, эҳромга кириши тушунилади. Кўпчилик учун осон ва қулайлигини инобатга олиб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгаши томонидан юртимиз ҳожилари таматту ҳажини адо этишлари тавсия қилинган.

Ифрод – луғатда – ажратиш, яккалатиш маъносини англатади.

Истилоҳда эса: фақат ҳажнинг ўзи учун ният қилиб, эҳромга кириш тушунилади.

5. ҲАЖНИНГ ШАРТЛАРИ

Ҳаж ибодати ҳар бир мусулмон учун фарз бўлмайди. Унинг фарз бўлишининг маълум шартлари бор, шу шартлар топилган кишига ҳаж фарздир. Ҳажнинг шартлари саккизта:

- 1) мусулмон бўлиши;
- 2) балоғат ёшига етган бўлиши;
- 3) оқил бўлиши;
- 4) зоди роҳилага қодир бўлиши;
- 5) соғ-саломат бўлиши;
- 6) ҳукумат ман қилмаган бўлиши;
- 7) йўлда омонлик бўлиши;
- 8) аёл кишининг маҳрами бўлиши; (шунингдек, аёл киши иддада бўлмаслиги).

Бу шартларнинг биронтаси топилмаган кишига ҳаж фарз бўлмайди.

6. ҲАЖНИНГ ФАРЗЛИГИ

Ҳаж бу Муҳаммад (алайҳиссалом) умматларига хос бўлган ибодат бўлиб, унга қодир бўлган кишининг зиммасига фарз бўлиши хусусидаги далил, юқорида айтиб ўтилганидек, Оли Имрон сураси 97-оятидир: **“Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир. Кимда-ким (буни) инкор этса, бас, албатта, Аллоҳ оламлардан беҳожатдир”**.

Ҳажнинг ислом рукнларидан бири бўлиб саналишига Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадис ҳам далилдир,

عن ابن عمر رضي الله عنهما قال: قال رسول الله (صلى الله عليه وسلم): بني الإسلام على خمس: شهادة أن لا إله إلا الله، وأن محمدا رسول الله وإقام الصلاة، وإيتاء الزكاة، والحج، وصوم رمضان.

Расулуллоҳ (алайҳиссалом): “Ислом беш нарсага бино қилинган: “Лаа илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун расулуллоҳ” деб шаҳодат бериш; намоз ўқиш; закот бериш; (Байтуллоҳни) ҳаж қилиш ва рамазон рўзасини тутуш”, деб марҳамат қилганлар.

7. ҲАЖ АҲКОМЛАРИ

Ҳожи бажарадиган амаллар рукн (фарз), вожиб ва суннатга бўлинади.

Фарз – шариатда жазм ила, шубҳасиз ва қатъий далиллар билан талаб қилинган амалдир. Бошқача қилиб айтганда, бир ибодатни вужудга келиши унга боғлиқ бўлган нарсадир. Агар бирор ибодатнинг фарзларидан бири тарк қилинса, ўша ибодат адо этилган ҳисобланмайди. Фуқаҳолар томонидан фарз сўзи ўрнига рукн сўзини қўллашлари ҳам одат тусига айланган.

Вожиб – шариатда жазм ила, аммо қатъий бўлмаган далиллар билан талаб қилинган амалдир. Агар бирор ибодатнинг вожибларидан бири тарк қилинса, ўша ибодат нуқсон билан адо этилган ҳисобланади ва нуқсонни тўлдириш лозим бўлади.

Суннат – Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимий равишда қилиб юрган ва аҳёнда узрсиз тарк қилган амалдир.

8. ҲАЖНИНГ РУКНЛАРИ

Ҳаж ибодатининг фарзлари – рукнлари
учтадир:

- 1) эҳром;
- 2) Арафотда туриш;
- 3) тавофул ифоза қилиш.

Мазкур фарзлардан биттаси тарк этилса, бундай ҳаж ҳаж бўлмайди.

Шунингдек, Арафотда туришдан олдин аёли билан яқинлик қилиш ҳажни фосид қилувчи амалдир.

9. ҲАЖНИНГ ВОЖИБЛАРИ

Ҳажнинг асосий вожиблари қуйидагилар:

1. Сафо ва Марва ўртасида етти марта саъй қилиш;

2. Муздалифада туриш;

3. Шайтонга тош отиш;

4. Сочни олдириш ёки қисқартириш, ҳаммасини таги билан олдирса афзалроқдир. Соч олдириш эркакларга вожибдир. Аёллар сочини учидан бир бармоқ қисқартирадилар;

5. Ватанга қайтиш олдидан тавофи видо қилиш.

Яна бошқа вожиб амаллар ҳам бор, улар асосий вожибларнинг ичидаги амаллардир:

1) мийқотдан эҳромга кириш;

2) тавофни таҳорат билан қилиш;

3) тавофда сатри авратда бўлиш;

4) тавофни Ҳажарул асваддан бошлаш;

5) тавофни ўнгдан бошлаш, ўнг елкасини Сафо тепалигига, чап елкасини Байтуллоҳга қилиб туриб бошлаш;

- 6) Ҳатиймни қўшиб тавоф қилиш;
 - 7) тавофни пиёда қилиш (узрлилар аравада ўтириб тавоф қилиши ҳам жоиз);
 - 8) тавофни тугатгандан кейин икки ракат тавоф намози ўқиш;
 - 9) қурбонлик қилишдан олдин тош отиш;
 - 10) соч олдиришдан олдин қурбонлик қилиш;
 - 11) саъйни Сафодан бошлаш;
 - 12) Арафотда қуёш ботгунча туриш;
 - 13) ҳар кунги тош отишни иккинчи кунга қолдирмаслик;
 - 14) тавофдан кейин икки ракат намоз ўқиш;
 - 15) тавофул ифозани уч кун ҳайит ичида қилиш;
 - 16) соч олдиришни (ёки қисқартиришни) ҳарам чегарасида ва уч кун ҳайит ичида адо этиш;
 - 17) арафа куни шом ва хуфтон намозларини хуфтон вақтида Муздалифада қўшиб ўқиш;
 - 18) қурбонлик қилиш (таматту ва қиронни ният қилганлар учун);
 - 19) эҳромда ман қилинган ишларни тарк қилиш.
- Ҳажнинг бирон-бир вожибини тарк қилган кишининг ҳажи бузилмайди, лекин бунинг учун қон чиқариш (жонлиқ сўйиш) лозим бўлади. Хоҳ бу вожибни қасддан тарк қилган бўлсин ва хоҳ билмасдан қилган бўлсин, бунинг учун жонлиқ сўйиб, тавба қилиши лозим.
- Узр билан вожибни тарк қилса, жонлиқ сўйиш вожиб бўлмайди.

10. ЖОНЛИҚ СЎЙИШ ВА САДАҚА БЕРИШНИ ТАЛАБ ҚИЛУВЧИ БАЪЗИ АМАЛЛАР

Эҳромдаги киши:

– Арафотда тургандан кейин аёлига яқинлик қилса;

– фарз (ифоза) тавофини жунуб ҳолида бажарса.

Бу ҳолларда бир туя ёки бир мол сўйиш вожиб бўлади.

Агар эҳромдаги киши:

– юзи, қўли каби тўлиқ бир аъзога хушбўйлик суртса;

– тикилган нарсани бир кун ёки бир кеча кийиб юрса;

– бошини тўлиқ бир кун ёпиб юрса;

– бошининг тўртдан бир сочини (ва кўпроғи) ёки бир аъзосининг тўлиқ тукларини олса;

– бир қўли ёки бир оёғидаги ёки барча бармоқларидаги тирноқларини бир жойда олса;

– бетаҳорат фарз тавофини ёки жунуб ҳолида бошқа тавофларни бажарса;

– вожиб бўлган бир амални ёки унинг кўпроқ қисмини бажармаса (масалан, Муздалифада турмаса, тавофи садрдаги еттита айланишдан тўрттасини бажармаса, тош отишни қилмаса ёки бир кунлик ва ундан кўпроғини тарк этса);

– бир амални бошқасидан олдин қилса (масалан, тош отишдан олдин соч олдирса);

– фарз бўлган амални ҳайит кунларидан кечиктирса;

– тавоф пайтида авратнинг тўртдан бири очилиб қолса-ю, қайта тавоф қилмай Маккадан чиқиб кетса.

Бу ҳолатларда бир қўй сўйиш вожиб бўлади.

– Агар юқоридаги қисмда айтилган амаллардан озроғини қилса, (масалан, бир аъзосининг маълум бир озроқ қисмигагина хушбўйлик суртса ва ҳоказо);

– фарз бўлмаган тавофни таҳоратсиз қилса (масалан, қудум, вадоъ ва умра тавофлари);

– бир кундан озроқ вақт бош кийим ёки тикилган кийим кийса;

– вожибдан оз қисмини қилмаса (масалан, садр тавофи ёки саъйдан етти маротаба айланиш керак бўлса-ю, уч ва ундан озини қилмаса);

– бошқа бир кишининг соч-соқоли ёки тирноқларини олса.

Бундай ҳолларда ярим соъ (бир соъ – 2,176 кг) миқдорида садақа қилади.

Аъзосига хушбўйлик суртса ёки сочини узр билан олдирса, бир қўй сўяди ёки олтига мискинга (ҳар бирига уч соъ буғдой пули миқдорида) садақа қилади ёки уч кун рўза тутиб беради.

Чаён, илон, сичқон, қопағон ит, чивин, бурга, кана, ола қарға, калхат, тошбақа ва ҳужум қиладиган йиртқичларни ўлдиргани учун ҳеч қандай жонлик сўйиш ҳамда садақа бериш лозим бўлмайди.

11. ҲАЖНИНГ СУННАТЛАРИ

Ҳажнинг суннатлари кўп, жумладан, қуйидагилардир:

1) ҳар бир ибодатга алоҳида, тил билан ният қилиш;

2) Арафотда туриш учун ғусл қилиш;

3) эҳром учун ғусл қилиш;

4) эҳром боғлашдан олдин хушбўйликлар суртиш;

- 5) ният қилиб, 2 ракат намоз ўқиш (мийқотда);
- 6) талбияни айтиш;
- 7) тавофул қудум қилиш;
- 8) имкон бўлса, Ҳажарул асвадни ўпиш;
- 9) тавофнинг аввалги уч мартасида рамл (лў-киллаб юриш) қилиш;
- 10) тавофнинг дастлабки уч айланишида идтибоъ – яъни эҳромни ўнг қўли билан бир тарафини ушлаб, иккинчи тарафини чап елкага ташлаб тавоф қилишда ўнг елкасини очиб юришдир;
- 11) тавоф қилаётиб етти марта узлуксиз айланиш;
- 12) хонаи Каъба деворларига кўксини, юзини ва билакларини қўйиб, дуо қилиш;
- 13) Мултазамда дунё ва охираат яхшиликларини тилаб, дуо қилиш;
- 14) Сафо ва Марва орасидаги икки яшил чегара орасида тез-тез юрмоқ ёки югурмоқ;
- 15) Замзам сувидан ичиш, у билан юз-қўлларини ювиш, бошидан куйиш.
- 16) саъйнинг етти марта бориб-келишини узлуксиз қилиш;
- 17) саъйда таҳоратли бўлиш;
- 18) саъйда Сафода ва Марвада хонаи Каъбага юзланиб дуо қилиш;
- 19) арафа кечаси Минода ётиб қолиш;
- 20) арафа куни хутба ўқиш;
- 21) Арафотда пешин ва асрни қўшиб, жамоат билан ўқиш;
- 22) ҳайит кечаси Муздалифада ётиш;
- 23) биринчи кун тош отгандан кейин қурбонлик қилиш;
- 24) тош отишни кечасига қолдирмаслик;
- 25) тош отиш кунлари Минода ётиш;

26) дуода бардавом бўлиш, ҳамма ҳожатларини тазарру ва шикасталик билан сўраш;

27) тавофи видони адо этгач, Байтуллоҳдан маҳзун ҳолда йиғлаб чиқиб кетиш.

12. ҲАЖНИНГ ОДОБЛАРИ

Ҳажнинг одоблари ҳам кўп, улардан ибодат мукамал бўлишида энг муҳимларини кўриб чиқамиз:

– ҳаж қилишга тайёрланаётган инсон бир олим кишига маслаҳат қилиши, уйдан сафарга чиқмасдан олдин қилган гуноҳларига тавба қилиши, оила аъзоларини, яқинларини хушнуд қилиши лозим;

– зоду роҳиласини – йўл харажатларини ҳалол, шубҳа аралашмаган маблағидан қилиши зарур;

– ўзи билан ҳаж қилиш қоидалари, йўл-йўриқлари ёритилган китобни олсин. Ҳаж амалларини бенуқсон адо этиш учун сафар давомида бу китобни доим кўриб, мутолаа қилиб, такрорлаб туриши лозим;

– эҳромга киришдан олдин тирноқлари ва ҳаром тукларини олиш;

– эҳромнинг оқ бўлиши, янги ёки ювилган бўлиши;

– ниятни намоздан кейин ўтирган жойида қилиш;

– талбияни баланд овоз билан айтиш (эркаклар учун);

– Маккаи мукаррамага кириш учун ғусл қилиш;

– ёдидан чиқарган масалаларни эслатадиган, хатога йўл қўйса, тўғрилайдиган ҳамроҳларни танлаши керак;

- ҳаж ибодати чиройли, бенуқсон бўлиши учун сафар давомида қўлидан келганича ҳамроҳларига яхшилик қилиши, уларнинг кўнгилларини шод этадиган гапларни гапириши мақсадга мувофиқдир;
- ҳамсафарлари томонидан унга нисбатан хатолик ёки бирон камчилик содир бўлса, вазминлик қилиши керак;
- ҳаж сафарига савдогарчилик қилиб, сотиш учун мол олиб бормаслиги муҳим;
- ҳаждан қайтишда ҳам савдогарчилик қилмаслик, чунки тижорат дилни ибодатдан чалғитиб, ташвиш туғдиради.

13. МИЙҚОТ

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаж ва умра ниятида келганлар эҳромга кирадиган жойларни тайин этганлар, чунки ҳожи ва умра зиёратчилари Маккаи мукаррамага фақат эҳром ҳолатида киришлари шарт. Инсон эҳромсиз ўтиши мумкин бўлмаган **МИЙҚОТЛАР БЕШ ЖОЙДИР:**

1. Мадина аҳли учун – Зул-Хулайфа – ҳозир Обори Али деб аталади.

Мадина аҳли ва шу томондан қуруқлик ёки ҳаво йўли орқали келувчилар учун мийқот ҳисобланади.

2. Ироқ аҳли учун – Зоту Ирқ.

Ироқ аҳли ва шу томондан қуруқлик ва ҳаво йўли орқали келувчилар учун мийқотдир.

3. Шом аҳли учун – Ал-Жуҳфа – денгиз соҳилидаги Робиг шаҳарчасига яқин.

Мағриб, Шом, Миср ва шу томондан қуруқлик, сув ва ҳаво йўли орқали келувчилар мийқотидир.

4. Нажд аҳли учун – Қарн ал-Манозил – “ас-Сейл” деб ҳам номланади. Нажд аҳли ва шу

томондан қуруқлик ва ҳаво йўли орқали келувчилар учун мийқотдир.

5. Яман аҳли учун – Яламлам – ҳозир “ас-Саъдия” деб аталади.

Яман аҳли ва шу йўлдан келувчилар мийқотидир.

Бу мийқотларни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юқоридаги қавмлар учун белгиладилар. Мийқотлар белгиланишининг фойдаси эҳромга киришга кечикмаслик учундир. Зеро эҳромга олдин кириш, олимлар иттифоқига кўра, мумкиндир.

Маккалик бўлмаган одам Маккага кириш ниятида мийқотга етиб келса, ҳаж ёки умрага ният қилиб эҳром боғлаши шарт. Бу Саид ибн Жубайр (розияллоҳу анҳу) дан ривоят қилинган Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг:

عن سعيد بن جبير قال قال رسول الله صلى الله عليه وسلم لا يجاوز أحد الميقات إلا وهو محرم (أخرجه الطبراني).

“Ҳеч ким мийқотдан эҳром боғламасдан ўтмасин”, деган сўзларига биноандир (Табароний ривояти).

Эҳром боғлашнинг фарзлиги бу муқаддас заминни улуғлаш учундир. Унда ҳаж, умра қилувчи мийқотда эҳромда бўлишда баробардир.

Афзали – эҳромни мийқотдан илгари боғлаш.

Агар бир одам мийқотдан ўтиб кетиб эҳромга кирса, қайтиб чиқиб мийқотдан эҳромга кириши лозим бўлади. Бунинг иложини топа олмаса, жонлиқ сўйиши вожиб бўлади.

Ўзбекистонлик ҳожилар Мадинаи мунавварада қўниб, тўхтаган меҳмонхонада ғусл қилиб, эҳром боғлайдилар. Мийқотда – Зул-Ҳулайфада икки ракат намоз ўқиб, ният қилиб, талбия айтадилар.

14. ЭҲРОМ

Эҳром ҳаж ва умранинг энг биринчи амалидир. “Эҳром” арабча сўз бўлиб, луғатда “ҳаром қилмоқ” маъносини англатади.

Юртимиздан борган ҳожилар Мадина аҳли каби Зул-Ҳулайфада эҳром боғлайдилар. Умра (ҳаж)да эҳромга кирган одам ўзига эҳромдан олдин ҳалол бўлган баъзи ишлар ва нарсаларни ҳаром қилган бўлади. Масалан, бошқа вақтларда ўзига хушбўй нарсаларни сепиши ҳалол эди. Эҳромга киргач, бу нарса ҳаром бўлиб қолади. Эҳром умра (ҳаж)нинг энг кўзга кўринган аломатидир. Бўлажак умра зиёратчилари ният қилиб эҳром киядилар. Эҳром умранинг ниятидир.

Эҳромга киришдан олдин бажариладиган амаллар:

– соч, тирноқ, мўйлаб ва олиниши лозим бўлган туклар олинади;

– ғусл қилинади, имкони бўлмаса, таҳорат қилинади;

– икки парча оқ, янги ёки ювилган матонинг бири (изор)ни киндик ва тиззаларни қўшиб тўсаядиган қилиб белга тутилади. Иккинчиси (ридо)ни елка аралаш айлангириб ўралади. Аёлларнинг эҳроми уларнинг сидирға (гулсиз мато) кийими бўлади. Улар учун махсус ранг белгиланмаган. Бадани ва эҳром кийимига хушбўй нарса суртади, аммо хушбўйликнинг ранги кийимда қолмаслиги керак. Сўнгра Зул-Ҳулайфада икки ракат намоз ўқилади. Биринчи ракатда Фотиҳа сурасидан кейин Кофирун сураси, иккинчи ракатда эса, Фотиҳадан кейин Ихлос сураси ўқилади. Сўнгра

ҳажнинг қайси турини адо этадиган бўлса, ўшанга мос ният қилинади.

وَمَنْ شَاءَ الْإِحْرَامَ وَهُوَ شَرَطُ صِحَّةِ التُّسُكِ كَتَكْبِيرَةِ الْإِفْتِاحِ،
فَالصَّلَاةُ وَالْحَجُّ لَهُمَا تَحْرِيمٌ وَتَحْلِيلٌ.

“Ким эҳромга киришни хоҳласа, ҳолбуки, у (эҳром) намозни бошлашдаги такбир каби ҳажнинг дуруст бўлиши учун шартдир. Намоз билан ҳажнинг таҳримаси ва таҳлили бор” (“*Раддул муҳтор*”).

15. ЭҲРОМГА КИРИШДА ЎҚИЛАДИГАН ДУОЛАР

Бизнинг ҳожиларимиз ҳам, умра зиёратчиларимиз ҳам Мадинаи мунавварада тўхтаган меҳмонхонамизда ғусл қилиб, эҳром боғлаймиз. Зиёратчи ҳажнинг қайси турини адо қилмоқчи бўлса, ўшанга мос ният қилади. Масалан,

Қирон ҳажининг нияти:

اللهم إني أريد العمرة والحج فيسرهما لي وتقبلهما مني.

“Аллоҳумма инний урийдул умрата вал-ҳажжа фа йассирҳума ли ва тақоббалҳума минний”.

Яъни, “Аллоҳим, мен умра ва ҳаж қилишни ирода қиламан, уларни менга осон қилгин ва қабул эт”.

Ўзбекистонлик зиёратчилар таматту эҳромига қиради ва қуйидагича ният қилади:

Таматту ҳажининг умраси нияти:

اللهم إني أريد العمرة فيسرهما لي وتقبلها مني

”Аллоҳумма инний урийдул умрата фа йассирҳо лий ва тақоббалҳо минний”.

Яъни, “Аллоҳим, мен умра қилишни ирода қиламан. Уни менга осон қилгин ва мендан қабул эт”.

Ифрод ҳажининг нияти:

اللهم إني أريد الحج فيسره لي وتقبله مني.

“Аллоҳумма инний урийдул ҳажжа фа йассирху лий ва тақоббалху минний”.

Яъни, “Аллоҳим, мен ҳаж қилмоқни ирода қиламан, уни менга осон қилгин ва мендан қабул эт”.

16. ТАЛБИЯ АЙТИШ

Зиёратчи эҳром боғлаб, ният қилганидан кейин талбия айтишни бошлайди. Эркаклар овозларини чиқариб айтишади, аёллар эса овоз чиқармай айтадилар. Талбия айтиш эҳром шартларидандир.

ليك اللهم ليك ليك لا شريك لك ليك إن الحمد والنعمة لك والملك لا شريك لك.

Яъни, “Лаббай Сенга, ё Аллоҳ, лаббай. Лаббай Сенга, Сенинг шеригинг йўқ, лаббай Сенга. Албатта, мақтов, неъмат ва подшоҳлик Сенга хос. Сенинг шеригинг йўқ”.

Агар эҳромга ният қилиб талбия айтмаса ё тасбеҳ айтмаса ёки қурбонлиги бўлмаса, эҳроми эҳром бўлмайди. Эҳромга ният қилиб амалларни бажара бошласа ва тасбеҳ айтса ёки таҳлил айтса ё қурбонлиги бўлса, аммо талбияни айтмаса, эҳроми эҳром бўлади ва талбия айтмагани учун қон чиқариши лозим бўлади.

Автобусга чиқаётганда ёки ундан тушаётганда, ҳар қачон тепаликка кўтарилаётганда ёхуд паст-

ликка тушаётганда ё бирор нарса минган кишига йўликса ва ҳар бир намоздан кейин, шунингдек, сахар вақтида талбия айтиш мустаҳабдир. Талбия айтишдан фориғ бўлгач, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)га салавот айтиш ҳам мустаҳабдир. Эҳромдаги киши талбия айтишни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришни кўпайтиради.

Талбияни айтишни бошлаганда одамнинг хаёлида доим шу нарса турсинки, Иброҳим (алайҳиссалом) ўғиллари Исмоил (алайҳиссалом) ёрдамида Байтуллоҳни қуриб битирганларидан кейин Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло у кишига: **“Одамларни ҳажга чақир!”** деб буюрди, Иброҳим (алайҳиссалом) чақирдилар ва ушбу чақирикқа руҳлари лаббай деб жавоб берганлар ҳажга келдилар. Аллоҳга “Лаббайка” дейишнинг маъноси улуғ. Илоҳий чақирикларнинг ҳаммасига “Лаббай” деб тайёр туриш банда учун катта бахтдир. Шу боисдан ҳам бу дунёни унутиб, унга тегишли барча нарсалардан холи бўлиб, эҳром боғлагандан сўнггина “Лаббайка” айтиш бошланади.

Лаббайка айтиши билан зиёратчи эҳромга кирган ҳисобланади ва ўша лаҳзадан эътиборан унга эҳром ҳукмлари жорий бўлади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ تَلْبِيَةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَبَّيْكَ اللَّهُمَّ لَبَّيْكَ لَبَّيْكَ لَا شَرِيكَ لَكَ لَبَّيْكَ إِنَّ الْحَمْدَ وَالنَّعْمَةَ لَكَ وَالْمُلْكَ لَا شَرِيكَ لَكَ».

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг талбиялари: “Лаббайкаллоҳумма лаббайк. Лаббайка

ла шарийка лака лаббайк. Иннал ҳамда, ваннеъмата лака вал мулк. Ла шарийка лак!» эди» (Термизий, Бухорий, Насоий ривояти).

Талбиянинг юксак маъно ва катта фойдаларга бойлигида шубҳа йўқ.

Талбия фойдаларидан бири “Лаббайка”, яъни “Эй Парвардигорим, сенинг ҳузурингга келдим, хизматингга шайман”, дейишимизни ўзи, бизни чақирган зот Аллоҳ таоло, биз эса у зот таклифига жавобан (ҳажга) ташриф буюрган бандаси эканлигимизни англатувчи чуқур маънони ўз ичига олгандир.

– Талбияда банданинг Аллоҳ таолога бўлган муҳаббати ўз аксини топади. Зеро, инсон суймаганига “Лаббай” деб жавоб бермайди. Негаки, “Лаббай” маъноларидан бири: мен сизга, ўзингиз яхши кўрган нарса билан юзланмоқдаман, дегандир.

– Талбия калимасида Аллоҳ таолога бўйинсуниш, фақат унгагина бандаликни изҳор этиш маъноси мужассамдир.

– Талбия калимаси ҳаж ва умрада бир ҳолдан иккинчи ҳолга, бир ибодатдан иккинчи ибодатга кўчишдаги шиордир. Бу эса худди намозда бир рукндан иккинчи рукнга кўчишда айтиладиган такбир мисолидир. Бинобарин, талбия калимаси ҳаж учун эҳром боғлагандан бошлаб, то Арафотга етгунгача айтилади. Арафотдан Муздалифага ҳаракат қилиш билан яна талбия айтиш бошланади. Муздалифага етгач тўхтатилган талбия, Муздалифадан юриш билан бошланиб, то Жамратул-ақобада тош отгунга қадар айтилади.

– Талбия Аллоҳ таолога яқинлаштирувчи амалларнинг Аллоҳга энг суюклиси ва Фотиҳатул-

китобдаги “Аллоҳга ҳамду санолар”ни ўз ичига олган амалдир.

– Талбияда мулк, неъмат ва ҳамду саноларнинг барчаси фақат Аллоҳ таолога хослиги бир ўринда ифода этилади. Қудрат мазмунидаги мулк, эҳсон ва мурувват мазмунидаги неъмат ҳамда Аллоҳ муҳаббатига чорловчи етук камолот мазмунидаги мақтовнинг бир ўринда жамланишидаги сир: ҳар бир банда мазкур нарсаларни яхшилаб ёд олиб, Аллоҳга бутун борлиғи билан юзланиши шартлигини эслатишдир. Зотан, бандаликдан бўлган мақсад ҳам шудир.

17. ЭҲРОМ БОҒЛАНГАЧ, МАН ҚИЛИНГАН ИШЛАР

1. Аёлига яқинлик қилиш ва шу ишга олиб борувчи амалларни қилиш ёки гапларни гапириш. Рафас, яъни фаҳш ва жимоъ ҳақидаги сўзларни сўзлаш.

2. Фисқу фужур қилиш, фойдасиз, беҳуда гапларни гапириш.

3. Соч-соқол, тирноқ ва бошқа ердаги тукларни олиш; сочини ё соқолини тараш ва уларни қаттиқ қашлаш.

4. Хушбўйликлар ишлатиш, сепиш ва ҳидлаш. Бундай хушбўй нарсаларни ейиш, ичиш (агар бу ишларни билмасдан қилса, зарари йўқ, бироқ қасддан содир этса садақа беради).

5. Тикилган кийим кийиш (эҳромга кирган эркаклар тикилган кийим киймайди, оёғига қадами устини тўсмайдиган пойафзал кияди. Пойафзал пошнасииз бўлади ва у пайпоқсиз кийилади).

6. Бош кийим кийиш (агар бир кийиб дарҳол ечса, садақа беради, бир кун кийиб юрса, жонлиқ сўяди), эҳромда боши очиқ юради.

7. Гуноҳ ишларни қилиш. Аллоҳнинг тоатидан чиқиш.

8. Қуруқликда яшовчи ҳайвонларни овлаш, овчиларга кўрсатиб бериш ёки уларни чўчитиш, дарахт шохларини синдириш.

9. Ҳамсафарлар, ходимлар ва бошқалар билан талашиб-тортишиш, жанжаллашиш ва шунга оид ишлар. Ҳамроҳларига хусумат қилиш.

Ушбу ишлар Қуръони каримнинг:

﴿فَمَنْ فَرَضَ فِيهِنَّ الْحَجَّ فَلَا رَفَثَ وَلَا فُسُوقَ وَلَا جِدَالَ فِي الْحَجِّ﴾

“Кимки ўша ойларда ҳажни ўзига фарз қилса, ҳажда шаҳвоний иш, фисқ ва жанжал йўқдир” (Бақара сураси, 197-оят) оятига биноан ман этилгандир.

Эҳромда ман қилинган ишлардан биронтасини билиб ёки билмай қилиб қўйса, унинг катта-кичиклигига қараб садақа ёки дам (қўй сўйиш) вожиб бўлади. Садақадан мурод ярим соъ буғдойдир (1 соъ = 2,176 кг); (1 соъ = 4 мудд).

18. ЭҲРОМДА ЖОИЗ ИШЛАР

1. Ғул қилиш, бош ювиш мумкин, совун ёки шампун ишлатиш мумкин эмас. Аммо бунда оҳисталик билан иш кўриб, соч ва тукларни тушириб юбормаслик лозим. Беихтиёр, ўзи тушса, зарари йўқ.

2. Эҳром кийимини ювиш ёки алмаштириш.

3. Эркакларга соябон тутиш; бино, девор, дарахт шохи, чодир ёки шунга ўхшаш соя берадиган нарсалар ёнида бошларини сояга олиш мумкин;

4. Белга ҳамён-белбоғ боғлаш, соат, узук тақиш, камар боғлаш мумкин.

Жароҳатни боғлатиш, жароҳатга ва ё ёрилган аъзосига дори сурдириш мумкин.

Кўйлакни ва ятакни, ридо ва изорни эҳроми-дек киймаслик, яъни икки енгини киймасдан киф-тига ташлаб қўйиш.

Пальто, плаш ёки чакмонни устига ташлаш.

Илонни, чаённи ва шунга ўхшаш газандаларни ўлдириш.

19. МАККАИ МУКАРРАМА

Пайғамбарларнинг улуғларидан бўлган Иброҳим (алайҳиссалом) Маккаи мукаррамани шундай дуо қилганлар:

﴿ وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ اجْعَلْ هَذَا الْبَلَدَ آمِنًا وَاجْنُبْنِي وَبَنِيَّ أَنْ نَعْبُدَ الْأَصْنَامَ ﴾

«(Эй Муҳаммад!) Эсланг, Иброҳим айтган эди: “Эй Раббим! Бу шаҳарни (яъни, Маккани) тинч қилгин, мени ва авлодларимни санамларга сиғинишдан йироқ қилгин!”» (Иброҳим, 35-оят).

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Ўз Каломида биз мўмин-мусулмонлар учун эслатган Иброҳим халилulloҳнинг дуолари мустажоб бўлганининг шоҳидимиз.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда Макка шаҳри билан қасам ичган, бир неча номи билан зикр қилган: Макка, Бақка, Ал-Балад ал-амин ва Уммул-Қуро.

Макка (араб. Уммул-Қуро, Уммул-Мадоин – шаҳарлар онаси ва б.) – Саудия Арабистонининг

ғарбий қисмидаги шаҳар, Қизил денгиздан 73 км узоқликда жойлашган. Макка шу муборак номли вилоятнинг маъмурий маркази. Аҳолиси 1 млн. кишига яқин. Ҳаж вақтида (ҳожилар ҳисобига) 2 млн.дан ошади.

Макка қадимий шаҳар. Дастлаб Замзам булоғи атрофида аҳоли турар жойлари пайдо бўлган.

Маккаи мукаррамада Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) таваллуд топганлар. Бу шаҳар – Исломи дини нури тарқалиб бошлаган шаҳар.

Милодий 610 йил Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом)га Макка яқинидаги Нур тоғи Ҳирорада биринчи бор ваҳий – Қуръон ояти қарималари нозил бўлди.

Маккадаги Ал-Масжид ал-Ҳаром ёки Байтуллоҳ ал-Ҳаром – Каъба биз мусулмонларнинг қибламиз ва муқаддас зиёратгоҳимиз.

Намозда қиблага юзланиш фарзи айнди. Каъбатуллоҳни кўриб турганлар айнан ўша уйга юзланадилар. Масжидда бўлганлар Каъбатуллоҳ томон қарайдилар. Масжиддан ташқаридагилар Масжиди Ҳаром томон юзланадилар. Маккадан ташқаридагилар Макка шаҳри томон юзланадилар.

20. МАСЖИДУЛ ҲАРОМГА КИРИШ

Эҳромдаги киши Маккаи мукаррамага етиб бориб, меҳмонхонага жойлашиб, биров ҳордиқ олгач, гуруҳ раҳбари бошчилигида уюшқоқлик билан Масжидул Ҳаромга ошиқади, Масжидул Ҳаром эшикларидан биридан (имкони бўлса, “Бобус-салом” эшигидан) хушуъ, тавозе ва тазарру билан, талбия айтиб, ўнг оёғи билан киради, кираётганда:

بِسْمِ اللَّهِ وَ الصَّلَاةُ وَ السَّلَامُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ أَعُوذُ بِاللَّهِ الْعَظِيمِ
وَبُوجْهِهِ الْكَرِيمِ وَ سُلْطَانِهِ الْقَدِيمِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ اللَّهُمَّ
افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ.

“Бисмиллаҳи вассолату вассалааму ѓала расу-
лиллаҳи, аъзузу биллаҳил ѓазийм ва биважҳиҳил
карийм ва султониҳил қадийм минаш шайтонир
ражийм, Аллоҳумма ифтаҳ лий абвааба роҳматик”,
деб дуо қилади.

Маъноси: “Аллоҳнинг номи билан, Расулulloҳга
салот ва саломлар бўлсин. Улуғ Аллоҳдан унинг
карим ваҳҳи билан, қадим султонлиги билан
шайтони ражимнинг ёмонлигидан паноҳ тилай-
ман. Ё Аллоҳ, менга раҳмат эшикларини оч”.

“Аллоҳу акбар!” деб такбир айтади, “Ла илаҳа ил-
лаллоҳ”, деб таҳлил айтади ва қуйидаги дуони ўқийди:

اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلَامُ، وَمِنْكَ السَّلَامُ، فَحَيِّنا رَبَّنَا بِالسَّلَامِ.

“Аллоҳумма антассалаам ва минкассалаам, фа-
ҳаййинаа раббанаа биссалаам”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Сен ўзинг Салом (исмли)
сан ва салом Сендандир. Раббимиз бизни салом
билан ҳаёт кечиритимизни насиб эт”, деган дуони
ўқилади.

Бу ерда сўраладиган дуолар мустажоб бўлишини
назарда тутиб, дилидаги барча хайрли дуоларни
сўрайди.

Ибодатлар давомида гуруҳ аъзолари мумкин
қадар уюшган ҳолатда, жам бўлиб юриш, айникса,
аёллар намозга кирган вақтда уларни йўқотиб
қўйишдан эҳтиёт бўлиш лозим.

21. ТАВОФ. ҲАЖАРУЛ АСВАД

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деб марҳамат қилганлар:

عن ابن عباس أن النبي صلى الله عليه و سلم قال: «الطواف حول البيت مثل الصلاة إلا أنكم تتكلمون فيه فمن تكلم فيه فلا يتكلمن إلا بخير» رواه الترمذي والنسائي والدارمي.

“Каъбани тавоф қилиш – намоз кабидир, фақат Аллоҳ таоло унда гапиришни мубоҳ қилди”. Шунинг учун авратларнинг ёпиқ бўлиши тавоф шартларидандир. Ҳайзли ёки нифосли аёллар тавоф қилишлари мумкин эмас.

Эҳромда тавоф қилувчи ридосининг бир томонини ўнг қўлтиғи остидан ўтказиб, иккинчи томонини чап елкаси устидан ўрайди, ўнг елкаси очиқ қолади. Учта аввалги айланишида ўнг елка очиқ ҳолатда, қолган тўртта айланишида эҳромини ўнг елкаси устидан ўраб, ёпиб, тавоф қилади.

Тавофни Ҳажарул асваднинг рўпарасидаги яшил чироқдан бошлаш вожиб, бошқа жойдан бошлаш мумкин эмас.

Такбир, таҳлил айтиб, иккала қўлини кўтариб, иложи бўлса, Ҳажарул асвадга қўлларини қўйиб, овоз чиқармасдан қўлларини ўпади. Имкони бўлса, юзларини, чаккаларини қўйиб, уни ўпади. Агар имкони бўлмаса, қўли билан силаб ўпади ёки бирор нарсани унга теккизиб ё қўли билан унга ишора қилиб, ўпади. Агар Ҳажарул асвадга яқинлашишнинг иложи бўлмаса, рўпарасига келиб туриб, чап

елкасини Каъба томонга қилган ҳолда, Ҳажарул асвадга қараб такбир, таҳлил айтиб унга қўли билан ишора қилиб қўлини ўпади ва ушбу дуони ўқийди:

“Бисмиллааҳи, валлоҳу акбар, Аллоҳумма ий-маанан бика ва тасдиқан бикитаабика ва вафааан биаҳдика ва иттибааан лисуннати набиййика (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)”.

Яъни: “Аллоҳнинг номи билан (бошлайман), Аллоҳ буюқдир, Ё Аллоҳ, Ўзинггагина имон келтирган ҳолда ва Сенга берган аҳдимга вафо қилган ҳолда ва Пайғамбаринг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига эргашган ҳолда бошлайман”.

Тавофни бошлашда бундай деб дуо ўқийди:

“Субҳааналлоҳи валҳамду лиллаҳи, валаа илааҳа иллаллоҳу, валлоҳу акбар, валаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳ”.

Маъноси:

“Аллоҳ ҳар қандай айбу нуқсонлардан покдир. Барча мақтовлар Аллоҳгадир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Аллоҳ буюқдир, гуноҳдан тийилиш ва ибодатга қувват – Аллоҳ мадади биландир”.

Тавоф қилишни бошлаганда аввалги учта айланишда лўкиллаб тезроқ юриш мустаҳабдир. Иложи бўлса, Каъбаи муаззамага яқинлашиб юради. Қолган тўртта айланишда оддий юриш билан юради. Аёллар лўкиллаб юрмайдилар, балки оддий юриш билан юрадилар.

Агар тавофда одамларнинг кўплигидан лўкиллаб тезроқ юриш мумкин бўлмаса, ёки Каъбаи муаззамага яқинлашишнинг иложи бўлмаса, ўзига қандай осон бўлса, шундай тавоф қилаверади.

Рукни Ямонийни истилом (қўлни текказиш) қилиш мустаҳабдир. (Рукни Ямоний тавоф қила-

ётган киши Ҳатимдан ўтгач, Ҳажарул асвадга энг яқин бўлган рукндир).

Зикр ва дуоларни кўп айтиш мустаҳабдир, бунда иккаласидан қайси бирини айтиш билан кўнгли тўлса ихтиёрийдир, лекин биттасини маҳкам ушлаб олмасин ёки бошқа тавоф қилувчилар айтаётганини қайтаравермасин.

Тавоф қилувчи ўзи учун, юрти ҳамда оиласи, яқинлари ва бошқа ёру дўстлари учун дунё ва охират яхшиликларини сўраб, хоҳлаганича дуо қилади.

Рукни Яманийга етганида ушбу дуони ўқийди:

رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ.

“Раббанаа аатина фиддунйа ҳасанатан ва фил аахирати ҳасанатан вақинаа ғазаабан-наар,”

Яъни: “Эй Парвардигоримиз, бизларга дунёда ҳам яхшиликларни бергин ва охиратда ҳам яхшиликларни бергин ва бизларни дўзах азобидан сақлагин”.

Ҳар бир айланишни ана шу дуо билан тугатиш афзалдир. Тавоф асносида Қуръон тиловат қилишнинг зарари йўқ, чунки Қуръон зикр ҳисобланади.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тавофнинг фазилати ҳақида бундай деганлар:

وعن ابن عباس قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ لِلَّهِ عَزَّ وَجَلَّ فِي كُلِّ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ عِشْرِينَ وَمِائَةً رَحْمَةً تَنْزِلُ عَلَى هَذَا الْبَيْتِ: فَسِتُونَ لِلطَّائِفِينَ، وَأَرْبَعُونَ لِلْمُصَلِّينَ، وَعِشْرُونَ لِلنَّاطِقِينَ».

“Аллоҳ Байтул Ҳаромнинг ҳожилари устига ҳар куни ва туни бир юз йигирмата раҳматини нозил қилади: олтмиштасини тавоф қилаётганларга, қирқтасини намоз ўқиётганларга ва йигирматасини (Каъбага) қараб ўтирганларга”.

Тавоф пайтида аёллар иложи борича, эркаклардан нарироқда, уларга яқинлашмасдан, тиқилинч жойларга кирмасдан, Каъбадан бир оз узоқроқдан тавоф қилишлари улар учун афзалдир. Ойша (розияллоҳу анҳо) онамиз бир аёлга шундай деганлар:

«Ҳажарул асваднинг олдида тиқилинчга кирмагин, агар холи бўлганини кўрсанг, уни ўпгин, агар тиқилинч бўлса, унинг рўпарасига келганингда такбир, таҳлил айт, ҳеч кимга озор берма».

Обис ибн Рабиадан ривоят қилинган ҳадисда Ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳо) ўзлари Ҳажарул асвадни ўпиб туриб:

وعن عابس بن ربيعة قال: رأيت عمر يقبل الحجر ويقول:
وإني لأعلم أنك حجر ما تنفع ولا تضر ولولا أني رأيت رسول
الله صلى الله عليه وسلم يقبل ما قبلتك (متفق عليه).

“Биламан, сен бир тошсан, фойда ҳам, зарар ҳам бермайсан. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сени ўпганларини кўрмаганимда, ўпмас эдим”, деганлар, Ҳажарул асвадни ўпаман деб тўполонга кириб, уриниб, ҳориб-чарчаб, мусулмонларга озор бериш ҳоллари ҳам учрайди. Ҳажарул-асвадни ўпиш суннат, мусулмонларга озор бермаслик эса, вожиб.

Яна ҳадиси шарифда:

قد حج رسول الله صلى الله عليه و سلم فأخبرتني عائشة رضي الله عنها أن أول شيء بدأ به حين قدم النبي صلى الله عليه وسلم مكة: أنه توضأ ثم طاف بالبيت.

Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) (Маккага) етгач, дастлаб бажарган амаллари: таҳорат олдилар, сўнг Байтни тавоф қилдилар”.

Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоятларида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг ҳажларининг васфида шундай деганлар:

حتى إذا أتينا البيت معه استلم الركن فرمل ثلاثا ومشى أربعا.

“Биз Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга Байтуллоҳга кирдик, Жаноби Расулulloҳ рукни силаганларидан сўнг уч марта паҳлавон юриш қилиб, тўрт марта (оддий) юриб (тавоф қилардилар)”.

Албатта, бу ишни тавофни ният қилиб туриб қилади. Таматтуни ният қилганлар “умра тавофи” деб ният қиладилар.

Елканинг биттасини ёки иккитасини очиб, намоз ўқиш макруҳдир, ҳатто тавоф намози бўлса ҳам (бу ҳолат ҳожиларда кўп учрайди). Тавофдан фориғ бўлгач, елкасини ўрайди, саъй қилаётганида ҳам елкалар ёпиқ ҳолда бўлади.

22. ТАВОФ НАМОЗИНИ АДО ЭТИШ

Тавофни адо қилиб бўлгач, Мақоми Иброҳим орқасида икки ракат намоз ўқиш вожибдир, гарчи ундан узоқда бўлса ҳам, иложи бўлмаса, масжиднинг қайси жойида бўлса ҳам ўқиса бўлади.

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 125-оятида марҳамат қилади:

﴿وَاتَّخِذُوا مِنْ مَّقَامِ إِبْرَاهِيمَ مُصَلِّينَ﴾

Мазмуни: **“Ва Иброҳимнинг мақомини намозгоҳ тутинг”**.

Биринчи ракатда Фотиҳа сурасидан кейин Кофирун сурасини, иккинчи ракатда Ихлос сурасини зам қилиш суннатдир.

Фарз тавофими, нафл тавофими, барибир тавофдан кейин бу намоз адо этилади.

Агар тавофдан кейин фарз намози ўқилса, тавоф намозининг ўрнига ўтмайди. Чунки бу икки ракат намоз вожибдир, бошқа намоз билан адо этилган ҳисобланмайди.

Масжидул Ҳаромда тавоф қилаётганлар учунгина намоз ўқиётган кишининг олдидан кесиб ўтишга рухсат берилади. Хоҳ эркак киши бўлсин, хоҳ аёл киши бўлсин, макруҳ эмас. Бу Масжидул Ҳаромга хос бўлган хусусиятлардандир.

23. ЗАМЗАМ СУВИДАН ИЧИШ

Тавоф қилишдан фориғ бўлиб, Мақоми Иброҳимда икки ракат намозни адо этиб бўлгач, Замзам сувидан ичиш мустаҳабдир.

Ичаётганда “Бисмиллоҳ”ни айтиб, Замзамли финжонни ўнг қўлда тутиб, дунё ва дин яхшиликларини ҳамда шифо сўраб, ният қилиб ичиш суннатдир.

Қиблага қараб уч марта нафас билан бўлиб, тўйиб ичиш ва ичиб бўлганидан кейин Аллоҳга ҳамд айтиш мустаҳабдир.

Бўшаган финжон махсус ажратилган идишга ташланади.

Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда:

عن جابر رضي الله عنه عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: ماء زمزم لما شرب له (رواه ابن ماجه و احمد وابن حبان).

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Замзам сувини нима учун ичилса, шунинг учундир”, дедилар. Бошқа бир ҳадисда:

Абу Зарр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади:

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Замзам суви борасида:

عن أبي ذر رضي الله عنه، أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال في ماء زمزم: «إنه طعام طعم، وشفاء سقم».

“Албатта, у (Замзам суви) очга таом, касалга шифо”, деганлар, хуллас, у нима ният билан ичилса, иншоаллоҳ, ўша ниятга эришилади.

24. САФО ВА МАРВАДА САЪЙ ҚИЛИШ

Замзам сувидан ичиб бўлгандан сўнг, ҳожи Сафо тепалигига чиқиб, саъйни бошламасидан олдин имкони бўлса, қуйидаги ояти каримани ўқийди:

﴿إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَائِرِ اللَّهِ فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ اعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطَّوَّفَ بِهِمَا وَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا فَإِنَّ اللَّهَ شَاكِرٌ

عَلِيمٌ ﴿١٥٨﴾

“Албатта, Сафо ва Марва (тепаликлари) Аллоҳнинг шиорларидандур. Бас, кимки, ҳаж ё умра қилганида у иккисини тавоф этса, унга гуноҳ йўқдир. Ўз ихтиёри билан бирор хайрли иш (нафл ҳаж ёки умра) қилса, албатта, Аллоҳ шукрни қабул этувчи, доно Зотдир” (Бақара сураси, 158-оят).

Сўнг Каъбаи муаззама томонга юзланиб, тўғрисидаги эшикдан хонаи муборакни кўриб туриб, икки қўлини дуога очиб, уч марта “Аллоҳу акбар!” деб такбир айтади, Пайғамбаримизга дурудун салавотлар айтиб, сўнгра ўзи учун, аҳли оиласи ва Ватанимиз учун дуо қилади, такбир айтади ва бу дуони ўқийди:

“Аллоҳу акбар. Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамд, йуҳйи ва йумииту ва ҳува ҳаййун, лаа ямуут, биядиҳил-хойру ва ҳува ѓалаа кулли шайъин қодиир”.

Яъни: “Аллоҳ буюқдир. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир, унинг шериги йўқдир, барча мулк Уни-кидир, барча ҳамду сано Унгадир, у тирилтиради ва ўлдиради, У абадий ҳаёт, ўлмайди, барча хай-ротлар – яхшиликлар Унинг қудрат қўлидадир. У ҳар қандай нарсага қодир Зот”.

Сўнгра Сафодан Марва тепалигига қараб оҳиста юриб кетади. Мана шу оҳиста юришни саъй дейилади. Иккита яшил устунлар орасида лўкиллаб, тезроқ юрилади. Иккита яшил устундан олдин ҳам, кейин ҳам одатий юриш билан юрилади.

Зиёратчи яна оҳиста юриб, Марва тепалигига етиб бориб, тепароққа чиқади ва бу ерда ҳам яна Сафода қилган ишларини қилади, яъни қиблага қараб такбир, тамжид ва таҳлил ўқиб, салавот айтиб, хайрли эзгу дуолар қилади.

Сафодан Марвага келиш бир саъйдир. Яна Марвадан Сафога боради. Яна аввалги тариқада, оҳиста юриб боради, икки яшил чироқ ўртасида лўкиллаб юриш қилади. Сафога етиб келганида икки саъй бўлади.

Шу тариқа Сафо ва Марва ўртасида етти марта саъй қилади.

Саъйни Сафодан бошлаш вожибдир. Саъйнинг еттинчиси Марвада тамом бўлади. Шу ерда илтижо этиб, дуолар қилинади. Таматтуни ният қилган киши саъйни тугатгандан кейин сочини олдириб (ёки қисқартириб), эҳромдан чиқади.

Сафо ва Марва тепаликлари ўртасидаги масофа 394,5 метрдан иборат.

Сафо тепалигидан Каъбаи муаззамагача 70 м.

Эслатма. Эҳромдан чиққанларга эҳром ман қилган нарсалар ҳалол бўлади, аммо бир нарсага эътиборни қаратиш лозимки, Маккаи мукарраманинг атрофида маълум чегара бор, ўша жойларда полиция тафтиш (текшириш) нуқталари бўлиб, мусулмон бўлмаган кишиларнинг кириши мумкин эмаслиги ёзиб қўйилган. Баъзилар Масжидул Ҳаромнинг ўзинигина ҳарам дейдилар, аслида, ўша чегарадан ичкарасидаги ҳамма жой “ҳарам” саналади. Бу ерлар Аллоҳ томонидан ҳаром қилинган бўлиб, ўша чегара ичида ҳайвонларни овлаш, ўлдириш, ўсимликларни кесиш каби ишлар ман этилади. Шу сабабдан ҳожилар ушбу ҳукмларни доимо ёдда тутиб, амал қилишлари лозим.

Зулҳижжа ойининг еттинчи (фиқҳий китобларда саккизинчи куни дейилган, ҳозирги вақтда ер юзидан келган миллионлаб ҳожиларни ўз вақтида автобусларда олиб чиқишни кўзлаб, Саудия Арабистони Ҳаж вазирлиги бир кун олдин

ҳаракатни бошлайди) куни барча ҳожилар Минога автобусларда чиқадилар.

25. ҲОЖИЛАР ВА УМРА ЗИЁРАТЧИЛАРИГА МУҲИМ ТАВСИЯЛАР

Ҳаж қилишга муваффақ қилгани учун Аллоҳ таолога ҳамдлар айтамиз, ҳажимизни мабрур, саъйимизни машкур қилишини умид қилиб, ҳожилар ва зиёратчиларга қуйидагиларни тавсия қиламиз:

1. Муборак сафарда эканлигингизни, Аллоҳга меҳмон эканлигингизни, Унинг чақириғига, тоатига “лаббай” деб турганингизни, бундан улуғ ажр йўқлигини, мабрур ҳажнинг ажри фақат жаннат эканини эсдан чиқарманг.

2. Бир-бирингизга ўзаро ҳурматда бўлинг. Талашиб тортишишдан, жанжал қилишдан, гуноҳ ишларни қилиш ва гапиришдан сақланинг. Чунки Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

عن أنس بن مالك رضي الله عنه، عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: لا يؤمن أحدكم حتى يحب لأخيه ما يحب لنفسه (رواه البخاري ومسلم).

“Ўзига яхши кўрган нарсани биродарига ҳам яхши кўрмагунча бирортангиз (комил) мўмин бўлмайди”, деб марҳамат қилганлар.

3. Диний ёки дунёвий масалаларда, умра амалларида, ҳаж маносикларида бирор тушунмовчилик туғилса, уни яхши билиб олиш учун гуруҳ раҳ-

барингизга ёки бошқа уламоларга, ишчи гуруҳига муурожаат қилиб, аниқлаб олинг.

4. Ҳарамнинг дарвозалари ва кириш жойлари йўлақлардир. Бу ерларда намоз ўқиб, йўлни беркитиб қўйиш тўғри бўлмайди.

5. Ҳажарул асвадни ўпиш суннат, мусулмонга озор бериш ҳаромдир. Тиқилинчда унга ишора қилиб, такбир айтишингиз кифоя қилади.

6. Рукни Ямонийни ўпиш суннат эмас, шунинг учун уни ўпилмайди. Тавофда ўнг қўлни тегизиб қўл ўпилади, ўпаётган вақтда: “Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар”, дейилади. Агар қўлни тегизиш қийин бўлса, тавофда давом этаверади.

7. Ёлғон гапиришдан, ғийбат қилишдан, чақимчиликдан ва бировни масҳара қилишдан тилни сақлаш лозим.

8. Ҳожи агар “Уч марта тавоф қилдимми ёки тўрт мартами”, деб шубҳаланиб қолса, масалан, уч мартага (яъни озига) ҳисоб қилади. Шунингдек, саъй қилишда ҳам адашса, озига ҳисоб қилади.

9. Аёл киши зийнатланиб, хушбўй нарсаларни ишлатиб ва шариат рухсат берганидан ташқари жойларини очган ҳолда (баданига ёпишиб тикилган ёки шаффоф, ичи кўриниб турадиган кийимда) тавоф қилиши мункар ишлардандир; аёл киши эҳроми учун кийим кийишида эркакларга ўхшаб қолишдан эҳтиёт бўлган ҳолда хоҳлаган кийимини кийиши жоиз; аммо тор кийим киймасин ҳамда зийнатлар билан безанмасликка риоя қилсин, кийган кийими бошқаларни ўзига жалб қилмасин.

26. МИНОДА ҚИЛИНАДИГАН АМАЛЛАР

Зулҳижжа ойининг 7-куни ҳожилар меҳмон-хонадан ишчи гуруҳи ва элликбошилар раҳбарлигида уюшган ҳолатда автобусларда Минога етиб келишади. Минога талбия айтиш билан чиқиш лозим. Ҳожи Минога етгач, “Ё Аллоҳ, бу Минодир. Бас, дўстларинг ва аҳли тоатингга ато этган эҳсонларингдан менга ҳам инъом эт!” дейди.

Минонинг майдони 8 квадрат км. дан иборат.

Минода Тарвия (ёлғон арафа) кунининг пешин, аср, шом, хуфтон ҳамда Арафа кунининг бомдод намозлари ўқилади. Дуо, ибодат билан машғул бўлинади. Бу Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) суннатларидир.

Зулҳижжанинги 9, Арафа куни бомдод намози ўқилгандан сўнг, автобусларда уюшқоқлик билан Минодан Арафотга қараб йўлга тушилади.

27. АРАФОТДАГИ ИБОДАТЛАР

АРАФОТ – Маккадан 13 км масофада жойлашган. Шимол томондан тоғ тепалиги билан ўралган.

Арафотда туриш ҳажнинг асосий рукнидир. Бусиз ҳаж ҳаж бўлмайди. Эҳтиёт бўлиб Арафот чегарасида, вуқуфга макон ҳисобланган жойда туриш керак. Шу сабабдан ҳам элликбошилар томонидан ўзбекистонлик ҳожиларга ажратилган чодирлар масканидан ўз ҳолича чиқиб кетмасликлари таъкидланади.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом):

وَعَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنْ رَسُولِ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الْحَجُّ عَرَفَةٌ.

“Ҳаж – Арафадир”, деганлар.

Арафа куни заволдан (қуёш қиёмдан оғиб бошлагандан) бошлаб Арафотда туриш вақти киради. Арафот улуғ мақом бўлиб, у жойдаги дуолар қабулдир. Ҳожи у ерда доимо дуода бўлишга ҳаракат қилиши лозим.

عن عمرو بن شعيب عن ابيه عن جده رضي الله عنه عن النبي صلى الله عليه و سلم قال خير الدعاء دعاء يوم عرفة.

Амр ибн Шуайбдан, у отасидан, у бобоси (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилади:

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“*Дуоларнинг (хайрлиси) яхшиси Арафот куни дуосидир*”, дедилар (*Термизий ва Аҳмад ривоят қилганлар*).

Ҳадиси шарифдан маълум бўлиб турибдики, кунларнинг афзали бўлган Арафа кунида Арафотда қилинган дуо дуоларнинг яхшиси ва ижобат бўладиганидир. Бу дамлар ҳар бир ҳожи учун ганиматдир.

Бу ерда, бу кунда ҳожи такбир, таҳлил, тасбеҳ, таҳмид ва Пайғамбар (алайҳиссалом)га дурудусалавотлар ўқиши гўзал ишлардандир, шунингдек, у яна талбияни айтишда давом этади. Хайрли дуолар қилади. Ўзи ёддан билган дуоларни ўқийди.

Аллоҳ таолодан ўзи, аҳли оиласи ва юртимиз мусулмонлари учун мағфират сўраб, дуолар қилади.

Талбия айтишда овозини баланд кўтармайди. Дуо ва зикрларнинг махфий (ичида) ўқилиши

яхшироқдир. Ҳар бир дуони уч марта такрорлаши яхшидир. Дуонинг аввалида ва охирида таҳмид (*алҳамдулиллоҳ*), тамжид (*иннака ҳамидум мажид*), тасбеҳ (*субҳоналлоҳ*), калимаи тоййиба (Лаа илааҳа иллаллоҳ), такбир (Аллоҳу акбар) ва салавот ўқийди. Буларнинг ҳар бирини юз мартадан ўқиши тавсия этилади. Охирида “Омин” (тилайман) деб дуо қилади.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло фаришталарига шундай дейди: *“Эй фаришталар, бу банда менга тасбеҳ ва таҳлил ва такбир ва таъзим қилди ва ҳамду санолар айтди ва менинг Пайғамбаримга дуруд айтди, бунинг жазоси (мукофоти) нимадир, биласизларми?”* деб сўрайди, ва яна: *“Эй фаришталар, гувоҳ бўлингларки, бу бандамни мағфират қилдим (гуноҳларини кечирдим), бу бандамни мақбули шафоат қилдим”,* деб марҳамат қилади (*Байҳақий ривояти*).

Арафотда пешин ва аср намозлари бир азон ва икки иқомат билан қўшиб, пешин вақтида қаср қилиб ўқилади. Бу ҳолатда ҳожи эҳромда бўлиши ва жамоат бўлиши шарт. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий хутба ўқийди.

Дуо ва тавбада бардавом бўлиш лозим. Арафотдаги вуқуфдан сўнг, қуёш ботганидан кейин баъзи кишилар одат қилганларидек, шошқалоқлик билан эмас, балки ҳаж ибодатини адо қилаётганини унутмаган ҳолда, секин, оҳисталик ва тартиб билан автобусларда Муздалифа тарафга йўлга чиқади. Зеро, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) худди шундай нохуш ҳолатлар бўлмаслиги учун: *“Аллоҳдан қўрқинглар ва чиройли юриш билан юринглар, заифларни эзманглар ва мусулмонларга азият етказманглар”,* деганлар (*Насоий ривояти*).

28. МУЗДАЛИФАДА

Қуёш ботиб, автобусларда Муздалифага етиб келгач, ҳожи: “Ё Аллоҳ, бу Муздалифадир. Турлитуман тилларда гаплашувчи кишилар унда жамланиб, ҳар хил ҳожатларини Сендан сўраяптилар. Бас, мени ҳам Сенга дуо қилганида Ўзинг уларга жавоб берадиган, Сенга таваккал қилганида Ўзинг уларга кифоя этадиган кишилардан қилгин”, деб илтижо қилади.

Аллоҳ таоло:

﴿ فَإِذَا أَفَضْتُمْ مِنْ عَرَفَاتٍ فَأذْكُرُوا اللَّهَ عِنْدَ الْمَشْعَرِ الْحَرَامِ ﴾

“Арафотдан тушганингизда, Машъари Ҳаромда (Муздалифада) Аллоҳни (талбия, таҳлил, такбир, сано билан) зикр этинг”, (*Бақара сураси, 198-оят*) деб марҳамат қилади.

Бу ерда хуфтон вақтида бир азон, икки иқомат билан шом ва хуфтон намозларини қўшиб ўқилади. Бу кечанинг фазли жуда улуғдир. Бу ерда ҳам дуога машғул бўлинади. Муздалифада туриш ибодатга тенгдир.

Саудия Арабистони Ҳаж вазирлиги мутасаддилари томонидан белгилаган вақтда ҳожилар ўз гуруҳлари билан Минога кетишга тайёргарликни бошлайдилар. Муздалифада уч кун ҳайит кунлари Жамаротда шайтонга отиш учун қирқ тўққиз донадан тош териб олинади, тошнинг катталиги нўхатдан бироз каттароқ бўлиши лозим. Тошларни нопок, шубҳали жойлардан олиш жоиз эмас.

Муздалифада бир неча соат бўлса ҳам ётиб, мабит қилиш (ётиш, тунаш) лозим.

29. ШАЙТОНГА ТОШ ОТИШ

Бу ибодатда бандаликни изҳор қилиш учун фармони Илоҳийнинг ўзига бўйсунуш қасд қилинади. Иброҳим (алайҳиссалом)га иблис ўша жойда ҳажларига шубҳа киритмоқчи ва гуноҳ билан чалғитмоқчи бўлганида, Аллоҳ таоло уни тош билан қувиб, ҳайдаш орқали умидини кесишни буюрди. Бу ерда “Шайтон менга йўлиқмаяпти, кўринмаяпти, васваса ҳам қилмаяпти”, деган фикр хаёлдан ўтиши ҳам шайтондандир.

Тош отишда собитқадам бўлиш лозим. Тошни ўнг қўлига олиб, бошмалдоқ, кўрсаткич ва ўрта бармоқни учи билан ушлаб отилади.

Жамаротда тош отиладиган устунлар учта бўлиб, биринчи куни биринчи ва иккинчи устунларга тош отилмай ўтиб кетаверади. Ҳожи учинчи устунга бориб, жамарага юзланиб 7 та тош отади. Тош битта-битта отилади, ҳар бир тошни отишда “Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар”, дейди. Тош отиб бўлгач, талбия ва такбир айтишни тўхтатади.

Биринчи куни тош отиш вақти шу куннинг субҳи содиғидан бошлаб то келаси куннинг субҳи содиғигачадир. Лекин ўша куни заволгача отиш – суннат.

Иккинчи куни уч жойда тош отилади. Минодан юриб келганда дастлаб дуч келинадиган “Жамратул-ула” деган ерга етти дона тош юқорида айтилгандек отилади.

Сўнг бир четга ўтиб, қиблага қараб дуо қилинади. Тош отиладиган иккинчи ва учинчи жойлар Жамратул-вусто ва Жамратул-ақоба деб номланади.

У ерларда ҳам худди биринчи жойдаги ҳолат такрорланади. Фақат учинчи мақомда тош отилгандан кейин тўхтамай кетиш лозим.

Иккинчи ва учинчи кунлари тош отишнинг вақти заволдан кейин то қуёш ботгунча бўлиб, заволдан олдин жоиз эмас. Қуёш ботгач эса, макруҳ бўлади.

Ҳайитнинг учинчи куни ҳам шу тарзда тош отилади.

Эслатма: Кейинги йилларда ҳаж амалларини адо этиш учун ер юзининг турли мамлакатларидан бир неча миллион киши келаётгани, тиқилинчда айрим кўнгилсиз ҳодисалар юз бераётганини эътиборга олиб, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳаж вазирлиги тош отишни тартибга солмоқда. Ҳаж вазирлигидан ҳар бир мамлакат ҳожилари ишчи гуруҳига ҳожиларнинг шайтонга тартибли тош отиш жадвалини тақдим этади. Ҳожилар ушбу жадвалга риоя қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Ундан сўнг қурбонликлар сўйилганлиги ҳақида эълон қилингунча, соч олдиришни кечиктириб туради. Қурбонлик эълон қилингач, сочини олдиради ва эҳромдан чиқади.

Сўнгра, у Маккага қайтиб, тавофи ифозани адо этади. Бу билан эҳромдан чиқиш тўла бўлиб, фақат амаллардан ташриқ кунларида Минода тунаш ва тош отишгина қолади. Юқорида айтиб ўтилган барча амаллар асносида ҳожи сабрли ва бардошли бўлиши лозим. Чунки ҳаж инсонни Аллоҳ таоло йўлида сабр ва бардошга ундайдиган ибодатдир. Ҳаж ибодатини адо этаётган киши имкон қадар ҳажни бузадиган нохуш амалларни қилишдан эҳтиёт бўлиши лозим.

Қурбонлик куни, яъни ўнинчи куни “Жамратул-ақоба”да тош отиш вақти субҳи содиқдан бошланади.

Агар кечки пайтгача қайси вақтда бўлса ҳам, отса, жоиз бўлади. Аммо бир узрли сабаб бўлиб, тош отиш кечасига қолса, кечаси отади, узрсиз кечасига қолдириш макруҳдир. Ўн биринчи ва ўн иккинчи кунлари тош отишнинг вақти заволдан бошлаб қуёш ботгуничадир.

Ўн биринчи, ўн иккинчи кунлари уч жойда шайтонга етти дондан тош отилади, ҳар отилганда такбир айтилади. Аввал “Жамратул-увло”дан бошланади (“Жамратус-суғро” ҳам дейилади). Кейин “Жамратул-вусто”да отилади ва охири “Жамратул-ақоба”да отилади.

“Жамратул-ақоба” билан “Жамратул-вусто”нинг ораси 116 метр; “Жамратул-вусто” билан “Жамратул-увло”нинг ораси 156 метр.

Ўн иккинчи куни қуёш ботишидан аввал Минодан Маккага меҳмонхонага қайтиб чиқиб кетилади.

Ташриқ кунлари тош отиб бўлиб, қиблага юзланиб, Аллоҳ таолога ҳамдлар айтиб, у Зотдан ўзи, аҳли оиласи ва яқинлари учун мағфират сўраб, дуо қилиш мустаҳабдир.

Солимдан, у Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилган ҳадисда:

عن سالم عن ابن عمر: أنه كان يرمي جمرة الدنيا بسبع حصيات يكبر على إثر كل حصاة ثم يتقدم حتى يسهل فيقوم مستقبل القبلة طويلا ويدعو ويرفع يديه ثم يرمي الوسطى بسبع حصيات يكبر كلما رمى بحصاة ثم يأخذ بذات الشمال فيسهل ويقوم مستقبل القبلة ثم يدعو ويرفع يديه ويقوم طويلا

ثم يرمي جمرة ذات العقبة من بطن الوادي بسبع حصيات
يكبر عند كل حصة ولا يقف عندها ثم ينصرف فيقول: هكذا
رأيت النبي صلى الله عليه و سلم يفعله. رواه البخاري.

“Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мас-жиднинг ёнидаги “Жамратул-увло”га ҳар бир тошни такбир билан етти дона отиб бўлгач, чап томонга – Батнул-водийга бурилиб юрдилар ва тўхтаб турдилар, қиблага қараб қўлларини кўтариб дуо қилдилар ва узоқ турдилар. Кейин иккинчисига – “Жамратул-вусто”га ҳам ҳар бир тошни такбир билан етти дона отдилар, сўнгга чап томонга Батнул-водийга бурилиб юриб тўхтадилар, қиблага юзланиб қўлларини кўтариб дуо қилдилар. Кейин юриб “Жамратул-ақоба”нинг олдига бориб, етти дона тош отдилар, ҳар бир тош отишда такбир айтар эдилар, кейин бурилиб кетдилар, тўхтаб турмадилар” (Имом Бухорий ривояти).

Ҳозирги кунларда ҳаж қилувчилар сони тобора ортиб бормоқда.

Жамаротда тош отиш жойлари одам энг кўп тўпланадиган ва тиқилинч бўладиган жойларга айланиб қолди. Шу ҳолатни эътиборга олиб, ула-моларнинг фатволарига асосан, тош отиладиган жой ҳозирги кунда ер қаватидан ташқари яна тўрт қават қилиб қурилган.

30. ҚУРБОНЛИК ҚИЛИШ, СОЧ ОЛДИРИШ ЁКИ ҚИСҚАРТИРИШ

Ўнинчи куни шайтонга тош отиб бўлиб қурбон-лик қилинади. Бизнинг ҳожиларимиз қурбонлиги

ташкилий амалга оширилади, бу ҳақда Минода ишчи гуруҳи томонидан эълон қилинади.

Тош отгандан кейин Қурбон ҳайити кунлари ҳажнинг таматту турини бажарувчи ҳожиларимизга қурбонлик қилиш вожибдир. Қурбонлик сўйишга молиявий имконияти бўлмаса, ўн кун рўза тутиб беради, бундан уч куни ҳаж сафари давомида Қурбон ҳайити кунларидан илгари ва етти куни Қурбон ҳайитидан сўнгра Ватанга қайтгач, уйда тутиб беради.

Қурбонлик сўйилгани тўғрисидаги хабар келгач, сочни таги билан олдирилади ёки қисқартирилади, таги билан олдиришнинг савоби афзалдир.

Соч олдиргандан сўнг (“Аллоҳу акбар!” деб) такбир айтади ва ўзи, ота-онаси, устозлари учун Ҳақ субҳонаҳу ва таолодан лутф ва мағфират тилаб, дуолар қилади.

Шундан сўнг эҳромли кишига ман этилган ҳамма нарсалар, эр-хотин ўртасидаги яқинлик қилишдан ташқари, ҳалол бўлади. Яъни эҳромдан чиқиб, ўзининг одатдаги кундалик кийимини кийиш, хушбўй нарсалар ишлатиш ва бошқа нарсалар ҳалол бўлади. Аёллар сочларини бармоқнинг бир бўғимича қисқартирадилар. Соч олдириш Минода бажарилади ва у вожиб амал бўлиб, бундаги мустаҳаблар шуки, соч олдиришни ўнг томондан бошласин, кейин чап томонини олдирсин, қиблага қараб ўтирсин ва олдираётганида такбир айтиб турсин. Сочни қисқартирганда у ер-бу еридан қирқиб қўйиш кифоя қилмайди, балки олганга ўхшатиб ҳамма еридан қисқартириш лозим.

Бошида сочи йўқ одам бошидан устара юргизиб юбориши вожибдир.

31. ИФОЗА ТАВОФИ

Зулҳижжа ойининг ўнинчи куни, яъни, ҳайит куни, шайтонга тош отиб, қурбонлик сўйилгач, сочни олдириб (ёки қисқартириб) бўлингандан сўнг Байтуллоҳ тавоф қилинади.

Соч олдиришдан фориғ бўлгач, Маккаи муқаррамага қайтиб келинади ва ифоза тавофини (зиёрат тавофи ҳам дейилади) адо этилади, ҳажжи таматту қилаётганлар тавофдан сўнг саъй ҳам қиладилар. Шу билан ҳожи бутунлай эҳромдан чиқиб, шаръий эр-хотинлик муносабатлари ҳам халол бўлади.

Ифоза тавофи ҳаж рукн (фарз)ларидан бўлиб, уни тарқ қилган ҳожининг ҳажи ҳаж бўлмайди. Ифоза тавофининг вақти қурбонлик куни тонг отишидан бошлаб қурбонлик ёки ташриқ кунларида қайси вақт бўлса ҳам (бу тавофни уч кун ҳайит ичида) адо этса бўлади. Агар бу кунлардан кейинга қолдирса, жонлиқ сўйиш лозим бўлади.

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, тавофи ифозани адо этиш учун Байтул Ҳаромга бориб келишга ер юзидан келган барча ҳожиларга ташкилий транспорт воситаси ажратилмайди. Барча мамлакатлар ҳожилари қатори бизнинг ҳожилар ҳам гуруҳ раҳбари бошчилигида уюшиб, алоҳида-алоҳида транспорт воситасини ўз ҳисобларидан ёллаб, бориб келишади. Бунинг сабаби уч кун ҳайит кунлари автомабил ҳаракати чекланиши боис, автобуслар ҳожиларга хизмат қилишдан расмий равишда тўхтатилади.

32. ВИДОЛАШУВ ТАВОФИ

Ҳожи (зиёратчи) Ватанига жўнаб кетишдан олдин видолашув тавофи (тавофи вадоъ)ни адо этиши керак. Бу вожиб амалдир. Унинг яна бир номи “тавофус-садр” (кўкрак тавофи)дир. Тавофи видода рамл ва саъй қилинмайди. Ният қилиб, тавофни адо этиб бўлгандан сўнг, икки ракат тавоф намози ўқилади. Аллоҳга илтижо ва тазарру билан дуо қилинади. Кейин Замзам сувидан тўйиб-тўйиб ичилади. У ерда ҳам дуолар қилинади. Яна такбир, таҳлил айтиб, дуолар ўқиб, маҳзунлик ва кўзда ёш билан хайрлашиб чиқиб кетилади. Тавофи видони адо этгач, бошқа ишлар билан машғул бўлмай Маккаи мукаррамадан Ватанга йўлга отланиш керак.

Шу билан ҳаж амаллари тугайди.

Ҳайз ёки нифос кўрган аёлга тавофи видони қилиш вожиб эмас. Улар узрли бўлгани учун тавофи видони қилмай, Ватанга қайтаверадилар.

33. ҲОЖИЛАР РАСУЛУЛЛОҲ (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ)ГА САЛАВОТ АЙТАДИГАН ЖОЙЛАР. САЛАВОТЛАР ФАЗИЛАТИ

Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

﴿إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

“Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Пайғамбарга салавот ва салом айтадилар. Эй имон келтирганлар! Сиз ҳам унга салавот

айтинг ва салом юборинг” (Аҳзоб, 56-оят) деб буюрган.

1. Дуо пайтида;
2. Масжидга кираётганда ва чиқаётганда;
3. Сафо ва Марвада;
4. Одамлар тўпланганда ва тарқалганда;
5. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак номлари зикр қилинганда;
6. “Лаббайка” айтиш тамомланганда;
7. Ҳажарул асвадни истилом – қўл билан ушлаб ёки узоқдан ишора қилиб, ўпганда;
8. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак қабрлари ёнида;
9. Жума куни ва ҳ.к.

34. ДУО ҚАБУЛ БЎЛАДИГАН ЖОЙЛАР

Дуо ибодатнинг мағзи бўлиб, Аллоҳ таоло Ўзининг бандаларга жуда яқинлигини, Ўзининг гўзал исмлари борлиги ва бу исмларнинг қайси бири билан дуо қилинса, ижобат қилишини айтган.

﴿ وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ ۖ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ فَلْيَسْتَجِيبُوا لِي وَلْيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ ﴾

“Сиздан (эй Муҳаммад!) бандаларим Менинг ҳақимда сўрасалар, (айтинг) Мен уларга яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини ижобат этурман. Бас, улар ҳам Мени (даъватларимни) ижобат (қабул) этиб, Менга имон келтирсинлар, шояд (шунда) тўғри йўлга тушиб кетсалар” (Бақара сураси, 186-оят).

﴿ قُلِ ادْعُوا اللَّهَ أَوْ ادْعُوا الرَّحْمَنَ أَيًّا مَا تَدْعُوا فَلَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ
وَلَا تَجْهَرُوا بِصَلَاتِكُمْ وَلَا تَخَافُوهَا وَابْتَغِ بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا ﴾

«(Эй Муҳаммад!) **Айтинг:** “Аллоҳ, деб чорлангиз ёки Раҳмон деб чорлангиз. Қандай чорласангиз ҳам (жоиздир). Зеро, Унинг гўзал исмлари бордир”. (Эй Муҳаммад!) Сиз намазингизни жуда жаҳрий (баланд овозда, ошкора) ҳам қилиб юборманг (токи мушриклар эшитиб, Қуръонни ҳақорат қилмасинлар) ва ўта махфий ҳам қилиб юборманг (токи саҳобаларингиз тинглаб, фойдалансинлар). Шуларнинг (жаҳрийлик билан махфийлик) ўртасидаги йўлни истанг!» (Исро сураси, 110-оят).

Ҳожилар учун доимий дуо қилишлари зарур бўлган (дуолар мустажоб бўладиган) жойлар:

1. Масжидул Ҳаром;
2. Каъба ёнида;
3. Мултазам (Каъба эшиги рўпараси)да;
4. Ҳатим (Каъба ёнидаги ажратилган майдон)да;
5. Рукнул Ямоний (Каъбанинг шу номли тарафи)да;
6. Ҳажарул асвад (қора тош) ёнида;
7. Мақоми Иброҳимда;
8. Замзам булоғи ёнида;
9. Минода;
10. Арафот водийсида;
11. Муздалифада;
12. Сафо ва Марва тепаликлари устида;
13. Масжиди Набавий (Мадина)да;
14. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Равзаи муборакларида;
15. Жаннатул-Бақиъ қабристонини ёнида.

II БОБ. УМРА

“Умра” сўзининг луғавий маъноси “зиёрат”, шаръий маъноси Байтуллоҳнинг махсус зиёратидир.

Умра динимизда Байтуллоҳни тавоф қилиб, Сафо ва Марва оралиғида етти марта саъй қилишдир.

Ҳанафий мазҳабида умр давомида бир марта умра қилиш – суннати муаккададир.

Умра улуғ савобларга эриштирадиган ибодатдир.

1. УМРА АМАЛЛАРИ

Умра амаллари қуйидагилар:

- Эҳромга кириш.
- Каъбаи муаззамани тавоф қилиш.
- Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъй қилиш.

• Сочни олдириш ёки қисқартириш.

Ҳажнинг шартлари умра учун ҳам шартдир.

Арафа куни ва ундан кейинги тўрт кунда умра қилиш макруҳ, сабаби бу кунлар ҳаж учун белгиланган кунлардир.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Қуръони каримда:

﴿وَأَتِمُّوا الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ لِلَّهِ﴾

“Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун комил қилинг”, деб марҳамат қилган (*Бақара сураси, 196-оят*).

Абу Солиҳ Моҳон (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

عن أبي صالح مآهان قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «الحج مكتوب، والعمرة تطوع» رواه ابن ماجة.

Яъни: “*Ҳаж фарз қилинган, умра ихтиёрий*”, деганлар (Ибн Можа ривояти).

Ажри энг кўп ва улуғ бўлган умра Рамазон ойида қилинган умра бўлиб, унинг савоби ҳаж савоби билан баробардир. Ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар:

وعن ابن عباس قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «إن عمرة في رمضان تعدل حجة» (متفق عليه).

“*Рамазонда қилинган умра ҳаж савоби билан тенгдир*”.

Умранинг нияти:

اللهم إني أريد العمرة فيسرها لي وتقبلها مني، نويت العمرة
وأحرمت بها لله

“Аллоҳумма иннии уриидул умрата фаяссирҳа лии ва тақаббалҳа миннии. Навайтул умрата ва аҳрамту биҳа лиллаҳи таоло”.

Маъноси: Аллоҳим, мен умра қилмоқни ирода қилмоқдаман. Уни менга осон эт ва қабул айла. Умрани ният қилдим ва Аллоҳ таоло учун умрага эҳром боғладим.

2. УМРАНИНГ СУННАТЛАРИ

- Эҳром боғлаш олдидан ғусл қилиш;
- Эҳромга кириш олдидан хушбўйликлар суртиш;
- Талбия айтиш;
- Тавоф ул-қудум қилиш;
- Тавофни узлуксиз етти марта адо этиш.

- Сафо ва Марва орасида етти марта саъй қилиш;
- Саъйда таҳоратли бўлиш.

3. СОЧ ОЛДИРИШ ЁКИ ҚИСҚАРТИРИШ

Зиёратчи саъйни адо этиб бўлгач, сочини таги билан олдиради ёки қисқартиради, афзали таги билан олдиришдир.

Аёллар сочларини бармоқнинг бир бўғими миқдорида қисқартирадилар.

Улар учун афзали сочларининг ҳаммасини бир жойга тўплаб туриб, учидан бир бармоқ бўғимича қисқартиришдир.

Сочни олдириш ёки қисқартириш бизнинг Ҳанафий мазҳабимизда вожиб амаллардандир, уни тарк қилган киши қурбонлик сўйиши лозим бўлади.

Мана шу билан умра ибодати тамом бўлади ва шундан сўнг эҳром ман этган ҳамма нарса мумкин бўлади.

4. АЁЛЛАРНИНГ ҲАЖИ ВА УМРАСИ

Ҳаж ва умра машаққатли сафар. Динимизда аёллар хусусиятлари эътиборга олиниб, ҳар қандай ҳолатда шунга қараб иш тутилган. Аёл ёлғиз бўлса, қийналиб қолиши мумкин. Шунинг учун аёл кишига сафарда бир маҳрам бирга бўлиши шарт қилинган.

Аёл киши эҳромга кираётганида ҳайз кўриб турган бўлса ҳам, ғусл қилиб, ният қилаверишига рухсат берилди.

Аёлларнинг эҳромга оид барча аҳкомлари эр-каклар ҳукмидан бир неча нарсада фарқ қилади:

– Аёллар эҳромда эркакларга ҳаром бўлган нина билан тикилган одатдаги кундалик либосларни киядилар.

– Аёллар махси кийишлари мумкин.

– Аёллар бошларини беркитадилар. Аммо юзларини беркитмайдилар.

– Аёл киши талбияни овоз чиқариб айтмайди.

– Аёл киши тавофда рамл ва идтибоъ (ўнг кифтини очиб қўйиб, тавоф) қилмайди.

– Сафо ва Марва орасида яшил чироқ осилган икки яшил устун ўртасида эркаклардек югурмайдилар.

– Сочларини олдирмайдилар, балки қисқартирадилар.

– Ҳажарул асвадни ўпмайдилар.

– Ҳайз ва нифос сабабидан тавофни тарк этсалар, аёлларга дам (жонлиқ сўйиш) лозим эмас.

– Аёл киши (кишилар кўп бўлган) жойлардан ўзини эҳтиёт қилиб, четда тутади.

“Аёлнинг ҳайзи ҳажнинг нусукларидан тавофдан бошқасини ман этмайди. Тавофни эса ҳайзи тўхтамаганлиги туфайли наҳр кунларидан кечиктирганлиги учун жонлиқ сўйиш вожиб бўлмайди. (Қачон пок бўлса, ўшанда адо этаверади, агар тавофни мутлақо тарк этса, ҳажи тамом бўлмайди, келаси йили қазо қилади.) Агар наҳр кунларининг охирида тавофнинг аксарини адо этиш миқдорига қолганда покланса-ю, лекин тавофни адо этмаса, кечиктирганлиги учун дам (қурбонлик) вожиб бўлади” (“*Раддул мухтор*”, *Ҳошия Ибн Обидин*).

III БОБ. МАДИНАИ МУНАВВАРА

Юртимиз ҳожилари ва умра зиёратчилари ибодатларини Мадинаи мунавварадан бошлашларини эътиборга олиб, бу нурафшон шаҳар, унда қилинадиган амаллар ҳақида тўхталамиз.

1. МАДИНАИ МУНАВВАРАНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Мадинаи мунаввара баракотли ва фазилатли шаҳар.

Мадина луғатда “шаҳар” маъносини англатса-да, ушбу ном Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳижрат қилган шаҳарга атоқли ном бўлиб қолган. Бу шаҳарнинг фазилатлари санаб саноғига етиб бўлмайдиган даражада кўпдир, уларнинг баъзиларини эслатиб ўтаемиз:

– Бу шаҳарни Аллоҳ таоло Охир замон Пайғамбари учун ҳижрат диёри қилган;

– Қуръони каримнинг кўп оятлари нозил бўлган шаҳар;

– Бу шаҳарни Охир замон Пайғамбари яхши кўриб, унинг қут-баракали бўлишини сўраб дуо қилганлар;

– Қиёматга яқин чиқадиган Дажжолнинг фитнаси кирмаслиги учун фаришталар бу шаҳарга кўриқчи қилинган;

– Аллоҳ таоло Пайғамбаримизнинг муборак қабрларини ҳам ушбу шаҳарда бўлишини ихтиёр қилган;

– Бу шаҳарда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг масжидлари бор;


– Бу масжидда жаннат боғчаларидан бўлган бир боғча бор.

Зиёратчи Мадинаи мунавварада – Масжиди Набавийда фарз намозларини жамоат билан адо қилиб, беҳисоб ажрларга эга бўлади, иншоаллоҳ. Бу ерда нафл намозлари кўпроқ ўқилса ва Қуръон тиловат қилинса, Пайғамбар (алайҳиссалом)га дуруду салавотлар айтилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Зиёратчи Мадинаи мунавварада ов ҳайвонларини овлашдан ёки ўсимликларни кесишдан сақланиши керак.

2. МАСЖИДИ НАБАВИЙ ЗИЁРАТИ. ЗИЁРАТ ОДОБЛАРИ

Масжиди Набавийнинг фазли Қуръони каримда ҳам, ҳадиси шарифда ҳам келган:

﴿لَمَسْجِدٍ أُسِّسَ عَلَى التَّقْوَىٰ مِنْ أَوَّلِ يَوْمٍ أَحَقُّ أَنْ تَقُومَ فِيهِ فِيهِ رِجَالٌ يُحِبُّونَ أَنْ يَنْظُرُوا إِلَى اللَّهِ يُحِبُّ الْمُطَهَّرِينَ﴾


“Биринчи кундан тақвога асосланган масжид эса, унда туришингизга лойиқроқдир. Унда покланишни хуш кўрадиган кишилар бор. Аллоҳ эса, покланувчиларни севар” (Тавба сураси, 108-оят).

Масжиди Набавий зиёратининг фазилатлари ҳадисларда айtilган, Абу Саид ал-Худрий (розиаллоҳу анҳу)дан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

وعن أبي سعيد الخدري قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «لا تشد الرحال إلا إلى ثلاثة مساجد: مسجد الحرام والمسجد الأقصى ومسجدي هذا» (متفق عليه).

“Сафар жабдуғини олиб зиёратга фақат уч масжидга борса бўлади: Масжидул Ҳаромга, Масжидул Ақсога ва менинг мана бу масжидимга”, деганлар.

Пайғамбар (алайҳиссалом) масжиди муборакларини зиёрат қилиш суннатдир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда:

وعن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه و سلم: «صلاة في مسجدي هذا خير من ألف صلاة فيما سواه إلا المسجد الحرام» (متفق عليه).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Менинг масжидимдаги бир намоз ундан бошқасидаги минг намоздан яхшидир, фақат Масжидул Ҳаромгина бундан мустасно”, деганлар.

Ҳожи ёки умра қилувчи киши Масжиди Набавийга боришидан аввал ғусл қилиши, имкон топса янги кийим кийиши, хушбўйлик суртиши, тишларини мисвокда тозалаши ва масжидга етиб боргунча салавот айтиши ва йўлида дуч келадиган яхши, хайрли амалларни бажариб бориши мақсадга мувофиқдир. Масжидга боришида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни зиёрат қилишни қасд қилиши лозим. Ҳадиси шарифларда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай марҳамат қилганлар:

عن ابن عمر رضي الله عنهما قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «من زار قبري وجبت له شفاعتي» رواه الدارقطني.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади, Расулуллоҳ шундай марҳамат қилганлар:

“Ким менинг қабримни зиёрат қилса, менинг шафоатим унга вожибдир” (Имом Дорақутний ривояти).

Масжиди Набавийга киришнинг ўз одоблари бўлиб, буларнинг баъзилари бошқа масжидларга киришдаги одоблар билан муштарак бўлса, баъзилари ушбу масжиднинг ўзига хосдир:

1. Яхши кийимлар кийиш, хушбўйликлар суриб, покиза ҳолатда кириш.

2. Ўнг оёғи билан кириш ва кираётганда ушбу дуони ўқиш:

بِسْمِ اللَّهِ وَ الصَّلَاةِ وَ السَّلَامِ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ أَعُوذُ بِاللَّهِ الْعَظِيمِ
وَبُوجْهِهِ الْكَرِيمِ وَ سُلْطَانِهِ الْقَدِيمِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ اللَّهُمَّ
افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ.

“Бисмиллаҳи вассолату вассалааму ғала расу-
лиллаҳи, аъзу биллаҳил ғазийм ва биважҳиҳил
карийм ва султониҳил қадийм минаш шайтонир
ражийм, Аллоҳумма ифтах лий абваба роҳма-
тик”, деб дуо қилади (Маъноси юқорида берилди).

3. Салавот ва салом айтишда ёки тиловат қи-
лишда овозини кўтармаслик.

4. Равзаи шарифда, агар у ерда жой топа олмаса,
Масжиди Набавийнинг бошқа жойида икки ракат
намоз ўқиш.

Зиёратлар давомида гуруҳ аъзолари мумкин
қадар уюшган ҳолатда жам бўлиб юришлари,
айниқса, аёллар намозга кирган вақтда уларни
адашиб қолишларидан эҳтиёт бўлиш лозим.

Мадинаи мунаввара фазилати ҳақида Абдуллоҳ
ибн Зайд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган

ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қиладилар:

عن عبد الله بن زيد عن رسول الله صلى الله عليه وسلم أنه قال أن إبراهيم حرم مكة ودعا لها وحرمت المدينة كما حرم إبراهيم مكة ودعوت لهم في مدها وصاعها مثل ما دعا به إبراهيم لمكة.

“Иброҳим Маккани ҳурматли жой қилди ва унинг аҳли учун дуо қилди. Мен Иброҳим Маккани ҳурматли жой қилганидек, Мадинани ҳурматли жой қилдим. Мен Мадинанинг соғини ҳам, муддини ҳам Иброҳим Макка аҳли учун сўраганидек қилишини сўрадим” (Бухорий ривояти).

Ҳожи Мадина кўчаларида юраётганида шу ерларда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг юрганликларини, саҳобаларнинг юрганликларини, ваҳий нозил бўлганлигини ва ислом тарихидаги муҳим воқеалар содир бўлганларини тасаввур қилиши афзалдир.

3. РАВЗАИ МУБОРАК ЗИЁРАТИ

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабри шарифларининг жойи аслида ҳазрати Ойша (розияллоҳу анҳо)нинг хужралари эди. Вафотларидан сўнг, саҳобаи киромлар маслаҳатлашиб, ул зоти шарифни рихлат қилган жойларига дафн қилдилар.

Абу Бакр ва Умар (розияллоҳу анҳумо) ҳам шу ерга дафн этилдилар.

عن ابن عمر مرفوعا: «من حج فزار قبري بعد موتي كان كمن زارني في حياتي» رواهما البيهقي في شعب الإيمان.

“Ким мени вафотимдан кейин зиёрат қилса, гўёки тириклигимда зиёрат қилгандек бўлур” (Байҳақий “Шуъабул имон”да ривоят қилган).

Шу ва шу каби ҳадисларга кўра Мадинага борган киши масжидга боришида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни зиёрат қилишни қасд қилиши лозим. У бу зиёратида орқасини қиблага қилиб, юзини Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабрларига буриб, чап қўлини устига ўнг қўлини қўйиб, қабрдан 1-2 қадам масофада узоқроқ туриб, кўзларини ерга қаратган ҳолатда, ҳаё билан, гўзал одоб ва таъзим билан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га салавот айтиши лозим. Ҳожи дилидаги энг яхши дуоларни қилиб, Равза сари юради. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайгамбаримиз (алайҳиссалом):

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال قال رسول الله صلى الله عليه وسلم ما بين بيتي ومنبري روضة من رياض الجنة.

“Ма байна байти ва минбари равзатун мин рийаазил жанна” – “Уйим билан минбарим ўртасида жаннат боғларидан бир боғ бор”, деганлар.

Шу сабабдан Равзада икки ракат намоз ўқилади.

Ниҳоятда одоб билан бошқаларга азият етказмасдан, ўзи билган хайрли дуоларни қилади.

Расулуллоҳнинг муборак қабрлари рўпарасида овозини баланд қилмасдан ҳаё, хушуъ ва хузӯъ билан салом беради:

“Ассалааму алайка йаа расулаллоҳ ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ! Ассалааму алайка йаа ҳабибаллоҳ! Ассалааму алайка йаа хайра халқиллаҳ! Ассалааму алайка йаа саййидал мурсалиин! Ассалааму алайка йаа имаамал муттақиин! Ассалааму алайка йаа роҳматан лил аламиин!

Ассалааму алайка йаа хотаман набиййин! Ашҳаду аннака қад баллағтар рисаалата ва аддайтал амааната ва насахтал уммата ва жаҳадта филлаҳи ҳаққа жиҳадиҳ”, дейилади.

Мазмуни: “Ассалому алайка ё Расулуллоҳи ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ! Ассалому алайка ё ҳабибаллоҳ! Ассалому алайка ё халқнинг афзали! Ассалому алайка ё пайғамбарларнинг улуғи! Ассалому алайка ё тақводорларнинг имоми! Ассалому алайка ё (Аллоҳ) оламларга раҳмат (қилиб) юборган Пайғамбар!

Расулуллоҳга салом бериш ажру савоби улуғ ишдир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда:

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «ما من أحد يسلم علي إلا رد الله علي روحي حتى أرد عليه السلام» رواه أبو داود و البيهقي في الدعوات الكبير.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирор киши менга салом берса, албатта, Аллоҳ менинг руҳимни қайтариб беради ва мен ўша одамнинг саломига алик оламан”, деганлар.

Шундан кейин Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) қабрларига рўбарў бўлиб, салом берилади:

“Ассаламу алайка, йаа халифата расулиллоҳ!

Ассаламу алайка, йаа соҳиба расулиллаҳи ва анийсаҳу фил ғори!

Ассаламу алайка ва раҳматуллоҳи ва барока-туҳу!”

Сўнг Ҳазрати Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)нинг қабрларига рўбарў келиб салом берилади:

“Ассаламу алайка, йаа амирал муминийн!

Ассаламу алайка ва роҳматуллоҳи ва барокаатуҳу!”

Мадинадан чиқиб кетаётганида ҳам айнан шу ишларни такрорлаб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан ҳам видолашиш лозимдир.

Зиёратлар давомида гуруҳ раҳбарлари ўз гуруҳларидаги зиёратчиларни мумкин қадар жам олиб юриш, айниқса, аёллар намозга кирган вақтда уларни йўқотиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш лозим.

4. МАСЖИДИ НАБАВИЙДАГИ МИНБАР ҲАҚИДА

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дастлаб жумада хутба қилганларида, бир хурмо дарахти ёғочининг устига чиқиб, хутба ўқир эдилар.

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: «أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَخْطُبُ إِلَى خَشَبَةٍ عَلَيْهِ ظِلَّةٌ، فَقَالَ لَهُ أَصْحَابُهُ: «لَوْ جَعَلْنَا لَكَ عَرِيشًا أَوْ شَيْئًا نَحْوَهُ، فَتَجْلِسُ إِلَيْهِ تَكُونُ كَأَنَّكَ قَائِمٌ، فَجَعَلَ الْمِنْبَرَ، فَخَطَبَ النَّاسَ عَلَيْهِ، فَحَنَّتِ الْخَشَبَةُ حِينَئِذٍ النَّاقَةَ الْخُلُوجَ، فَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَيْهَا فَاحْتَضَنَهَا، فَسَكَتَتْ وَكَانُوا يَقُولُونَ: لَوْ لَمْ يَحْتَضِنَهَا لَمْ تَسْكُتْ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ»

Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дастлаб жумада хутба қилганларида, бир хурмо дарахти ёғочининг устига чиқиб хутба ўқир эдилар. Саҳобалардан бирлари: “Ё Аллоҳнинг Расули, Сизга минбар қилиб берайликми? Сиз унда ўтириб хутба ўқисангиз, худди тик туриб сўзлаётгандек ҳаммага кўриниб турар эдингиз”, деди. У Зотга минбар ясашиб масжидга олиб келиб қўйишди. Келгуси жумада Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олиб келинган минбар устида хутбага чиқдилар. Шунда олдин устида хутба қилинадиган хурмо дарахти ёғочидан ёш боланинг йиғисига ўхшаш овоз чиқди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) минбардан тушиб, ўша ёғочининг олдига бориб, уни ушладилар, у тинчланди. Одамлар: “Агарда тинчлантирмаганларида қийматгача тинмай йиғлаб турарди”, – деб айтишди».

Ҳозирги вақтда масжидда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида минбар турган ерга рамзий минбар қуриб қўйилган.

У ерда намоз ўқиш худди жаннат боғларида намоз ўқиш кабидир. Шунингдек, бу жой дуолар қабул бўладиган жойлардан ҳисобланиб, кўнглига сиққанича Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ворид бўлган, дунё ва охира тижаликлари жамланган дуоларини сўраши мумкин.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ушбу сўзларидан нимани ирода қилганлари тўғрисида турли хил фикрлар билдирилган:

1. Баъзи уламоларимиз: мазкур жойга доимий равишда раҳмат ёғилиб турганлиги, бу ерда ҳа-

миша Аллоҳ таолонинг зикри бўлиб турганлиги эътиборидан бу жой, яъни уйлари билан минбарларининг ораси худди жаннат боғларидан бир боғ кабидир, деганлар.

2. Баъзи уламоларимиз эса: “*Уйим ва минбарим орасида жаннат боғларидан бир боғ бор*”, деганлари бу ерда қилинган ибодатлар соҳибини жаннатга олиб бориши эътиборидандир, дейишган.

3. Баъзи уламоларимиз эса: бу ер охиратда жаннатга кўчириладиган муборак ердир, шунинг учун Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни: “*Жаннат боғларидан бир боғ*” деганлар, дейди.

5. БАҚИЪ ҚАБРИСТОНИ ФАЗИЛАТИ

Бақиъ қабристони Масжиди Набавийнинг шарқида жойлашган. Унинг афзаллиги кўп бўлиб, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) охириги кечада Бақиъга чиққанлар ва:

عن عائشة رضي الله عنها قالت: كان رسول الله صلى الله عليه و سلم كلما كان ليلتها من رسول الله صلى الله عليه و سلم يخرج من آخر الليل إلى البقيع فيقول: «السلام عليكم دار قوم مؤمنين وأناكم ما توعدون وإنا إن شاء الله بكم لاحقون اللهم اغفر لأهل بقيع الغرقد» رواه مسلم.

«Ассалому алайкум, эй мўминлар диёри, сизларга ваъда қилинган нарса келиб бўлди. Биз ҳам иншоаллоҳ, сизнинг орқангиздан келувчимиз. Эй Аллоҳим, Бақиъ аҳлини мағфират қилгин», деганлар. Бақиъ

қабристонида ўн мингдан кўпроқ саҳобалар (розияллоҳу анҳум ажмаъин) дафн қилинганлар. Бу ерда Усмон (розияллоҳу анҳу), Ойша (розияллоҳу анҳо) онамиз, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) нинг фарзандларидан Фотимаи Заҳро, Руқия, Умму Кулсум, Зайнаб, Иброҳим (розияллоҳу анҳум ажмаъин) дафн қилинганлар.

Аҳли Бақиъни ва Уҳуд шаҳидлари қабрларини зиёрат қилиб, уларни дуо қилиш суннатдир, чунки Бурайда (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларни зиёрат қилар ва улар ҳақларига дуо қилар эдилар ҳамда саҳобаларга қабрларни зиёрат қилганда бундай деб айтишни ўргатганлар:

عن بريدة قال: كان رسول الله صلى الله عليه وسلم يعلمهم إذا خرجوا إلى المقابر: «السلام عليكم أهل الديار من المؤمنين والمسلمين وإنا إن شاء الله بكم للاحقون نسأل الله لنا ولكم العافية» رواه مسلم.

“Ассалааму алайкум, йа аҳлад-диёри минал-мўминишина вал-муслимиин ва иннаа иншоаллоҳу бикум лааҳиқун. Насъалуллоҳа ланаа ва лакумул-зофията” (Имом Муслим ривояти).

Яъни: “Мўминлардан ва мусулмонлардан иборат бўлган, эй аҳли диёрлар, сизларга Аллоҳнинг саломи бўлсин. Албатта бизлар ҳам (яқинда) Аллоҳ хоҳласа, сизларга қўшилаемиз. Ўзимизга ва сизларга Аллоҳдан эсон-омонлик, хотиржамлик сўрайемиз”.

6. ҚУБО МАСЖИДИ ФАЗИЛАТИ

Қубо масжиди Мадинада қурилган дастлабки масжиддир. Бу масжидни Аллоҳ таоло Қуръони карим (*Тавба сураси, 108-оят*)да зикр қилган.

Пайғамбар (алайҳиссалом) Мадинага ҳижрат қилиб келганларида Мадина яқинидаги Қубо қишлоғига тушганлар. Ўзлари тушган Кулсум ибн Ҳадам (розияллоҳу анҳу)нинг ерларини сотиб олиб масжид қурганлар. Масжид қурилишида шахсан ўзлари иштирок этганлар. Бу масжид Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг саҳобалари билан даставвал ошкора жамоат бўлиб ўқиган масжидларидир.

Қубо масжидининг қибласи аввалда Байтул Мақдисга қараган. Сўнгра Аллоҳ таоло Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни Каъбага қараб намоз ўқишга буюрган. Шунда саҳобалар Қубо масжиди биносини қайтадан қуришга ҳаракат қилганлар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларнинг ёнларига келиб ўзлари қиблани чизиб кўрсатганлар ва қурилишда иштирок этганлар.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)ни Қубо масжидини зиёрат қилиб, икки ракат намоз ўқиб турганлари айтилади. Шунинг учун зиёратчи Мадинаи мунавварада турган чоғида Қубо масжидига ҳам зиёрат ташкил этилади.

Саҳл ибн Хунайф (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (алайҳиссалом):

عن سهل بن حنيف قال رسول الله صلى الله عليه و سلم من تطهر في بيته ثم أتى مسجد قباء فصلى فيه صلاة كان له كأجر عمرة.

“Қим уйида таҳорат қилиб, Қубо масжидига келиб намоз ўқиса, умранинг савобини олади”, деганлар (Имом Аҳмад ривояти).

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ҳар шанба куни Қубо масжидини зиёрат қилар эканлар. Чунки у зот Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳар шанба куни гоҳи пиёда, гоҳи уловда масжидга келиш одатларини билганлар. Ибн Умар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг мазкур одатларига эргашиб, шу ишни қилганлар.

7. ҚИБЛАТАЙН МАСЖИДИНИНГ ФАЗИЛАТИ

“Қиблатайн” – “икки қиблали” масжид маъноси-ни англатади. Бундай номланишига сабаб бу ерда битта намоз икки қиблага қараб ўқилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага келганларидан кейин 16 ой Қуддусга қараб намоз ўқидилар. Сарвари коинот Каъбага қараб намоз ўқишни орзу қилар эдилар.

Ибн Саъд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Пайғамбар (алайҳиссалом) Бани Саълама қабиласидаги Умму Бишр (розияллоҳу анҳу)ни зиёрат қилгани боргандилар. Умму Бишр Пайғамбаримизга овқат тайёрлаганлар ва ўша ерда пешин вақти кирган. Пайғамбаримиз саҳобалари билан икки ракатини ўқиб бўлганларида, у зотга Аллоҳ таоло тарафидан Каъбага юз-

ланиш буйруғи келган ва у зот ўша заҳоти Каъбага юзланганлар, ана шундан бу масжид “Масжидул-Қиблатайн” деб номланиб қолган.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан баъзи саҳобалар келиб сўрадилар: “*Ё Расулуллоҳ! Қибла Каъбага бурилмасдан олдин ўқиган намозларимизнинг аҳволи ва биздан олдин вафот этган мусулмонларнинг аҳволлари нима бўлди?*” Шунда:

﴿ وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُضَيِّعَ إِيمَانَكُمْ إِنَّ اللَّهَ بِالنَّاسِ لَرَءُوفٌ رَحِيمٌ ﴾

“Аллоҳ имонларингизни (Байтул Мақдисга қараб ўқиган олдинги намозларингиз ажрини) **зое кеткизмас**. Албатта, Аллоҳ одамларга нисбатан **меҳрибон ва раҳмлидир**” (*Бақара сураси, 143-оят*) деган оят нозил бўлди.

8. УҲУД ТОҒИ ФАЗИЛАТИ

Муҳаммад ибн Башшордан, у киши Яхёдан, у киши Саъиддан, у киши Қатодадан, уларга Анас ибн Молик ривоят қилган ҳадисда айтилишича, бир куни Пайғамбар (алайҳиссалом) Абу Бакр, Умар, Усмон (розияллоҳу анҳум) билан Уҳудга чиққанларида, Уҳуд тоғи силкинган. Шу пайт Пайғамбаримиз (алайҳиссалом):

حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى، عَنِ سَعِيدٍ، عَنْ قَتَادَةَ، أَنَّ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ حَدَّثَهُمْ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَعِدَ أَحَدًا وَأَبُو بَكْرٍ، وَعُمَرُ، وَعُثْمَانُ فَرَجَفَ بِهِمْ، فَقَالَ: «اتَّبْتُ أَحَدًا فَإِنَّمَا عَلَيْكَ نَبِيٌّ وَصِدِّيقٌ وَشَهِيدَانِ»

رواه البخاري في صحيحه.

“Уҳуд, жим тур, сенинг устингда пайғамбар, сиддиқ ва иккита шаҳид турибди”, деганлар (Имом Бухорий ривояти). Бу сўзларининг тўғрилигини вақт кўрсатиб берган. Умар ва Усмон (розияллоҳу анҳумо) шаҳид бўлганлар.

Саҳобалар дафн этилган Уҳуд тоғи этагида ҳазрати Ҳамза (розияллоҳу анҳу)нинг қабрлари бор. Пайғамбар (алайҳиссолату вас салом) уларни доимо зиёрат қилар эдилар.

Уҳудга зиёратга борилганда, у ерда жангда қатнашиб, шаҳид кетган саҳобалар ҳаққига ҳам саломлар айтиб, дуои хайрлар қилиш лозим. Уҳуд тоғининг фазилати ҳақида Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай марҳамат қиладилар:

عن سهل بن سعد قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم:
«أحد جبل يحبنا ونحبه» رواه البخاري.

“Уҳуд тоғи бизни яхши кўради ва биз ҳам уни яхши кўрамыз” (Имом Бухорий ривояти).

IV БОБ

ҲОЖИЛАР УЧУН БИР КУНЛИК ФОЙДАЛИ АМАЛЛАР

(Бу амалларни бажариш ихтиёрӣдир)

Ҳажга отланган юртдошларимиз вақтларини беҳуда ишларга, бефойда суҳбату саёҳатларга сарфламай, ундан самарали фойдалансалар, ҳажлари янада мукамал бўлади. Жумладан, улар ҳажнинг асосий амалларидан бўш бўлган кунларида қуйидаги ишни қилсалар, ҳажлари янада мукамал бўлмоғи шубҳасиз. Зеро, Байтуллоҳда қилинган дуолар мустаҷобдир. Зикру тасбеҳу намозлар учун эса минглаб баробар ажру савоблар ёзилади:

– 101 марта “Астағфируллоҳ ва атубу илайҳ”ни айтиш;

– 1001 марта “Ла илаҳа иллаллоҳ” (Ҳар нафас охирида “Муҳаммадур расулуллоҳ”ни қўшиб), “Илаҳий Анта мақсудий ва ризока матлубий”ни айтиш;

– 100 марта салавот айтиш;

– 3 марта Ихлос сурасини ўқиш;

– бомдод намозидан сўнг, ухламасдан Қуръондан 1 пора (агар ўқишни билса) ва Ёсин сурасини тиловат этиш, шундан сўнг зикр қилиб, қуёш киши қомати баробарига кўтарилгач, икки ракат Ишроқ намозини ўқиш;

– соат 9 дан то қиём вақтига қадар 2 ёки 4 ёхуд 8 ракатгача Зуҳро намозини ўқиш;

– аср намозидан олдин 4 ракат нафл намози ўқиш;

– шом намозининг суннатидан кейин 2 ракат Аввобин намозини ўқиш (уни 20 ракатгача ўқиш мумкин). Шундан сўнг Воқеа сураси тиловат қилинади;

– хуфтон намозидан олдин 2 ракат истихора намозини ўқиш. (Диний ва дунёвий ишларда иккиланиб қолганда ҳам дарҳол ушбу намозни ўқиш керак);

– хуфтон намозидан кейин Мулк сурасини тиловат қилиш;

– субҳи содиқдан бир соат олдин 2 ракат Таҳажжуд намозини ўқиш. (Бу намозни 12 ракатгача ўқиш мумкин);

– ҳар сафар таҳорат қилгандан сўнг 2 ракат Шукри вузу (Таҳорат ҳақи) намози ўқиш;

– масжидга киргач, 2 ракат Таҳийяти масжид намозини ўқиш.

Бундан ташқари, диёримизнинг улуғ уламолари Аллоҳ ва Унинг Расулига янада яқинлашиш ниятида қуйидаги амалларни адо этишни қанда қилмаганларки, ҳожиларимиз ҳам бу амаллар савобидан баҳраманд бўлишлари мумкин:

Фотиҳа сураси – 7 марта ўқилади;

Салавати шариф – 100 марта айтилади;

Шарҳ сураси – 79 марта ўқилади;

Ихлос сураси – 1001 марта ўқилади;

Фотиҳа сураси – 7 марта ўқилади;

Салавот – 100 марта айтилади.

Ундан кейин дуо қилиниб, барча саҳобаи киромлар, тобеинлар, табаа-тобеинлар, улуғ уламолар, азиз устозлар руҳига бағишланади, яхши тилакларни сўраб, илтижо этилади.

II БЎЛИМ

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР

1. КАЪБАИ МУАЗЗАМА

Каъба Масжидул Ҳаромнинг марказида жойлашган, баландлиги 14 м ва пойдевори тақрибан 12x11 м ўлчамда Иброҳим (алайҳиссалом) ўғиллари Исмоил (алайҳиссалом) билан қурган муборак бино. Каъбаи муаззама бурчаклари тахминан дунё томонлари йўналишида жойлашган. Шарқий бурчаги Рукнул-асвад – “Қора бурчак” ёки оддий рукн деб аталади. Унга ердан тахминан 1,5 м баландда токча қилиниб, “Қора тош” (арабча “Ал-Ҳажарул асвад”) жойланган. Шимолий бурчаги Ироқ бурчаги, ғарбий бурчаги – Сурия бурчаги, жанубий бурчаги эса – Яман бурчаги деб аталади. Каъбаи муаззамага қора мато – Кисва қоплаб қўйилади, матога олтин ва кумуш ҳарфлардан ҳошия қилиб ояти карималар ёзилган. Ҳажарул асвадга яқин бўлган шимолий-шарқий деворда 2,25 м баландликда ўйма нақш билан безатилган олтин билан қопланган ва кумуш занжирли эшик бор.

Эшик 1977 йилда янгидан қурилган, икки қаватдан иборат: ички эшик ва ташқи эшик. Ўшанда подшоҳ Холид ибн Абдулазиз эшикнинг техник лойиҳа ҳужжатларини тузишга 300 минг риёл ажратган. Лойиҳалаш ишларини олий малакали лойиҳачи инженер амалга оширган. Мазкур лойиҳа асосида эшикни қуриш учун Маккаи мукаррамада махсус устахона ташкил этилган. Эшикка сулс хати

услуги билан Қуръон оятлари ва бошқа гўзал сўзлар нақшинкор қилиб олгиндан бироз кумуш қўшиб, битилган. Эшик қурилишига 280 килограмм 999,9 пробали соф олтин ишлатилган. Каъбаи муаззаманинг ички эшиги “Бобут-тавба” – “Тавба эшиги” деб аталади. Ўша йили Каъбаи муаззаманинг қулфи ҳам янгиланган, олдингиси 70 йил давомида ишлатилган эди. Каъба эшигига чиқиладиган гилдиракли зинапоя ўйма нақш билан, кумуш қоплаб жозибадор безатилган.

ҲОЖИЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР

Каъбаи мушаррафа баландлиги 14 м;
Мултазам томонидан узунлиги 12,84 м;
Ал-Ҳатим томони узунлиги 11,28 м;
Рукн ал-Ямоний ва Ҳатим 12,11 м;
Икки рукн (бурчак) ораси 11, 52 м;
Каъба эшиги эни 1,90 м;
Каъба эшиги баландлиги 3,10 м;
Ердан эшик остонасигача 2,25 м;
Мийзоб бўйи 1,95 м;
Мийзоб эни 26 см;
Мийзоб ёни баландлиги 23 см;
Каъба томи устидаги девор баландлиги 80 см;
Каъба тагидан остонагача баландлиги 45 см;
Остона устидаги шозиравон қоқилган бурчак баландлиги 13 см.

* * *

Сафо ва Марва тепаликлари ўртасидаги масофа 394,5 метрдан иборат.

Сафо тепалигидан Каъбаи муаззамагача 70 м.

* * *

Ҳожилар ҳаж маносикларини адо этувчи махсус жойлар “муқаддас машааъирлар” деб номланади:

Арафот водийсининг майдони 13 кв км;

Минонинг майдони 8 кв км;

Муздалифанинг майдони 12 кв км дан иборат.

Учала машааъирлар умумий майдони 33 кв км дан иборатдир.

* * *

“Жамратул ақоба” билан “Жамратул-вусто”нинг ораси 116 м.

“Жамратул-вусто”билан “Жамратул-увло”нинг орасидаги масофа 156 м.

* * *

Жамарот янги қурилиш лойиҳаси узунлиги 950 м., кенлиги 80 м. Беш босқичда қурилди. Лойиҳа нархи 4 млрд риёл (1.066 млрд АҚШ доллари)ни ташкил этди. Ер қавати ва яна тўрт қаватдан иборат қурилган кўприк бино, бир соатда 250 минг ҳожи тош отиб чиқиб кетишига мўлжалланган.

2. КИСВА, ИМОМ МИНБАРИ ВА МАҚОМИ ИБРОҲИМ (АЛАЙҲИССАЛОМ)

Қадимдан Каъбаи муаззама устига олтин суви югуртирилган зарҳал ҳарфлар билан битилган ояти карималар ёзилган қора духобадан Кисва – Каъбапўш кийгизилган. Ҳижоз Саудия Арабистони Подшоҳлигига қўшилгунича, кисвани тайёрлаш Миср ҳукумати зиммасида бўлган. 1924 (ҳижрий 1343) йилда подшоҳ Абдулазиз Маккада тажриба учун Каъбапўш тикишга ихтисослашган

махсус фабрика ташкил қилди. Кутилмаганда Каъбапўшнинг биринчи намунаси олий сифатли бўлиб чиқди. Ўшанда Каъбапўшни қора рангдаги табиий ипак матога Қуръон оятларини битиб, тайёрлашган эди.

1972 (1392 ҳижрий) йилда Икки ҳарам ходими Подшоҳ Фаҳд ибн Абдулазиз янги фабрика пой-деворига биринчи ғиштни қўйди. Ўша вақтда у бош вазир ва ички ишлар вазири эди. Фабрика қурилиши 1975 йил 25 март (ҳижрий 1395 йил раби ал-аввал ойининг 12) куни ниҳоясига етди. Фабрика 1977 йил 26 март куни тўлиқ ишга тушди ва шу кундан бошлаб, муқаддас Каъбапўшни саудиялик усталар маҳаллий фабрикада тайёрлаб беришлари йўлга қўйилди.

2011 йилдан бошлаб Каъбапўш энг янги, замонавий технологиялар жорий қилиниб, компьютерлар ёрдамида тикиладиган бўлди.

Байтуллоҳ имоми минбари баланд, чиройли, кўркам қилиб ишланган ва махсус машина устига ўрнатилган. Икки ҳайит ва жума кунлари имом хутба ўқиши учун Каъбатуллоҳ эшиги яқинига олиб келинади. Бошқа вақтларда минбар тавоф қилувчиларга халал бермаслиги учун бир чеккага чиқариб қўйилади.

Каъбаи муаззама шимолий-ғарбий деворининг томидан тилла суви югуртирилган тарнов кўриниб туради, у “ал-мийзоб” ёки “мийзоб ар-рахма” деб аталади.

Эшик рўпарасида Иброҳим (алайҳиссалом) мақоми бор, у тош иншоот бўлиб, унинг ёнида туриб, муҳтарам имом-хатиблар Байтуллоҳдаги намозхонларга имомлик қилиб, беш вақт намозни адо этадилар.

Муаррихларнинг таъкидлашича, Исмоил (алайҳиссалом) Каъба қурилиши жараёнида, бино одам бўйдан баландлашганида, шу тошни қўйиб берганлар ва оталари Иброҳим (алайҳиссалом) унинг устида туриб Каъба биносини қурганлар. Тошда Иброҳим (алайҳиссалом)нинг муборак оёқ излари мавжуд.

Тарихда халифалар ва подшоҳлар Мақоми Иброҳим (алайҳиссалом)га катта аҳамият бериб келганлар. У бир вақтлар қўрғошиндан қуйилган пластиналар билан ўралган чорсупа устига ўрнатилган. Ҳижрий 241 йил халифа Ал-Мунтасир биллаҳ бу пластиналарни кумушга алмаштирган. Кейинчалик Мақом учун махсус қуббалик шийпон қурилган. Ҳижрий 900 йилда усмонийлар султони Абдулазиз қубба баландлигини бир ярим зироъ (тахминан 70 см)га кўтарган. Шийпон 18 квадрат метрни эгаллаб, тавоф вақтида ҳожилар ва зиёратчиларга муайян қийинчиликларни туғдирган. Мақомнинг ўзи 1,5 кв.м майдонни эгаллаган. Ҳижрий 1387 йил (23 ноябрь 1964 йил) ражаб ойининг 18-куни Мақом темир панжара билан ўралган, олий навли биллур қопланган 180x130 см майдондаги мармар пойдеворга ўрнатилди. Бу билан тавоф майдони кенгайди. Биллур қубба диаметри 80 см, қалинлиги 20 см, баландлиги – 1 метр. У баландлиги 75 см, оғирлиги 1700 кг, шундан 600 кг ини мис қоплама ташкил этадиган пойдевор устига ўрнатилган. Мақомнинг баландлиги 3 метр.

3. ҲАЖ ИБОДАТИНИНГ ТАРИХИ

Аллоҳ таолонинг улуғ пайғамбарларидан Ҳақ учун мол-дунё, ўғил-қиздан кечиб,

﴿ أَسْلَمْتُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ ۝۱۳۱ ﴾

“Асламту ли рабби л-‘аламийна” – “Оламлар раббиси бўлган Аллоҳга имон келтирдим”, (Бақара сураси, 131-оят) деган,

﴿ وَاتَّخَذَ اللَّهُ إِبْرَاهِيمَ خَلِيلًا ۝۱۲۵ ﴾

“Ваттахаза-ллоҳу Иброҳима халиилан” – “Ва Аллоҳ Иброҳимни ўзига дўст тутгандир” (Нисо сураси, 125-оят) таърифлик,

﴿ يَنَارُ كُوْنِي بَرْدًا وَسَلْمًا عَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ ۝۳۹ ﴾

“Йа нару куни бардан ва салааман ‘алаа Иброҳима” – “... Эй, олов! Иброҳимга салқин ва омонлик бўл!” (Анбиё сураси, 69-оят) ташрифлик Иброҳим (алайҳиссалом) завжалари Биби Сора онамиз билан кўп йиллар ҳаёт кечирдилар. Шу кунгача фарзанд бўлмади. Кексайиб қолдилар, бунга қарамай, мушрик қавмлар Пайғамбарга муттасил азиятлар етказдилар, шу сабабдан, она ватанлари Фаластинни тарк этиб, аёлларини олиб, Мисрга кетишга мажбур бўлдилар.

Иброҳим (алайҳиссалом) Мисрга етиб келганларида, чегара нозирлари уларни тўхтатиб, суриштирди. Иброҳим (алайҳиссалом) уларга Сора онамизни “синглим – қардошим” (дин қардошим маъносида) деб танитдилар. Ўша вақтда бундай

йўл тутмасалар, нозирлар у кишини ўлдириши аниқ эди.

Нозирлар у зот келганларининг хабарини подшоҳ Зул-аршга етказишди. Малик у зотни ҳузурига чорлатди. Зул-арш золим подшоҳ бўлиб, чексиз салтанатидан фойдаланиб, гўзал аёлларни сарой ишратхонасига келтирмай қўймас эди.

Иброҳим (алайҳиссалом) Биби Сора билан бирга подшоҳ саройига келдилар. Подшоҳ Иброҳим (алайҳиссалом) билан суҳбат чоғида Сорани кўриб, жамолига маҳлиё бўлиб, нияти бузилди. Золим подшоҳ бу гўзал аёл билан ёлғиз қолиш тадбирларини кўрди.

Иброҳим халилуллоҳ маҳзун бўлиб, Биби Сора холига қайғурдилар. Шу заҳоти Аллоҳнинг амри билан Жаброил (алайҳиссалом) қанотларида Сора онамизни кўрсатдилар, кўнгиллари хотиржам бўлди. Малик Сорага қанча сўзласа ҳам жавоб бермади, қўлларини юзига қўйиб йиғлар эди. Маликнинг сабри қолмади.

Иброҳим деди: “Илоҳий қудратингни бу кофирга кўрсатгин”. Подшоҳ ёмон ният билан Биби Сора томон қадам ташлаши билан иккала қўли бўйнига ёпишиб, ишламай қолди. Малик деди: “Эй Сора, дуо қилгил, қўлларим соғайсин, мен сени озод қилиб, ҳадялар берайин”. Сора дуо қилди, қўллари соғайди. Яна қасд қилди, қўллари яна бўйнига ёпишиб, ишламай қолди. Яна узрхоҳлик қилди, тузалди. Бу иш уч бора такрорланди.

Ер қимирлаб, зилзила бўлди, подшоҳ деди: “Бу не балодирки, сендан менга етди?” Сора деди: “Мендан эмас, сенинг кофирлигингдан ва ноҳақ куч ишлатганингдандир”. Малик деди: “Мен сенга куч ишлатмадим”. Сора деди: “Менга куч иш-

латмадинг, лекин тангри элчисига куч ишлатдинг”. Малик деди: “Қайси элчига куч ишлатдим?” Сора: “Иброҳим пайғамбарга куч ишлатдинг”. Малик деди: “Мен Иброҳимни ҳаргиз кўрганим йўқ, унга қарши қандай куч ишлатган бўлдим”. Сора деди: “Бу Иброҳим менинг эрим турур, мени ундан айириб, шумликка ўтдинг. Сенга бу бало ва заҳмат шундан етди”. Малик деди: “Бу бало сенга, у сени синглим деб танитди, хотиним деса, сенга тикилмас эдим”. Сора деди: “Сенинг зулминг, кучинг, кофирлигинг сабабидан айта олмади. Хотиним деса, уни ўлдирад эдинг”. Малик: “Мен ҳеч кимарсадан куч билан нарса олмасман”.

Аллоҳ таолонинг иродаси билан подшоҳ бу мусофир кишилар оддий одамлар эмаслигини тушуниб етди ва уларнинг кўнглини олиш пайига тушди. Иброҳим (алайҳиссалом)ни чақирди, ҳадялар билан сийлади, имон келтирди. Яна бир кизни Сора онамизга тортиқ қилди. Қиз Солиҳ пайғамбар уруғидан эди.

Иброҳим (алайҳиссалом) Сора онамиз билан ҳадяларни олиб, ўз юртларига қайтиб кетдилар. Бир куни Иброҳим (алайҳиссалом)га Биби Сора: “Мен қариб қолдим, сизга хизмат қилишга кучим етмай қолди. Мени деб кўп машаққатлар чекдингиз. Бу Ҳожарни сизга бағишладим”, деди. Айтмишларки, Ҳожар оти шунинг учун берилдиким, Сора: “Мени деб кўп машаққат чекдингиз, бунинг эвазига буни олинг”.

Араб тилида “Ҳо ужурука” деди, шу сабабдан Ҳожар аталди.

Ҳожарга уйланиб, тўқсон ёшларида ундан бир ўғил фарзанд кўрдилар. Унга Исмоил деб исм кўйдилар. Ҳожар онамиз фарзандли бўлдилар.

Сора: “Ҳожарни бу ердан жўнатинг, мен кўрмайин”, деди. Жаброил (алайҳиссалом) келиб, “Жўнатинг”, дедилар.

Иброҳим (алайҳиссалом) Ҳожар онамиз ва чақалоқ Исмоилни олиб, икки туяда сафарга чиқиб, чўлу саҳрода бир ой муддат йўл юрдилар. Охири сувсиз, кўкат ўсмайдиган бир ерда тўхтадилар.

Иброҳим (алайҳиссалом) Биби Ҳожар онамизга Исмоил икковларини Аллоҳнинг амри билан шу жойга ташлаб кетишга мажбур эканликларини тушунтирдилар. Шунда Биби Ҳожар:

“Ундай бўлса, сиз хотиржам кетаверинг. Аллоҳ бизни Ўзи муҳофаза қилиб олади”, дедилар.

Иброҳим (алайҳиссалом) ортга қараб юртларига қайтаётиб, бир жойга бориб, ўгирилиб қарадилар: инсон яшамайдиган қақроқ саҳрода ёлғиз қолдирган хотинлари Биби Ҳожар билан ўғиллари Исмоилга яна бир бор назар ташладилар ва Аллоҳ таолога ёлбориб дуо қилдилар:

﴿ رَبَّنَا إِنِّي أَسْكَنْتُ مِنْ ذُرِّيَّتِي بِوَادٍ غَيْرِ ذِي زَرْعٍ عِنْدَ بَيْتِكَ الْمُحَرَّمِ رَبَّنَا لِيُقِيمُوا الصَّلَاةَ فَاجْعَلْ أَفْعِدَةً مِنَ النَّاسِ تَهْوِي إِلَيْهِمْ وَارْزُقْهُمْ مِنَ الثَّمَرَاتِ لَعَلَّهُمْ يَشْكُرُونَ ﴾

“Эй Раббимиз! Мен зурриётимдан (бир қисмини – ўғлим Исмоил ва унинг онаси Ҳожарни) Сенинг ҳурматли Байтинг ҳузуридаги экин ўсмайдиган бир водийга жойлаштирдим. Эй, Раббимиз! (Улар) намозни баркамол адо этсинлар деб (шундай қилдим). Бас, Сен Ўзинг одамларнинг дилларини уларга мойил қилиб қўйгин ва уларни (барча) мевалардан озиқ-

лантиргин, шояд (шунда) **шукр қилсалар** (*Иброҳим сураси, 37-оят*).

Иброҳим (алайҳиссалом) қайтиб кетганларидан сўнг чақалоқ боласи билан ёлғиз қолган Ҳожар онамизнинг Иброҳим (алайҳиссалом) қолдирган мешдаги сувлари тугаб, чанқай бошладилар. Бир тепаликдан “Мана, сув!” деган садо келгандек бўлди. Шу тепаликка чиқдилар (бу тепалик ҳозир “Сафо тепалиги” деб номланади). Рўпара тарафдан кўзларига сув кўринди, ўша томон югурдилар. Тепаликка чиқдилар (бу иккинчи тепалик ҳозир “Марва тепалиги” деб аталади). Сув бўлиб кўринган нарса сароб экан. Биби Ҳожар ортларига қарадилар, энди у тарафда сув кўринди. Югуриб борсалар, у ҳам сароб бўлиб чиқди. Шу тарз Сафо ва Марва тепаликлари орасида етти марта югурдилар. Аллоҳ таолога: “Исмаъйя илу”, деб муножот қилдилар. “Ил” сурёний тилида Тангрининг исмидир. “Парвардигорим (дуоимни) эшитгил”, деган маънони билдиради. Чақалоқ Исмоил йиғлаб товонларини ерга урган жойдан сув чиқиб, қумда оқиб борарди. Ҳожар онамиз югуриб келиб, “Замзам!” дея сувнинг йўлини тўсдилар (Замзам дегани “тўхта-тўхта” деганидир).

Бу фазилатли сув она-болага ҳам таом, ҳам ичимлик ўрнига ўтиб, улар тирикчиликларини ўтказга бошладилар.

Замзам қудуғи суви шарофати билан аввал кишлоқ, кейин шаҳар вужудга келди.

Иброҳим (алайҳиссалом) хотинлари биби Ҳожар ва ўғиллари Исмоилдан хабар олгани келиб турдилар. Шу келишларидан бир сафар ўғилларига:

“Исмоил ўғлим, Аллоҳ таоло мен билан сенга ўзи учун уй қуришга фармон қилди”, дедилар.

Иброҳим (алайҳиссалом) ўғиллари Исмоил билан Жаброил (алайҳиссалом) кўрсатиб берган пойдевор асосида, Байтул Маъмур ўрнига тошдан хонаи Каъбани қурдилар.

Байтуллоҳ қурилиши битди. Иброҳим (алайҳиссалом): “Раббано тақаббал миннаа иннака антас-самиъул-ъалиим”. Аллоҳ таолодан амр бўлди: “Ва аззин фин-нааси бил-ҳажжи”. “Одамларни ҳажга чақир!”

У зот: “Илоҳий, қандай қилиб чақирай, одамлар кўп, (ва улар бу ердан) узоқдалар, мен заиф”.

Аллоҳ таоло: “Сандин ўқимоқ, мандин эшиттирмақ”, деб марҳамат қилди. Иброҳим (алайҳиссалом) чақирдилар. У зотнинг чақириқларига “Лаббай!” деб жавоб берганлар ҳажга келдилар.

(Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг “ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ” китобидан фойдаланилди).

* * *

Ҳаж ибодати аввалги пайғамбарларнинг ҳам ибодатлари экани маълум ва машҳур. Бани Исроилнинг минг пайғамбари ҳаж қилгани Абдуллоҳ ибн Зубайр (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинган. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоху анҳу) Мусо (алайҳиссалом) ўз умматларидан эллик минг киши билан биргалиқда ҳаж қилганларини айтганлар. (*“Иршодус-сорий”, 139-бет*).

4. ЗАМЗАМ

Замзам – Масжидул Ҳаром саҳнидаги муборак булоқ. Каъба ёнида бўлиб, ҳозирги вақтда тавоф саҳни чеккаларида жўмрақлардан ҳамда масжид биносида алоҳида жойларга қўйилган махсус идиш (баррода-термос)лардан олиб ичилади, бу идишларда зиёратчилар учун муздек совитилган ва совитилмаган сув сақланади (суратга қаранг, стрелка билан кўрсатилган тўқ кўк рангли арабча «غیر میرد» “ғайри мубаррад” ва инглизча “NOT COLD” ёзуви – “совутилмаган” деганидир).

Саудия Арабистони манбаларида таъкидланишича, Замзам булоғидан сув Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) таваллудларидан 2572 йил аввал чиқиб бошлаган. Шундай қилиб, бугунги кунда Замзам ҳижрий ҳисоб билан тўрт минг йиллик тарихга эгадир. Орадан кўп асрлар ўтиб, булоқ кўзи ёпилиб қолади. Вақти келиб, Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг боболари Абдулмуталлиб булоқ кўзини қайта очади, ўшанда Замзам қудуғи қўл билан кавлаб очилган.

Чуқурлиги 30,5 метр, қудуқ ичи диаметри 1,08 метрдан 2,66 метргача.

Гидрология нуқтаи назаридан Маккаи мукарам шаҳар бўйлаб ўтувчи Иброҳим водийсида жойлашган. (Араб жазирасида оқар сув бўлмаган, ёмғир, сел сувлари оқиб ўтадиган қуруқ ўзан ҳам водий деб аталади.) Замзам қудуғига сув мазкур водий ер ости сувларидан келади.

Замзам қудуғи Мақоми Иброҳимдан шимол томонда ер остида жойлашган. Сув қудуқдан электр насослар билан тортилади. Яқин вақтларгача қу-

дуқ устига ўрнатилган насослар, шиша қувурлардан муттасил чиқаётган муборак сувни зиёратчилар ойна девор орқали кўрар эдилар. Зиёратчилар тавофдан кейин зиналар билан пастга тушиб, қатор ўрнатилган жўмраклардан муздай Замзам сувини олиб тўйиб ичиб, юз-қўллари ювиб, таҳорат қилиб олишар эди.

Ҳожилар тавоф давомида қудуққа тушадиган жой атрофидан айланиб ўтишар эди, бу ерда тавоф қилувчиларга қийинчилик туғилар эди. Шу сабабли Саудия Арабистони ҳукумати зиёратчиларга қулай шароит туғдириш, тавоф майдонини янада кенгайтириш мақсадида қудуққа тушиладиган жойни ёпиб, тавоф майдонини кенгайтиришди. Ҳозирги вақтда Замзам суви жўмраклари Каъбаи муаззама атрофидаги тавоф майдони чеккаларига ўрнатилган.

Замонавий илмий тадқиқотлар Замзам суви ўзига хос, ер юзида мислсиз хусусиятларга эгаллигини тасдиқлаган. Унинг таркиби киши организми учун фойдали маъданларга бойлиги, ошқозон-ичак, қон томири ва бошқа кўп касалликларга даво эканлиги аниқланган.

Мана, тўрт минг йилдирки, бу муборак сувдан минг-минглаб ҳожилар ва зиёратчилар тўйиб-тўйиб ичмоқдалар, юртларига олиб кетмоқдалар, аммо бу сув заррача камаймай чиқиб турибди.

5. МАСЖИДУЛ ҲАРОМНИНГ КЕНГАЙТИРИЛИШИ

Байтуллоҳ ҳудудининг кенгайтириш янги тарихига бир назар солсак, 1926 (1344 ҳ.) йил подшоҳ Абдулазиз Абдурраҳмон Оли Сауд ҳарамни кенгайтириш ва ободонлаштиришни бошлаган.

1954 (1373 ҳ.) йилда электрлаштирилган, ёритилган ва вентиляторлар ўрнатилган. Сўнг унинг фарзандлари бу хайрли ишни давом эттиришган. Подшоҳлар Сауд, Файсал ва Холид даврларида ҳарам кенгайтирилиб бориб, майдони 193 минг квадрат метрга етган ва 400 минг намозхон сиғадиган бўлган.

Фаҳд ибн Абдулазиз подшоҳлиги даврида кенгайтириш ишлари давом этган, ташқи майдонлар жиҳозланган, намозхонларни иссиқдан ҳимоя қилиш ва улар учун қулайлик туғдириш мақсадида кондиционер – ҳаво совутиш, ёнғинни ўчириш, ёмғир сувларини чиқариб юбориш тизимлари ўрнатилган. Масжид майдони 356 минг квадрат метрга етказилиб, 600 минг намозхонга етадиган жой жиҳозланган.

Зиёратчилар сонининг кундан-кунга ўсиб бориши долзарб аҳамиятга молик масалага айланди. Январь ойида (2015 йил) вафот этган марҳум подшоҳ Абдуллоҳ ибн Абдулазиз Байтуллоҳи шарифнинг мисли кўрилмаган кенгайтириш режасини туздириб, тасдиқлади. Бу режа ҳам қурилиш, ҳам техник масалаларни ҳал этиш, ҳам зиёратчилар хавфсизлигини таъминлашни ўз ичига олади. Режа уч йўналишда икки йил давомида амалга оширилади. Биринчи йўналишда максимал намозхонлар ададига мўлжалланган ҳарам биноси қурилиши амалга оширилиб, бинога ва унинг атрофидаги масжид майдонларига бир вақтнинг ўзида икки миллион намозхон сиғадиган бўлади. Иккинчи йўналиш Маккаи мукаррама ҳарами шарифи биноси ташқи майдонларини кенгайтириб, ёрдамчи хоналар - таҳоратхоналар, йўлқалар ва ер ости ўтиш йўлларини, бошқа ёр-

дамчи хизмат хоналарини ўз ичига олади. Бу улкан ишлар зиёратчилар ва ҳожиларнинг Байтуллоҳга кириб чиқишларини енгиллаштириш учун амалга оширилади. Учинчи йўналиш ҳарамни марказлашган кондиционерлар, электр, сув станциялари ва бошқа техник тизимлар билан жиҳозлашни ўз ичига олади.

Тарихда мисли кўрилмаган икки ҳарамни ободонлаштириш лойиҳаси Масжидул Ҳаромнинг тўрт тарафга қараб кенгайтирилиши режалаштирилган.

Лойиҳа 2012 йил амалга оширилиб бошланган, унга кўра, Масжидул Ҳаром биноси майдони яна 98500 квадрат метргача кенгайиб, натижада 2,5 миллион киши сиғадиган бўлиши кўзда тутади. Янги тахтга ўтирган подшоҳ Салмон ибн Абдулазиз бу хайрли ишларни давом эттирмоқда.

6. МАДИНАИ МУНАВВАРА

Мадина (арабча номи – Мадинат Расулиллаҳ ёки Мадинат ун-Набий – Пайғамбар (алайҳиссалом) шаҳри) – Саудия Арабистонидаги шаҳар, мамлакатнинг ғарбий қисмида, Қизил денгиздан 250 км шарқдаги воҳада жойлашган. Аҳолиси 1 миллион кишига яқин. Шаҳар Мадинаи мунаввара – Нурафшон шаҳар, ал-Ислом, Қалб ул-Ислом, Дор ул-Ислом, Дор ус-Сунна каби 95 дан ортиқ ном билан улуғланади. Қадимда Ясриб (Ятриб) деб аталган. Птолемей “География” асарида бу шаҳарни “Ятриппа”, византиялик Стефан эса “Ятриппа полис” деб берган.

622 (мил.) йил Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб келиб, биринчи қилган ишлари бу шаҳарда масжид қуриш

бўлди. Бу масжиднинг қурилиш материаллари хом ғишт, хурмо дарахти шохлари ва барглари эди. Пайғамбар (алайҳиссалом) вафот этгач, завжаи мутаҳҳаралари Ойша бинти Абу Бакр Ас-Сиддиқ (розияллоҳу анҳо) хоналарига дафн қилинди. Масжиднинг биринчи кенгайтирилиши халифа Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) даврларида бўлди. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) масжидга шимол томондан янги ерлар қўшиб кенгайтириб, қайта қурдилар. Бу вақтга келиб, Пайғамбар (алайҳиссалом) ёнларига Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) дафн қилинган эдилар. Умар (розияллоҳу анҳу) вафот этгач, Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) ёнларига дафн қилинди. Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) халифалик даврларида мусулмонлар адади анча кўпайиб, масжиднинг кенгайтирилишига катта эҳтиёж сезила бошланди. Шу сабабдан ҳам халифа Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) 649–650 йилларда муқаддас масжидни сезиларли тарзда кенгайтириб, ҳарамга айлантирдилар.

Умавийлар халифаси Ал-Валид ибн Абдул Малик ўз даврида масжидни кенгайтириб, қайта қуришни амр қилди. Бу кенгайтиришнинг хусусиятларидан балконлар, миноралар, қибла томондаги деворда токчалар, шунингдек, тарихда биринчи марта аёллар учун алоҳида хоналар қурилди. Ал-Валид бин Абдул Малик даврида ҳарам ҳудуди кенгайтирилиб, майдони 2369 квадрат метрни ташкил этди.

Мамлук подшоҳлар даврида султон Қаит Бей даврида ҳарам катта ҳудудларга кенгайтирилди.

Усмонийлар империяси султон Маҳмуд II 1813 йил Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) қабрлари

устига Қайт Бей ўрнаттирган гумбазни қуйма қўрғошин билан қоплаб, яшил рангга бўятди.

Усманийлар султони Абдул Мажид I ҳарам ҳудудини кенгайтирди ва яна 1293 квадрат метр майдон қўшди. Бу саудийлар давлати вужудга келишидан олдинги даврда охириги кенгайтириш эди.

Саудийлар ҳокимият тепасига келиб, Макка ва Мадинадаги икки ҳарамга ибодат учун келаётган мусулмонларнинг сони ниҳоятда кўпайган, кейинги деярли икки аср мобайнида масжид деворлари ва миноралари таъмирланмаган эди. Кўпчилик мусулмонлар Масжиди Набавий ичига киролмасдан, ҳарам ташқарисида ибодатларини адо этар эдилар.

Подшоҳ Абдул Азиз Оли Сауд фармойиши билан 1951 йил июль ойида Масжиди Набавийи шариф қайта қуриш ва кенгайтириш бошланиб, 1955 йил ниҳоясига етказилди. Шунгача ҳарам майдони 6247 квадрат метрни ташкил этар эди, бунга 6024 квадрат метр қўшилиб, ҳарамнинг майдони 16327 квадрат метрга етказилди. Орада шу кунгача фойдаланилмай келган очиқ майдонлар ҳам ҳарам ҳудудига қўшиб, обод қилинди.

1985 йил подшоҳ Фаҳд бин Абдул Азиз Масжиди Набавийда шу кунгача тарихда мисли кўрилмаган ободонлаштириш ва кенгайтириш ишларини ўз ичига олган лойиҳани тасдиқлади. Бу режага асосланган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари масжид майдонини 98,5 минг квадрат метрга, сиғимини 180 минг кишига етказди. Бир вақтнинг ўзида 90 минг намозхонни сиғдирувчи 67 минг квадрат метрдан иборат масжиднинг очиқ томлари ҳам оқ мармар билан қопланиб, намозхонлар учун жиҳозланди.

Масжид биноси 165,5 минг квадрат метрдан иборат бўлиб, 270 минг намозхон сиғадиган қилиб кенгайтирилди.

Мазкур масжид атрофидаги майдонларни лойиҳа бўйича 235 минг квадрат метр майдонда бир қисмига оқ мрамар ва қолган қисмига рангли исломий нақшинкор мрамар қопланди.

Шундай қилиб, ҳарам ва унинг атрофидаги майдонларга 700 мингдан зиёд намозхон, ҳаж ва умра мавсумларида 1 миллионгача намозхон сиғадиган бўлди.

Икки муқаддас ҳарамнинг ободонлаштириш ва кенгайтириш лойиҳасига кўра, 2020 йилга бориб, Масжиди Набавийнинг атроф майдони намозхонлар учун яна 67000 квадрат метргача кенгайтирилиб, 1,5 миллион киши сиғадиган бўлиши режалаштирилган.

Ер (цокол) қавати баландлиги 12,55 см, ертўла қавати баландлиги 4 метр, ер қаватдаги оқ мрамар билан қопланган устунлар сони 2028 та, ҳар бир устун мрамар асосдан иборат бўлиб, улар ичига кондиционер ўрнатилган. Устунлар оралиғи 6 ва 18 метр.

7. УҲУД ЖАНГИ

(Қисқача тарихий маълумот)

Тарихдан маълумки, Бадрда мағлубиятга учраб, Қурайш зодагонлари бу мушкул аҳволдан қутулиш чорасини излай бошлашди. Улар Абу Суфёнга учрашиб: «...Карвон билан жўнатган молларимизнинг фойдасини Муҳаммад билан урушишга сарфламоқчимиз. Бу ишга ўзинг бош бўлгин», дейишди. Бу гапдан руҳланган Абу Суфён дарров

уруш тадорикига киришди, қурайшларнинг ўзидан уч минг одам тўпланди. Улар чўрию канизакларини олиб, чилдирмаю ноғораларини чалганча йўлга тушдилар. Айрим зодагонлар бу жангда чекинмаслик учун хотинларини ҳам ҳамроҳ қилиб олдилар ва жуда катта дабдаба, асъаса билан Мадина яқинидаги Зул-Хулайфа деган жойга келиб тушишди. Қурайш мушриклари жангга отлангани ҳақида Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг амакилари Аббос мактуб йўллаб хабар етказди. Шаввол ойининг ўнинчи кунидаги жума намозидаги хутбада Расулуллоҳ (алайҳиссалом) саҳобаларни довюррак ва сабр-бардошли бўлишга чақирдилар: «Чидам ва сабр эгаларига ғалаба ёр бўлгай!» дедилар.

Қўшин Уҳуд тоғидаги бир дарага келиб тушди. Расулуллоҳ қўшинни Мадина томонга юзлантириб, тоғ этагига жойлаштирдилар. Тоғ яқинидаги текисликдан мушриклар жой эгаллади. Пайғамбар (алайҳиссалом) Холидга Зубайр ибн Аввом қўмондонлигидаги қўшинни, чап қанотдагилар билан пиёдаларга қолган лашкарларни қарши қўйдилар. Эллик камончига мадиналик Абдуллоҳ ибн Жубайрни бош қилиб, орқа томонга жойлаштирилди, кутилмаганда ҳужум бўлиб қолса, қайтариш, мусулмонлар енгса ҳам енгилса ҳам, ўрнидан қимирламаслик буюрилди. Шундан кейин Расулуллоҳ нутқ сўзлаб, жангчиларни саботли бўлишга чақирдилар.

Мушрикларнинг суворийлари уч марта қилган ҳужуми камончиларнинг ўқ селига дуч келиб қайтди. Кутилмаганда Расулуллоҳнинг амакилари Ҳамза ибн Абдумутталиб шаҳид бўлди. У ўнгу сўлдан келган душманни қийратиб кетаётганида Ваҳший

исмли қул найза уриб унинг қорнини ёриб ташлади. Буни кўрган мусулмонлар янада шиддат билан жангга киришиб, душман саркардаларини кетмакет ҳалок қилишди. Мушриклар орқа олдига қармай қоча бошлади, жанг майдонида ўралашиб юрган аёллар уввос солиб йиғлашга тушди. Мусулмонлар бўшаб қолган жанг майдонидаги кийим-кечак, қурол-яроғларни йиғишга киришишди. Тоғ тепасидаги ўқчилар буни кўришгач, Расулуллоҳнинг топшириғини унутиб, ўлжа олишга югуришди, бошлиғи Абдуллоҳ ибн Жубайрнинг гапига ҳеч ким қулоқ солмади. У бир нечта одами билан ўз жойидан жилмай тураверди. Бу аҳволни кўрган Холид ибн Валид ўқчиларга ҳужум қилиб, уларни қириб ташлади. Жанг майдонидаги ташаббусни қўлга киритгач, ўлжа йиғиб юрган мусулмонларни бир четдан қийрата бошлади. Саросимага тушиб қолган мусулмонлар нима қиларини билмай ўлжасини ташлаб дуч келган томонга қоча бошлади. Бир мушрик аёл ерда ётган байроқни кўтарган эди, атрофига дарров аскар тўпланди. Ибн Қимъа деган мушрик “Мен Муҳаммадни ўз қўлим билан ўлдирдим”, деб ёлғон овоза тарқатди. Мусулмонлар сафидаги парокандалик кучайди.

Расулуллоҳ омон қолган мусулмонларни жамлаб, курашни давом эттирдилар. Абу Талҳа Ансорий у кишининг ёнида юриб, ҳимоя қилишга уринарди. Уста мерган Абу Талҳа ғанимни беҳато урар, садоқни Расулуллоҳга бериб, менинг жоним сиз учун фидо бўлсин, дея ғанимларни у кишининг яқинига йўлатмасди. Пайғамбар (алайҳиссалом)-ни муҳофаза қилганлар орасида Саъд ибн Абу Ваққос, уста мерганлардан Саҳл ибн Ҳуней,

Расулуллоҳни танаси билан пана қилиб, ўқ тегса ҳам қилт этмай турган Абу Дужона, Пайғамбарни ҳимоя қилиб шаҳид бўлган Зиёд ибн Ҳорис бор эди.

Пайғамбар (алайҳиссалом) бошларига тушган бу қийинчиликларга мардона бардош бердилар. Убай ибн Халаф у кишини ўлдиришга қасд қилиб, келаётганини кўрганларида ёнидагиларнинг найзасини олиб, оғир яраладилар. Абу Омир Роҳиб мусулмонлар тушиб кетсин деган ниятда катта-кичик ўралар ковлаб, устини хаспўшлаб қўйди. Пайғамбар (алайҳиссалом) шундай чуқурлардан бирига йиқилиб, тиззалари шилинди. Али билан Талҳа ибн Убайдуллоҳ у кишини тортиб олишди. Тонг отиб, Расулуллоҳнинг курак тишларини синдирган Утба ибн Абу Ваққосни Ҳотиб ибн Абу Балтаа югуриб бориб ўлдирди.

Мушрик Абдуллоҳ ибн Шихос Зухрий Расулуллоҳнинг юзларини ёриб юборди. Ибн Қимъа шундай қаттиқ урдик, дубулғанинг ҳалқаси Расулуллоҳнинг юзларига кириб, қонатиб юборди. Ёрдамга етиб келган Абу Убайда симларни тишлаб суғурганда тишлари синиб кетди. «Пайғамбарнинг юзини қора қонга белаган қавм нажот топармиди», дедилар Пайғамбар (алайҳиссалом).

Расулуллоҳ ўлдига чиқарилганларидан кейин у кишини биринчилар қатори кўрган Каъб ибн Молик Ансорий қувонганидан: «Мусулмонлар, хушxabар!» дея қичқириб юборди. Расулуллоҳ унга жим бўлишни амр этиб, Саъд ибн Абу Ваққос билан Саъд ибн Убоданинг ҳамроҳлигида сафдаги ўз жойларини эгаллашга юрдилар. У кишининг

ёнида Абу Бакр, Умар, Али, Талҳа, Зубайр, Ҳориз ибн Самма ҳам бор эди.

Пайғамбар (алайҳиссалом) жанговар сафда ўз ўринларини эгаллаганларидан кейин Али сув қуйиб турди, Фотима у кишининг жароҳатларини ювиб, малҳам қўйди. Расулуллоҳ катта тош устига чиқиб, жанг майдонини кузатмоқчи бўлдилар, бироқ кўп қон йўқотганлари учун харсангга чиқолмадилар. Талҳа ибн Убайдуллоҳ югуриб келиб у кишига кўмаклашди. Расулуллоҳ тоғ ён-бағрини эгаллаган душманларни кўриб: «Улар биздан юқорида турмаслиги керак, дедилар ва Худога муножот қилдилар, – Эй яратган Эгам, Ўзинг бизга куч-қувват ато этгин!» Умар ибн Хаттоб бошчилигидаги бир гуруҳ мусулмонлар жанг қилиб, ғанимларни тоғ тепасидан қувиб туширдилар. Пайғамбар (алайҳиссалом)ни қўриқлаётганлар жуда кўп жароҳатланишгани учун бирин-кетин сафдан чиқа бошлашди.

Расулуллоҳни мўлжаллаб отилган ўқларга ўзини қалқон қилавериб, етмишдан ортиқ жароҳат олган Талҳа ибн Убайдуллоҳнинг бир қўли бутунлай ишламай қолди. Каъб ибн Молик ўн етти еридан яраланди. Умуман, бу жангда мусулмонлардан етмиш киши шаҳид бўлди; уларнинг олтитаси муҳожирлардан, қолгани ансорлардан эди. Пайғамбар (алайҳиссалом) шаҳидларни Уҳуддан олиб кетишни тақиқладилар.

Мушриклар бу жангда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликларни қилишди. Улар жасадларнинг қулоқ ва бурунларини кесиб олишди, шунга ўхшаш мудҳиш ишларни кўп қилишди. Абу Суфённинг хотини Ҳинд Ҳамзанинг қорнини ёриб, жигарини

суғуриб олди-да, чайнади, бироқ ютиб юборолмай туфлаб ташлади. Шундан кейин мушриклар Маккага йўл олишди.

Бу жангда мусулмонлар кўп талафот кўришган бўлса-да, енгилмагани ойдинлашади. Агар енгиллигинида мушриклар уларни таъқиб этиб, Мадинага бостириб кирар ва шаҳарни талон-торож қилишар эди.

Пайғамбар (алайҳиссалом) шаҳидларни кўздан кечирдилар, амакилари Ҳамзанинг чавақланиб ётганини кўриб, қаттиқ изтироб чекдилар. Уҳуд жангида шаҳид бўлганлар энгил-боши билан икки-уч нафари бир қабрга дафн этилди. Уҳуд жангида мусулмонлар икки сабаб туфайли оғир талафотга учради:

Биринчиси, камончилар Расулulloҳнинг биз енгсак ҳам, енгилсак ҳам, ўрнингиздан қимирламанг, деган топшириқларига амал қилмай, жойларини ташлаб кетганлиги; иккинчиси, ҳар бир ишни Худо йўлида холис эмас, балки жуда кўп мусибатларга сабаб бўладиган дунё манфаатини кўзланганидир. Камончилар дунё манфаатини ўйлаб, ўлжанинг кетига тушиб кетишди ва оқибатда бунинг жазосини тортишди.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасининг 152-оятида Уҳуд жанги тафсилоти ҳақида бундай деб марҳамат қилади:

﴿وَلَقَدْ صَدَقَكُمُ اللَّهُ وَعْدَهُ إِذْ تَحُسُّونَهُم بِإِذْنِهِ ۗ
حَتَّىٰ إِذَا فَشِلْتُمْ وَتَنَزَعْتُمْ فِي الْأَمْرِ وَعَصَيْتُمْ مِمَّا
بَعَدَ مَا أَرَاكُمْ مَا تُحِبُّونَ ۗ مِنْكُمْ مَن يُرِيدُ الدُّنْيَا

وَمِنْكُمْ مَّنْ يُرِيدُ الْآخِرَةَ ثُمَّ صَرَفَكُمْ عَنْهُمْ لِيَبْتَلِيَكُمْ
وَلَقَدْ عَفَا عَنْكُمْ وَاللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٥٢﴾

«Аллоҳ сизларга берган ваъдасида турди. Аллоҳнинг иродаси билан уларни қираётган эдинглар, Аллоҳ сизлар ёқтирадиган ғалабани кўрсатгандан кейин заифлашиб қолдинглар, Пайғамбарнинг амри ҳақида баҳслашдинглар, (Пайғамбарнинг амрига) бўйсунмадинглар; баъзиларингиз дунёни кўзладингиз, баъзиларингиз охиратни кўзладингиз, кейин Аллоҳ синаш учун сизларни душмандан қайтарди ва сизларни афв этди. Аллоҳ мўминларга марҳамат қилгувчидир».

Уҳуд фожиасининг асосий сабаби бирликнинг йўқлиги, бошлиққа итоат этмай бошбошдоқлик қилиш, зарур пайтда шижоатнинг етишмаслигидир. Ҳар қандай ишда бирлик, бошлиққа итоат ва жасорат зарур.

8. ИБРАТЛИ РИВОЯТ

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло неъматлари ҳуқуқини адо қилгандан сўнгра, ота ва она шафқатлари ҳуқуқини адо қилиш керакки, Ҳақ азза ва жалла ўз ризолигини уларнинг ризолигига боғлагандир, чунончи бу ҳақда ҳадиси қудсий шундай далолат қилади:

من رضي عنه والداه فانا عنه راض

“Ман розия анҳу волидоҳу фа-ана анҳу розин”, яъни “Ҳар кишидан ота ва онаси хушнуд бўлса, мен ҳам ундан хушнуд бўламан”.

Уларга яхшилик қилишни ўз ибодатига яқин қилибди: Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا إِمَّا يَبْلُغَنَّ
عِنْدَكَ الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أُفٍّ وَلَا
نَهْرَهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴾

“Ва қозо роббука ан ла таъбуду илла иййаҳу ва бил-волидаини ихсанан” (Исро сураси, 23-оят).

“Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди”.

Шу нарса муқаррардирки, ота ва онани хушнуд қилиш ҳам дунё давлати сабаби, ҳам охиратда азоблардан қутулиб қолиш боисидир.

Ҳикояда ёзилишича, Молик ибн Динор бир йили ҳажга бориб, халойиқ билан ҳаж расмини адо қилди. Ҳамма ҳожилар Арафот тоғидан қайтгандан сўнг, кечаси Молик шундай туш кўрди: икки фаришта осмондан тушиб, бири иккинчисидан сўради: “Бу йил кимнинг ҳажи қабул бўлди?” У жавоб берди: “Ҳамма ҳожилар ҳажи қабул бўлди, фақат Муҳаммад Балхийнинг ўғли Аҳмаднинг ҳажи қабул даражасига етмади, у беҳуда сафар машаққатини тортгани қолди”.

Шунда Молик ибн Динор уйқудан уйғониб, бу воқеадан ҳайратланиб, тонг отгунча ухламади. Эрта тонгда бориб, балхликлар карвонини топиб, улар ичидан Аҳмад ибн Муҳаммад Балхийни сўраб юрар эди, бир улуғ чатрга етди. Унинг этагини кўтариб турар эдилар. У чатр ичида бир йигитни

кўрди, гоятда зебо чехра, эгнида палос кийим, оёғида кишан ва бўйнида темир занжир. Йигит Моликни кўриб, унга салом қилди ва деди: “Эй Молик Динор, сен тушингда кўрган ва ҳажи қабул бўлмаган йигит менман, бу палос, темир занжиру кишан менинг маҳрумлигим нишонасидир”. Молик сўради: “Аллоҳ буюк, эй йигит, сенинг ҳуснинг баркамол, юрагинг тоза ва кўнглинг соф киши экансан, ҳаж савобидан маҳрум бўлганинг сабабини биласанми?” У жавоб берди: “Билдим, бунинг сабаби, отам мендан хушнуд эмаслигидандир”. Молик сўради: “Отанг қаерда?” Йигит жавоб берди: “Шу қарвонда”. Молик: “Бир кишини менга ҳамроҳ қил, у мени отанг олдига олиб борсин, мен ундан сенинг гуноҳингни сўрайман, шоядки, сендан хушнуд бўлса”, - деди. Шундай қилиб менга бир кишини ҳамроҳ қилди, у киши мени унинг отаси олдига бошлаб борди. Кўрдимки, бир соябон тортиланган, унинг ичида шоҳона либос ва гиламлар солинган, хушмуомала чол курсида ўтирибди, халойиқ унинг атрофида саф тортиб турибдилар. Олдига бориб, салом қилиб айтдим: “Эй улуғ, мард отахон, сенинг ўғлинг борми?” У жавоб берди: “Албатта, ноқобил фарзандим бор, мен ундан рози эмасман”. Айтдим: “Эй отахон, бу вақт шундайки, бир киши ҳар кишидан озор кўрган бўлса, ундан гина кўнглига тушган бўлса, уни хотиридан чиқариши ва афв қилиши керак. Ҳозир сенга ўз фарзандингни Худойи таоло азобига мубтало қилиш ярашмас, мен Молик ибн Динорман, кеча ўғлингни ҳаж савобидан маҳрумлигини тушимда кўрдим, шунинг учун энди сенинг олдинга келдим. Аллоҳ ва Расулни сенга гувоҳ сифатида келтириб,

Ўғлингнинг гуноҳидан ўтишингни илтимос қиламан!” Чол ундан бу сўзни эшитиб туриб, айтди: “Эй шайх, сен улуғ, мардсан, менинг олдимга келдинг, буюк гувоҳларни эслатдинг. Майли, қабул қилдим, унинг гуноҳини кечирдим, кўнглимни ундан хушнуд қилдим”. Молик ҳикояни шундай давом эттирди: Чолни мақтаб, олдидан чиқиб, йигит чатрига равона бўлдим, шунда гарданидан темир занжир олинган, кишан оёғидан жудо бўлган, палос эғнидан ечилган, покиза ранг тўн кийган йигит олдимга чиқиб, шундай деди: “Эй Молик, “жаза каллоҳу хайран”, мени ва отамнинг орасига сулҳ тарҳини солдинг, отамнинг розилиги баракотидан ҳажим қабул бўлди”.

(Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи муҳсинийн” асари, Тошкент, 2010 йил. 181-183-бетлар).

III БЎЛИМ

ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР

I БОБ

МАИШИЙ ТАВСИЯЛАР

1. МАДИНАИ МУНАВВАРА, МАККАИ МУКАРРАМА МЕҲМОНХОНАЛАРИДА ИСТИҚОМАТ ТАРТИБИ

Ҳожилар Тошкент аэропортидан учиб Мадина аэропортига келгунича 4,5-5 соат вақт ўтади. Уларнинг божхона кўригидан ўтиб, автобусларга ўтириб Мадина шаҳрига келгунича яна бир неча соат ўтади. Демак, зиёратчилар уйларида чикиб, Мадинаи мунаввара меҳмонхонасига келгунича 15-20 соат вақт ўтади. Зиёратчиларнинг кўпчилиги кекса ёшли, умрида узоқ сафарга чиқмаганлиги ҳамда сафарнинг узоқлигини эътиборга олганда, улар меҳмонхонага етиб келганда толиққан бўлиб, гуруҳ раҳбарларининг хоналарга тақсимотини сабрсизлик билан кутади. Шу сабабли зиёратчилар аэропортдан автобусларга ўтирганда, ишчи гуруҳи ходими эликбошилар ёрдамида ҳар бир гуруҳда нечта эркак ва нечта аёл борлигини ҳисоблаб, меҳмонхонадаги хона тақсимотига масъул кишига телефон орқали хабар қилади. Ишчи гуруҳидан масъул киши зиёратчилар меҳмонхонага етиб келгунига қадар уларнинг сонига қараб ҳар бир гуруҳнинг эркакларига алоҳида, аёлларига алоҳида хоналар ажратади ва калитларни хоналар сони ёзилган қоғоз билан алоҳида халталарга солади.

Меҳмонхоналарда эркаклар билан аёллар иложи борича алоҳида қаватларга жойлаштирилади. Масъул киши ажратилган хоналарнинг тозалигини, ҳар бир киши учун кроват, тўшак, ёстиқ, чойшаб борлигини, ҳаммом ва туалетлар жиҳозларининг ишга яроқлилигини, иссиқ-совуқ сув билан таъминланганлигини ҳамда хоналардаги ҳаво совутгичлари ишга яроқлилигини текшириши зарур. Мавжуд камчиликларни зиёратчилар етиб келгунга қадар бартараф этилишини таъминлаши шарт.

Элликбошилар аэропортда зиёратчиларни автобустга жойлагандан сўнг, уларни бирма-бир рўйхатдан ўтказишади, сўнгра сафар дуосини ўқиб йўлга чиқишади. Элликбоши йўл давомида зиёратчиларга Мадинаи мунавваранинг фазилати, у ердаги ибодатнинг моҳияти ҳамда у ерда қилинадиган ибодатларнинг шаръий масалаларини оят-ҳадислар, ривоятлар билан асослаб тушунтиради.

Сўнгра меҳмонхонага жойлашиш тартиби ҳақида батафсил маълумот беради. Ҳамма гуруҳ раҳбари тақсимооти бўйича жойлашиши шартлиги тушунтирилади. Элликбоши калитларни ўзи олиб, хоналарга ҳожиларни шахсан жойлаштиради. Бесабрлик билан хона талашиб, бир-бирларини муқаддас жойларда ранжитиш жоиз эмаслиги, бундай сабрсизлик, жой талашиш, 8 кишилик хонага 5-6 киши жойлашиб олиб, бошқаларни киргизмаслик оқибати бошқа зиёратчиларнинг соатлаб жойсиз қолишига сабаб бўлиши, бу эса ўз навбатида муқаддас жойларда Аллоҳнинг меҳмонларига зулм қилган билан баробар бўлишини уқдириши лозим. Шунингдек, автобустга чиқиш ва тушишда аёлларга

ва кекса ёшли кишиларга йўл бериш, уларни ичкарига киритиб, ўтқазиб, юкларини олиб юришда ёшлар ёрдам бериши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳожилар ўз навбатида гуруҳ раҳбарининг кўрсатмаларини чиройли тарзда бажариб борсалар, ташкилий масалалар ўрнида ҳал бўлиб, ибодатлари гўзал адо этилишига сабаб бўладилар.

2. ХОНАЛАРГА ЖОЙЛАШИШ

Меҳмонхонага етиб келинган, эллиқбоши гуруҳ ичидан ихтиёрий ёрдамчиларга зиёратчиларни автобусдан бирма-бир туширишни ва юкларни туширишда кексаларга ёрдам беришни маслаҳат бериб, ўзи меҳмонхонадаги хоналарга масъул бўлган кишидан группаси бўйича тақсимланган хоналар калитини олади. Аввал аёлларни, кейин эркакларни жойлайди. Хона тақсимлашда гуруҳидаги ихтиёрий ёрдамлашувчи аёллардан тўрттасини ва эркаклардан тўрттасини хоналарни тақсимлашда кўмак бериши учун ёнига олади. Уларнинг ҳар бирига кимни қайси хонага тақсимлаганини ёзиб беради. Тақсимлаб бўлган, гуруҳидаги кишилар ўзларига тегишли бўлмаган бошқа бўш хоналарга кириб кетмаслиги учун яна бир бор рўйхат бўйича текшириб чиқади ва ўзи қайси хонага жойлашганини ва телефон рақамини гуруҳидаги барча кишиларга ёздириб қўяди. Ўз навбатида ишчи гуруҳи раҳбарларига ҳам ортиб қолган ёки етмаган жойлар ҳақида ҳисобот беради ҳамда телефон рақами ва хонасининг рақамини қолдиради. Эллиқбошилар зиёратгоҳларга гуруҳлари билан бирга бориши ва улардан бохабар бўлиши зарур бўлади.

Маккаи мукаррамадаги меҳмонхоналарга жойлашиш тартиби ҳам шундай.

3. ХОНАЛАР ТОЗАЛИГИНИ САҚЛАШ

Меҳмонхона маъмурияти хизматчилари зиёратчиларнинг буюмлари йўқолмаслигини олдини олиш мақсадида фақат коридорларни тозалайди. Хизматчиларнинг хоналарга кириши ман этилган. Шу сабабли ҳар хил таомларни олиб келиб, ошхонага бормай хонада ейиш ва ортиб қолган таомларни хоналарда сақлаш турли касалликлар тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Баъзан чойнинг шамалари ҳаммомларга тўкилади, оқибатда ҳаммомлар қувури тикилиб қолади. Шунингдек, зиёратчилар ўзларига керагидан ортиқ таомларни олиб келиб хоналарида кунлаб сақлашади. Бу ҳам тозалик шартларига зид нарсалардандир.

4. МЕҲМОНХОНА ЖИҲОЗЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Хоналардаги кондиционер, музлаткич, телевизор ёки ҳаммомдаги жиҳозлардан унумли фойдаланиш ва уларни эҳтиёт қилиш керак бўлади. Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварадаги меҳмонхоналардан кейинги йилларда ёнғин чиқиши ҳоллари рўй бергани учун меҳмонхоналарда чой кўйиш, овқат пишириш мақсадларида электр асбобларидан фойдаланиш қатъиян ман қилинади ва катта жарима солинади. 6 кишини ёки 8 кишини чиқиши рухсат берилган лифтга бундан ортиқ кишиларнинг чиқиши кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Ўтган йилларда лифтга меъёри-

дан ортиқ киши мингани учун троси бардош беролмай, узилиб кетган ҳоллар бўлган.

Меҳмонхона масъуллари ҳаммом-тахоратхоналарга ишлатиладиган сувларни ташиб келинишини ҳисобга олиб, таҳоратхона ва ҳаммомларнинг жўмрақларини очиқ қолдирмаслик ва сувни керагидан ортиқ ишлатмаслик зарур бўлади. Акс ҳолда сув танқислиги муаммоси юзага келади. Маккаи мукаррама йўлларининг тирбандлиги автоуловлар сувни ўз вақтида олиб келишига тўсқинлик қилади. Оқибатда соатлаб сувсиз қолиб кетилишига тўғри келади. Бу эса зиёратчиларнинг ўзлари чиқарган муаммолари оқибатида мураккаб аҳволга тушиб қолишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун сувдан ҳам оқилона, исроф қилмасдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. ОШХОНАДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аксарият меҳмонхоналарнинг ошхоналари кичик ҳажмда бўлади. Шу сабабли ошхоналар тор бўлади. Айниқса, қадр кечалари зиёратчиларнинг кўплиги, жойларнинг торлиги ва электр самовари чойни ўз вақтида қайнатиб беролмаслиги ҳожилар ўртасида норизоликка сабаб бўлади. Зиёратчиларга тарқатиладиган бир литрлик термосга ҳар бир киши бир литрдан чой дамласа, 2000 кишига 2 тонна чой қайнатишга тўғри келади. Бу ҳам анча муаммо туғдиради. Шу сабабли зиёратчилар бу муаммоларни тўғри тушунишлари лозим бўлади.

Элликбошилар гуруҳларидаги ёрдамчилари билан бирга зиёратчиларнинг тасдиқланган жадвалга риоя қилган ҳолда овқатланишларини

ташкил этиши лозим бўлади. Овқатланиш навбат билан бир неча дафъада ташкил этилади. Шунинг учун ўз вақтида келиб овқатланиб, белгиланган вақтда ошхонани бўшатиб бериш зарур. Бундай ташкилий ишларни ҳал қилишда гуруҳидаги холис ёрдам кўрсатадиган зиёратчилар кўмагидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

6. МУБОРАК САФАР ТАРТИБЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

Инсон ҳажга қайсидир бир оиланинг аъзоси, қайсидир қишлоқ ёки шаҳарнинг аҳли, маълум бир мамлакатнинг фуқароси сифатида боради. Шу сабаб ҳаж амалларини бажариш жараёнида ибодат ва юриш-туришда ўзини намунали тутиши билан ўз юртининг обрў-эътибори зиёда бўлишига ҳисса қўшган бўлади. Ҳажни ният қилган киши каттаю кичик гуноҳларни қилишдан, бирор жонзотга озор беришдан, хусусан, одамлар билан жанжаллашишдан доимо ўзини сақлаши лозим. Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом):

«Мабрур ҳажнинг мукофоти фақат жаннатдир» – деганлар (*Муттафақун алайҳ*).

Сизга муқаддас ҳаж амалларини тўла-тўкис ва сиҳат-саломатликда адо этишни тилаган ҳолда, сафар муваффақиятли ўтиши учун қуйидаги тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилишингиз тавсия этилади:

Умумий қоидалар:

Қуйидаги талабларга тўлиқ риоя қилиш ҳажингизнинг комил бўлиши ва саломатлигингиз, хотиржамлигингизни сақлашингизга омил бўлади:

– сафар мобайнида ўзаро ҳушмуомала бўлиш, элликбоши ва ишчи гуруҳи вакилларининг тартибни сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган барча кўрсатмаларини бажариш;

– маълумотлар ёзилган қўл тасмаси ва кўкрак нишонини доимо тақиб юриш, ўзи жойлашган меҳмонхона визиткасини (картини) олиб юриш;

– элликбошининг телефон рақамини ёзиб олиш, имкон бўлса, ишлаб турган қўл телефони бўлиши лозим;

– қария ва аёлларнинг меҳмонхонадан, Мино, Арафот ва Муздалифада эса Ўзбекистон ҳожилари жойлашган чодир шаҳарчадан ёлғиз чиқмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади;

– мабодо адашиб қолинганда қўл тасмаси ва кўкрак нишонини кўрсатилган рақамларга ҳамда гуруҳ раҳбарига телефон қилиш, такси ҳайдовчисига меҳмонхона визиткасини кўрсатиб, элтиб қўйишни илтимос қилиш ёки полиция ходимига мурожаат қилиш;

– жамарот водийсида шайтонга тош отиш маросимини ўз гуруҳи билан бирга ва ишчи гуруҳи раҳбарияти белгилаган вақтда бажариш;

– соғлик-саломатликда нохуш ўзгариш сезган заҳоти шифокорга ёки элликбошига мурожаат этиш;

– пул ва ҳужжатларни эҳтиёт қилиш, Мино водийсига чиқиб кетилаётганда уларни сақлаш учун ишчи гуруҳига топшириш;

– жамоат жойларида ўзини одобли тутиш, белгиланган тартиб-қоидаларга тўла риоя этиш, можаровий ҳолатни келтириб чиқармасликка ҳаракат қилиш;

– амалдаги қонунларга кўра Республикага олиб кириладиган диний адабиётлар экспертизадан ўтказилиши зарурлиги боис, диний адабиёт ёки дискни сотиб олишдан аввал ишчи гуруҳ таркибидаги мутахассислар билан маслаҳатлашиб олиш. Зиёратлар даврида ҳадя сифатида бериладиган диск ва китобларни ҳам элликбошилар орқали юқорида айтилган мутахассисларга кўрсатиб олиш зарур.

Аэропорт ва самолётда:

– элликбоши авиачипталарни рўйхатга олиш ва багажларни топширишга чақиргунга қадар ўз гуруҳи учун ажратилган жойда бўлиш. Аэропортда авиачипталарни рўйхатдан ўтказишда ва чегара назоратидан ўтишда навбатга риоя қилиш ва тартибни сақлаш (аввал қария ва аёлларни навбатга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади);

– самолётга қўл юки ичида қайчи, пичоқ каби кесувчи ва санчилувчи буюмларни олиб чиқиш ман этилиши яна бир карра эслатиб ўтилади;

– қўл юки салафан сумка эмас, йиртилиб кетмайдиган ишончли сумкада бўлиши лозим;

– самолёт юкхонаси (багаж)га топшириладиган юклар ичига Замзам суви солинган идишларни жойлаштириш қатъиян ман этилади. Замзам суви алоҳида ғилофланиши лозим. Чемодан ва сумкаларни йўқолиб қолишдан асраш учун уларга эгасининг исми-шарифи ва гуруҳ рақамини ёзиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади;

– самолётда узрли сабабсиз ўриндикни тарк этиш, йўлакларга юк қўйиши ман этилади.

Меҳмонхонада:

– эллиқбоши томонидан кўрсатилган хонага жойлашиш ва уни озода сақлаш лозим. Хонада тез бузиладиган овқатларни сақлаш, қўл ювиладиган жой ва унитазга маиший чиқиндиларни (чай шамаси, целлофан, елим идишлар ва ҳ.к.) ташлаш, сувни эҳтиёждан зиёда ишлатиш ман этилади;

– ошхонага гуруҳ учун белгиланган вақтда бориш, овқатланиб бўлгач, бу ердаги ўриндиқлар сони чеклангани сабабли кейинги дафъа овқатланувчи зиёратчиларга жойни бўшатиб бериш лозим;

– лифтга кўрсатилган миқдордан ошиқча одам чиқиши мумкин эмас;

– кечаси меҳмонхонага қайтиш лозим. Масжидда ибодат учун қолмоқчи бўлса ёки маҳаллий ўзбеклар томонидан меҳмонга чақирилган тақдирда, эллиқбоши орқали ишчи гуруҳ раҳбариятини огоҳлантириш зарур.

Автобусда:

– жойдан-жойга кўчишда автобусни кутиш жойига фақат эллиқбоши чақиргандан сўнг чиқиш. Мино, Арафот ва Муздалифада радиокарнайдан ўз гуруҳи эълон қилингунга қадар чодирда қолиш. Эллиқбоши кўрсатмаган автобусга чиқиш қатъиян ман этилади;

– Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара шаҳарларида диққатга сазовор жойларга зиёрат ташкил этилганда гуруҳга бириктирилган автобусда юриш;

– автобусга тартиб билан, олдинги эшикдан аёллар, орқа эшикдан эркаклар чиқади. Автобус эшиги ёнида тиқилинч юзага келтириш, автобус йўлакчасига юк қўйиш мумкин эмас.

7. САФАР ДАВОМИДА АМАЛ ҚИЛИШ ЗАРУР БЎЛГАН, ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР

Муҳтарам ҳожилар, зиёратчилар!

Ташкилий масалалар чиройли ҳал қилиниши, ибодатингиз бенуқсон бўлиши учун сафар давомида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор беришингиз тавсия этилади:

Пулингизни, керакли ҳужжат ва қимматли нарсаларингизни йўқотиб қўймаслик учун ўзингиз билан олиб юрманг. Икки ҳарами шарифда, зиёратларда энг зарур миқдордаги маблағни олиб, қолганини ишчи гуруҳига топшириб қўйинг ёки ишончли қулфланадиган жойда сақланг.

Бировнинг тинчлигини бузиб, жонига, обрўсига, молига, меҳмонхона ёки чодир (палатка)даги жойига, Замзам сувига тажовуз қилманг. Бошқалар билан талашиб-тортишиб, жанжаллашиб, сўкишиб юрманг. Ёлғон гапирманг, хусуматлашманг.

Тавоф ва саъйда ҳеч қандай китоб, сурат ёки бошқа хилдаги нашр маҳсулотларини олиб юрмаслик тавсия қилинади.

Каттага ҳам, кичикка ҳам, аёл ва заифга ҳам ҳурматда бўлинг. Бошқаларни билмасдан қўл ёки оёқ билан туртиб ёки суриб юборманг.

Фойдасиз ишлар билан банд бўлмаслик зарур. Нима учун келганингизни унутманг.

Кўкрак нишонини йўқотмай доим ёнингизда сақланг. Ўзингиз турган меҳмонхона манзили, ишчи гуруҳи ва гуруҳ раҳбари телефон рақамларини ўзингиз билан олиб юринг.

Саудия Арабистони Подшоҳлиги қонунлари, тартиб-қоидаларига риоя қилиш вазифангиз эканини унутманг.

ХУЛОСА

Ҳаж ибодатини адо этиб келган киши

Оиласида, маҳаллада, ёшларга, жамиятимиз аъзоларига муомалада, кийинишда, тўй-маъракалар ихчам ва чиройли ташкил қилиб ўтказилишида, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларнинг ўтказилишида ҳаммага ўрнатилган бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда ҳажнинг ҳақиқий самарасини ўзида кўражак.

Аллоҳ таоло барчамизнинг ҳажимизни қабул қилган бўлсин.

II БОБ

ТИББИЙ ТАВСИЯЛАР

1. МУҲИМ ТИББИЙ ЭСЛАТМА

Сафар давомида махсус бир марта фойдаланиладиган тиббий ёки дока ниқобни оғиз ва бурунга тақиб юриш турли ўткир шамоллаш касалликларининг тарқалишини олдини олади. Бироқ дока ниқобидан тўғри фойдаланиш (кунига 4 маротаба алмаштириш ёки совун билан ювиш) керак. Ниқобдан нотўғри фойдаланиш касалликнинг юқиш эҳтимолини ошириши мумкин.

Касалликнинг олдини олиш учун қуйидаги профилактик чора-тадбирларга риоя қилиш зарур:

– шахсий гигиена (овқатланиш, кийиниш, чўмилиш ва ётоқxonани тоза сақлаш) қоидаларига амал қилиш;

– қўлларни тез-тез яхшилаб совун билан ювиш;

– кўпроқ суюқлик истеъмол қилиш (малинали, лимонли ёки асалли чой, иссиқ сут ҳамда наъматак дамламаси);

– тана ҳарорати юқори бўлганда, шифокор тавсиясига кўра, иситма туширадиган дори ичиш мумкин;

– бемор ва у билан мулоқотда бўлаётган ҳар бир одам ниқоб тақиб юриши керак;

– хоналарни тез-тез шамоллатиш керак;

– соғлигингизни эҳтиёт қилинг, иссиқда юрманг, офтоб уришидан сақланинг, офтоб урганини сезсангиз, дарҳол шифокорларга мурожаат қилинг;

– сафар давомида жой ва кийимингиз пок бўлсин. Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)ни шунга буюрган:



“Уйимни тавоф қилувчилар, ибодатда турувчилар, рукуъ ва сажда қилувчилар учун покла” (Ҳаж сураси, 26-оят).

Одамлар кўп тўпланадиган жамоат жойларида (Масжидул Ҳаром, кўчалар, бозорлар, транспорт ва ҳ.к.), хаттоки ибодат вақтида ҳам тиббий ниқоблардан фойдаланиш, иссиқ ҳаво ёки бошқа сабабли уларни ечиб юбормаслик қатъий талаб қилинади.

Дезинфекция учун хлорли эритмалар – хлорамин, хлорли оҳак ва бошқалар ишлатилади.

2. ШИФОКОРЛАР ТАВСИЯСИ

Сурункали юрак қон-томир, буйрак, ошқозон ва қанд касалликлари бор кишилар сафар олдидан шифокордан бир курс муолажа олишлари мақсадга мувофиқдир. Шифокорлар зиёратчиларга профилактика мақсадида қуйидагиларни тавсия этадилар:

1. Оксолин мазь, сафар олдидан бурун катакларига 3 кун, кунига 2 маҳалдан суртиш;

2. Ципрокс 500 мг, сафар олдидан 1 таблеткадан х 1 маҳал, 3 кун давомида ичиш;

3. Ўзи билан 5–10 дона тиббий ниқоб (маска)ни олиш.

Ўз вақтида грипп касаллигидан даволанишни бошлаш, тезда ва муваффақиятли соғайишнинг гарови эканлигини унутмаслик лозим.

Шунингдек, зиёратчи ўзи билан (юрак қон-томир касалликлари, қон босими каби касалликларга қарши) доимий истеъмол қилиб юрадиган зарур дориларини сафар муддатига етарли миқдорда олиши тавсия қилинади.

IV БЎЛИМ

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ПОДШОҲЛИГИ

Саудия Арабистони Подшоҳлиги (Ал-Мамлака ал-Арабия ас-Саудия) – Осиёнинг жанубий-ғарбида жойлашган давлат. Арабистон ярим оролининг тахминан 2/3 қисмини ва Қизил денгиз ҳамда Форс қўлтиғидаги қатор қирғоқбўйи ороллари эгаллайди. Майдони 2,25 миллион квадрат км. Аҳолиси 28 млн. киши. Булардан 9 млн. киши мамлакат фуқароси ҳисобланмайди. Пойтахти – Ар-Риёз шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 13 вилоятга бўлинади:

Риёз, Макка, Мадина, Ал-Қасим, Шарқий вилоят, Асир, Табук, Хайл, Шимолий ҳудуд, Жазан, Нажрон, Баҳа ва Жоуф.

Давлат тузуми. Саудия Арабистони Подшоҳлиги (САП) – мутлақ теократик монархия. Давлат бошлиғи – Подшоҳ, айни вақтда Бош вазир ва Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони ҳамдир. У ҳукумат (Вазирлар Маҳкамаси)ни тузади.

1992 йил 1 мартда подшоҳ фармони билан Шўро (Маслаҳат) Кенгаши ташкил этилган. 1997 йилда Шўро Кенгаши аъзоларининг сони 60 кишидан 90 кишига етказилди.

2012 йил бошида мамлакатдаги хотин-қизлар тақлифларига асосан уларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш мақсадида Шўрода аёллар учун 30 та жой ажратилди.

Подшоҳ Шўро Кенгашини тарқатиб юбориши ва қайта тузиши мумкин. Подшоҳ вазирларни та-

йинлаш, ҳукуматни тарқатиб юбориш ва янгидан тузиш ваколатига эга. Ҳукумат, асосан, подшоҳ оила аъзоларидан тузилади.

Сиёсий партия ва касаба уюшмалари фаолияти расман ман этилган.

Миллий байрами – Саудия Арабистони Подшоҳлигига 1902 йил подшоҳ Абдулазиз асос солган кун. У 31 йил давомида Подшоҳликни бирлаштириш учун қуролли кураш олиб борган.

23 сентябрь – Миллий байрам, Подшоҳлик эълон қилинган кун (1932).

Аҳолисининг 90% ини араблар ташкил қилади. Ҳиндлар, мисрликлар ва покистонликлар, бир неча юз минг эронлик, филиппинлик, бангладешлик, яманлик, индонез, суданлик, суриялик, иорданиялик ва бошқалар ҳам яшайди. Саудия Арабистонида **800 минг–1 млн ўзбек** истиқомат қилади, деб ҳисобланади. Йирик қабила бирлашмалари – унайза ва шаммар; қабилалар – ҳарб, мутайр, хузайл, қаҳтон, жуҳайна, муаҳиб, шарарат, манасир, бану асад, танух, қурайш, бану шайбон.

Расмий тил – араб тили; инглиз тили ҳам кенг тарқалган.

Давлат дини – Ислом. Ислом динининг муқаддас зиёратгоҳ шаҳарлари – Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара Саудия Арабистонидадир. Ҳар йили бу шаҳарларга 5 млн. дан ортиқ мусулмон ҳаж (2013 йил 2 млн 300 минг ҳожи) ва умра арконларини бажариш учун келади.

Пул бирлиги – Саудия Арабистони риёли.

1 АҚШ доллари 3,75 риёлга тенг (2019 йил март маълумоти).

Йирик шаҳарлар (Макка, Ар-Риёд, Мадина, Жидда)да жаҳон андозаларига мос даражада кўп

қаватли уйлар, меҳмонхона, стадион, аэропортлар мавжуд. Замонавий қурилишларда араб миллий меъморлиги анъаналари ўз аксини топган. Йирик иншоотларнинг девори кўпи мармар билан қопланган.

ЎЗБЕКИСТОН – САУДИЯ АРАБИСТОНИ МУНОСАБАТЛАРИ

1992 йил февралда САП Ташқи ишлар вазири шахзода Сауд ал-Файсал бин Абдул-азиз Оли Сауднинг Ўзбекистонга, ўша йил апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг САПга ташрифидан сўнг, 1992 йил ноябрда Жидда шаҳрида Ўзбекистон Республикаси консулхонаси, май ойида Ар-Риёдда элчихонаси, 1997 йил 27 мартда Тошкентда САП элчихонаси очилди. 1995 йил ноябрда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг САПга қилган ташрифи давомида Ўзбекистон билан САП ўртасида савдо, иқтисод, инвестициялар, техника, маданият, спорт ва ёшлар ишлари соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди.

1996 йил апрелда Ар-Риёдда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», 1998 йил мартда «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарлари араб тилидаги нашрининг расмий тақдимоти ўтказилди.

1996 йилда САПнинг «Делта ойл» ширкати билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Жумладан, Ўзбекистон ҳукумати АҚШ – САПнинг «Юникол»

ва «Делта ойл» ширкатлари консорциуми билан нефть ва газ қувурлари лойиҳалари тўғрисида битим, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси эса Ўзбекистонда нефть разведкаси ҳамда уни казиб чиқариш ҳақида англашув баённомасини имзолади. Ўзбекистон – САП ўртасидаги товар айланмаси 3,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Икки давлат ўртасида таълим ва дин соҳаларида ҳам ҳамкорлик ривожланган. 1997 йил САП Олий таълим вазири Халид ал-Анқарий Ўзбекистонга САПнинг бир неча университетлари ректорларидан иборат делегация билан ташриф буюрди.

2008 йилнинг июлидан Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида Ўзбекистоннинг Ҳаж ва умра ишлари бўйича Агташеси фаолият олиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида ҳар йили минглаб юртдошларимиз муборак ҳаж ва умра ибодатини бажариб келиш имконига эга бўлдилар.

У БЎЛИМ

"ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЙЎЛОВЧИЛАРИ УЧУН МАЪЛУМОТ

ЙЎЛОВЧИ ЧИПТАСИ

Йўловчи чиптаси унда кўрсатилган қатнов (рейс) ва санада парвоз қилишга яроқли ва у кимнинг номига расмийлаштирилган бўлса, ундан фақат шу йўловчигина фойдаланиши мумкин. Авиа-чиптанинг парвоз купонлари унда кўрсатилган ташувлар кетма-кетлигига қатъий риоя қилинган ҳолда фойдаланилиши шарт.

Чиптада маҳаллий парвоз вақти кўрсатилади.

Рўйхатдан ўтиш тугатилгандан сўнг етиб келган йўловчи қатновга қўйилмайди.

ЮК (БАГАЖ) ТАШУВЛАРИ

Ҳар бир йўловчи учун багаж меъёри Ўзбекистон Миллий Ҳаво Йўллари авиакомпанияси томонидан белгиланади, бу миқдор билетда кўрсатилади. Меъёрдан ташқари олиб кетиладиган багаж, шунингдек махсус категориядаги багаж (оғир ва йирик ўлчамли багаж) учун меъёрдан ортиқ ва махсус багаж учун ўрнатилган тариф ва ставка бўйича пул тўланади.

Эслатма: Ҳар йили Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси ўртасида тузиладиган шартномада бу миқдор ўзгариши мумкин.

Ҳар бир қўшимча багаж ҳамда белгиланган ҳажм ва оғирликдан ортиқча юк учун 3 ставка миқдорида ҳақ олинади. (Қўшимча багажнинг ҳар бир килоси учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгиловчи ҳужжат Ўзбекистон Миллий Ҳаво Йўллари авиакомпаниясининг Саудия Арабистонидаги вакили томонидан тақдим этилади).

Авиакомпания багажда олиб кетиладиган мўрт, қимматбаҳо ёки тез бузиладиган предметлар учун жавобгар эмас. Пул, қимматбаҳо нарсалар ва ҳужжатларни йўловчи багажга топширмасдан ўзи билан олиб кетиши лозим.

Ҳаво кемаси (ҲК) саҳнида алоҳида ўриндикни эгаллаган ҳар бир йўловчи авиачиптада кўрсатилган рўйхатдан ўтказиладиган багаж меъёридан ташқари ҳаво кемаси саҳнидаги багаж токчаларида ёки йўловчи ўриндиғи остига жойлаштириладиган қўл юкини қўшимча ҳақ тўламасдан олиб кетиши мумкин.

Бундай багажнинг умумий оғирлиги: иқтисодий хизмат кўрсатиш класси йўловчилари учун 8 кг дан ошмаслиги лозим.

Қўл юкининг максимал габарит ўлчамлари 56 X 45 X 25 см дан ошмаслиги керак. Ҳар бир қўл юкининг уч ўлчам суммаси бўйича максимал катталиги 115 см дан ошмаслиги керак (ғилдираклари, дастаси ва ён чўнтаклари билан бирга қўшиб ҳисоблаганда).

Қўл юкида пичоқ, қайчи, устара, хавфсиз соқол олиш анжомлари, соч, тирноқ оладиган асбоб, пружинали тарози, пистолет, милтиқ, тўппонча каби болалар ўйинчоқлари, зонтик олишга рухсат берилмайди. Бундай нарсаларни багажга солиб топширилади.

Агар қўл юки 1 тадан ортиқ сумкадан (жойдан) иборат бўлса, бундай қўл юки ташувга битта умумий жой сифатида қабул қилиниши керак ва бундай жойларнинг умумий габаритлари йиғиндиси уч ўлчам суммаси бўйича 115 см дан ошмаслиги керак.

Кўрсатилган қўл юки олиб кетиш меъёридан ташқари йўловчи ҳаво кемаси саҳнида ўзи билан бирга парвоз учун зарур қуйидаги буюмларини олиб кетиши мумкин:

- аёллар сумкаси, эркаклар портфели ёки қоғоз солинадиган папка;
- фотоаппарат, видеокамера;
- парвоз вақтида ўқиш учун босма нашрлар;
- оғирлиги 2 кг дан ошмайдиган портатив компьютер;
- ҳасса;
- пальто, плаш ёки бошқа хилдаги устки кийимлар;
- қалин жун рўмол;
- қўлтиқтаёқ (агар улар парвозда йўловчига керак бўлса);

ТАҚИҚЛАНГАН МОДДАЛАР:

- захарлар;
- радиоактив моддалар;
- бўёқлар;
- керосин чироқлар;
- гугуртлар, зажигалкалар;
- магнитлар;
- патронлар, петардалар;
- батареялар, литийли аккумуляторлар;
- бензинли арра ва автомобиль двигателлари;

- ўтўчиргичлар, газ баллонлари, аэрозоллар;
 - маиший кимё маҳсулотлари;
 - юқумли моддалар.
- шунингдек, ҳар бир зиёратчи ҳеч қандай тўсиққа учрамаслиги учун Саудия Арабистонига олиб келиниши ман қилинган нарсаларни эслатиб ўтамыз:
- қурол-аслаҳа ва портловчи моддалар;
 - ҳар қандай миқдор ва турдаги маст қилувчи ичимликлар, наркотик моддалар;
 - ахлоқсиз фильм ва суратлар;
 - сиёсат ва ташвиқот мазмунидаги китоб ва нашр маҳсулотлари;
 - Ислом ақидасига зид китоблар, аудио-видео материаллар.

ЙЎЛОВЧИНИНГ ҲАВО КЕМАСИ ИЧИДАГИ ЮРИШ-ТУРИШ ҚОИДАЛАРИ

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Йўловчи – ҳаво транспортида ташиш шартномасига мувофиқ ҳаво кемасида ташилаётган ёки ташилиши лозим бўлган шахс;

Ҳаво кемаси экипажи – ҳаво кемаси командири, учувчилар таркибига кирувчи бошқа шахслар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар.

2. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг ташувчилари томонидан ташиладиган барча йўловчилар учун мажбурийдир.

II БОБ. ЙЎЛОВЧИНИНГ ҲАВО КЕМАСИ ИЧИДАГИ ЮРИШ-ТУРИШИ

3. Ҳаво кемаси (бундан буён матнда ХК деб юритилади) ичида йўловчи қуйидагиларни бажаришга мажбурдир:

мазкур Қоидаларни, ХК командирининг ёки экипаж аъзосининг ҳаво кемаси командири номидан берган парвоз ва ХК ичидаги одамлар хавфсизлигини, мол-мулки бут сақланишини, ташиш шартномасини ижро этиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш тартиби ва имкониятини таъминлашга доир фармойишларини бажаришга;

ХК саҳнида учиш талонига, шунингдек, зарур бўлган ҳолларда парвоз хавфсизлигини таъминлаш

мақсадида ҲК экипажи аъзоларининг кўрсатмасига мувофиқ жойлашишга;

юқларини махсус ажратилган жойларга жойлаштиришга;

“Камарларни тақиш” таблоси ёқилиши билан хавфсизлик камарини тақишга ва у ўчмагунча ечмасликка.

4. Йўловчи ҲК ичида қўйидагиларни амалга ошириши тақиқланади:

гиёҳванд моддаларни, тамаки маҳсулотларини (носвой ва бошқаларни ҳам) истеъмол қилиши, шунингдек, электрон сигаретлардан фойдаланиши; учувчилар кабинасига кириши;

ҲК экипажи аъзоларининг хизмат вазифаларини бажаришларида уларга тўсқинлик қилиши ёки уларнинг ишларига аралашиши;

ҲКнинг юриш, кўтарилиш ва қўниш вақтида электрон ва алоқа воситаларидан фойдаланиши;

ҲКнинг мол-мулкани (пледлар, адёллар, ёстиқлар, идиш-товоқлар, ошхона жиҳозлари, электрон воситалар, қутқариш нимчалари ва бошқаларни) олиб кетиши ва шикастлаши;

жамоат тартибини бузиши ва заруратсиз атрофдагиларни безовта қилиши;

ҲК экипажи аъзоларининг тегишли кўрсатмаларисиз авария-қутқарув жиҳозларини ишлатиши;

ҲК экипажи аъзоларининг рухсати ёки кўрсатмаларисиз бошқа жойларга ўтириши.

5. ҲК ичидаги юриш-туриш қоидалари йўловчи томонидан парвоз хавфсизлигига таҳдид туғдирадиган ёхуд шахсларнинг ҳаётига ёки соғлиғига ва мол-мулкига таҳдид туғдирадиган тарзда бузилса,

у билан тузилган ташиш шартномаси ташувчи томонидан ташиш йўналишининг исталган манзилида бекор қилиниши мумкин.

III БОБ. ЙЎЛОВЧИНING ҲУҚУҚЛАРИ

6. Йўловчи ҲК экипажи аъзоларидан ташиш шартномаси шартларида белгиланган хизматларнинг кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

7. Йўловчи жамоат тартибини бузаётган, ўзини ёки бошқа шахсларни заруриятсиз безовта қилаётган ҳамда шаъни ва қадр-қимматига путур етказётган, мол-мулкига ёки соғлиғига ёхуд ҳаётига хавф туғдираётган йўловчига таъсир кўрсатиш талаби билан ҲК экипажи аъзоларига мурожаат қилиш, шунингдек, худди шундай ҳаракатлар қилаётган ҲК экипажи аъзолари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчи бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

IV БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8. Мазкур Қоидалар талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

VI БЎЛИМ

БОЖХОНА ҚОИДАЛАРИ

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган авиайўловчилар божхона декларациясининг ўзгартишлар киритилган Т-6 формасини тўлдирадилар, унинг намунаси республика аэропортларида ҳам мавжуд.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИГА ОЛИБ КИРИШ МАН ЭТИЛГАН НАРСАЛАР:

– давлат ва жамият тузумига қарши, ҳудудий бирликни бузувчи, сиёсий мустақиллик ва давлат суверенитетига раҳна солувчи, уруш, терроризм, зўравонликни тарғиб этувчи, миллатчилик ва диний мустақиллик ҳамда унинг кўринишларига (антисемитизм, фашизм) йўналтирилган ва порнографияга оид матбуот нашри, қўлёзмалар, клише, расм, фотосурат, фотоплёнка, негатив, кино, видео ва аудиомаҳсулотлар, пластинка, овозли материаллар;

– Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси руҳсатисиз Қизил китобга киритилган ноёб ва йўқ бўлиб кетаётган жонивор турлари ҳамда ёввойи ҳолда ўсадиган доривор, озиқ-овқатга оид ва манзарали ўсимликлар;

– Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги томонидан бериладиган лицензиясиз сотиш мақсадида олинган қимматбаҳо металл ва тошдан ишланган заргарлик буюмлари (жисмоний шахслар томонидан олинган умумий оғирлиги 30 граммга тенг 5та қимматбаҳо металл

ва тошдан ишланган заргарлик буюмларига бож тўланмайди);

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсатисиз дори-дармон ва тиббиёт техникаси;

– Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг электромагнит мослик Маркази рухсатисиз юқори частотали радиоэлектрон воситалари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАН ТАШҚАРИГА ОЛИБ КЕТИШ МАН ЭТИЛГАН НАРСАЛАР:

– донлардан: буғдой, жавдар, арпа, сули, жўхори, гречиха; нон-бўлка маҳсулотлари (ундан тайёрланган қандолат маҳсулотлари, пирожний, ўзи ишлаб чиқарган печеньедан ташқари); ун, ёрма, мол, парранда, гўшт ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қуруқ сут, чой хомашёси, чой, қанд, ўсимлик ёғи (жисмоний шахслар томонидан ушбу товарларни олиб кетиш меъёри Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган);

– этил спирти, тери хомашёси (стандарт бўлмагани ҳам), мўйна хомашёси, қоракўл (стандарт бўлмагани ҳам); рангли металл чиқиндилари; чувашга яроқли ипак қурти пилласи, ипак хом ашёси (ўралмаган), ипак чиқиндилари (чувашга яроқли бўлмаган пилла, пилла толаси ва юмшаб қолган чиқиндилари) ҳамда юқорида қайд этилган Ўзбекистонга олиб кириш ман қилинган маҳсулот, модда ва воситалар.

ЧЕТ ЭЛ НАҚД ВАЛЮТАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ТАШҚАРИГА ОЛИБ ЧИҚИШГА РУХСАТ БЕРИЛАДИГАН МИҚДОРИ:

Ўзбекистонда 2018 йил 1 январдан хорижий валютани хорижга олиб чиқиш ва олиб кириш бўйича янги тартиб ўрнатилди.

Жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 2000 АҚШ долларига тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги нақд хорижий валютани Ўзбекистонга олиб кириш ёки Ўзбекистондан олиб чиқиб кетишда ёзма равишда мажбурий декларация қилиш тартиби бекор қилинди.

Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиши эквивалентда 5 000 АҚШ долларига тенг ёки ундан ошмайдиган сумма доирасида ҳеч қандай рухсатномаларсиз амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

VII БЎЛИМ

ҚИСҚАЧА АРАБЧА-ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАШУВ

Ўзбекча	Транскрипцияси (ўқилиши)	Арабча
КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ БИРЛИК		
мен	[ана]	أَنَا
сен	[анта]	(эркак) أَنْتَ
сен	[анти]	(аёл) أَنْتِ
у	[хува]	(эркак) هُوَ
у	[ҳия]	(аёл) هِيَ
КЎПЛИК		
биз	[наҳну]	نَحْنُ
сизлар	[антум]	(эркаклар) أَنْتُمْ
сизлар	[антунна]	(аёллар) أَنْتُنَّ
улар	[ҳум]	(эркаклар) هُمْ
улар	[ҳунна]	(аёллар) هُنَّ
Бирикма олмошлари ва уларни отларга бирикиб, эғалик қўшимчалари вазифасини ўташи қуйидагича: БИРЛИК		
... им	[...и]	ى -
... инг	[...ка]	ك -

...ИНГ	[...ки]	ك -
...И	[...ху]	هُ -
...И	[...ҳа]	هَا -
КЎПЛИК		
... МИЗ	[...на:]	نَا -
...ИНГИЗ	[...кум]	كُم -
...ИНГИЗ	[...кунна]	كُنَّ -
...лари	[...хум]	هُم -
...лари	[...хунна]	هُنَّ -
МАСАЛАН:		
менинг китобим	[кита:би:]	كِتَابِي -
сенинг китобинг	[кита:бука ёки кита:буки]	كِتَابُكَ كِتَابُكِ -
унинг китоби	[кита:буҳу ёки кита:буҳа]	كِتَابُهُ كِتَابُهَا -
бизнинг китобимиз	[кита:буна:]	كِتَابُنَا -
сизнинг китобингиз	[кита:букум ёки кита:кунна]	كِتَابُكُمْ كِتَابُكُنَّ -
уларнинг китоблари	[кита:буҳум ёки кита:буҳунна]	كِتَابُهُمْ كِتَابُهُنَّ -
САНОҚ СОН		
бир	[ва:ҳид (ж.р. ва:ҳида)]	وَاحِدٌ، وَاحِدَةٌ
икки	[исна:н лаҳжада: итнейн]	اِثْنَانٍ

уч	[сала:са]	ثَلَاثَةٌ
тўрт	[арбаъа]	أَرْبَعَةٌ
беш	[хамса]	خَمْسَةٌ
олти	[ситта]	سِتَّةٌ
етти	[сабъа]	سَبْعَةٌ
саккиз	[сама:нийа]	ثَمَانِيَةٌ
тўққиз	[тисъа]	تِسْعَةٌ
ўн	[ъашара]	عَشْرٌ
ўн бир	[аҳада ъашара]	أَحَدٌ عَشْرٌ
ўн икки	[исна: ъашара]	إِثْنَا عَشْرٌ
ўн уч	[сала:сата ъашара]	ثَلَاثَةٌ عَشْرٌ
ўн тўрт	[арбаъата ъашара]	أَرْبَعَةٌ عَشْرٌ
ўн беш	[хамсата ъашара]	خَمْسَةٌ عَشْرٌ
ўн олти	[ситтата ъашара]	سِتَّةٌ عَشْرٌ
ўн етти	[сабъата ъашара]	سَبْعَةٌ عَشْرٌ
ўн саккиз	[сама:ниъата ъашара]	ثَمَانِيَةٌ عَشْرٌ
ўн тўққиз	[тисъата ъашара]	تِسْعَةٌ عَشْرٌ
йигирма	[ъышру:н]	عِشْرُونَ
йигирма бир	[ва:ҳид ва ъышрун]	وَاحِدٌ وَعِشْرُونَ

йигирма икки	[исна:н ва ъышрун]	إِثْنَانٍ وَ عِشْرُونَ
ўттиз	[сала:су:н]	ثَلَاثُونَ
қирқ	[арбаъу:н]	أَرْبَعُونَ
эллик	[хамсу:н]	خَمْسُونَ
олтмиш	[ситту:н]	سِتُونَ
етмиш	[сабъу:н]	سَبْعُونَ
саксон	[сама:нун]	ثَمَانُونَ
тўқсон	[тисъун]	تِسْعُونَ
юз	[ми'а]	مِئَةٌ
икки юз	[ми'ата:н]	مِئَتَانِ
уч юз	[сала:суми'а]	ثَلَاثِمِائَةٍ
тўрт юз	[арбаъуми'а]	أَرْبَعِمِئَةٍ
беш юз	[хамсуми'а]	خَمْسِمِئَةٍ
олти юз	[ситтуми'а]	سِتْمِئَةٍ
етти юз	[сабъуми'а]	سَبْعِمِئَةٍ
саккиз юз	[сама:нуми''а]	ثَمَانِمِئَةٍ
тўққиз юз	[тисъуми'а]	تِسْعِمِئَةٍ
минг	[алф]	أَلْفٌ
икки минг	[алфа:н]	أَلْفَانِ
уч минг	[сала:сату а:ла:ф]	ثَلَاثَةَ أَلْفٍ

ўн минг	[ъашарату а:ла:ф]	عَشْرَةَ أَلْفٍ
юз минг	[ми'ату алф]	مِئَةَ أَلْفٍ
ТАРТИБ СОНЛАР		
биринчи	[ал-аввал]	الأوَّل
иккинчи	[ас-са:ни]	الثَّانِي
учинчи	[ас-са:лис]	الثَّالِث
тўртинчи	[ар-ра:биъ]	الرَّابِع
бешинчи	[ал-ха:мис]	الخَامِس
олтинчи	[ас-са:дис]	السَّادِس
еттинчи	[ас-са:биъ]	السَّابِع
саккизинчи	[ас-са:мин]	الثَّامِن
тўққизинчи	[ат-та:сиъ]	التَّاسِع
ўнинчи	[ал-ъа:шир]	العَاشِر
СИФАТ СЎЗЛАР		
катта	[каби:р]	كَبِير
кичкина	[сағи:р]	صَغِير
узун	[тави:л]	طَوِيل
қисқа	[қаси:р]	قَصِير
кенг	[ва:сеъ]	وَاسِع
тор	[заййиқ]	ضَيِّق

энг яхшиси, зўр	[ҳулва]	حُلْوَى
ёмон	[саййиъ ёки ғайри жаййид]	سَيِّئٌ، غَيْرٌ جَيِّدٌ
РАНГЛАР		
ранг	[лавн]	لَوْنٌ
оқ	[абйад]	أَبْيَضٌ
қора	[асвад]	أَسْوَدٌ
жигарранг	[бунни:]	بُنِّي
қизил	[аҳмар]	أَحْمَرٌ
яшил	[аҳдар]	أَخْضَرٌ
кўк (ҳаво ранг)	[азрақ]	أَزْرَقٌ
сарик	[асфар]	أَصْفَرٌ
ЙИЛ, ОЙ, ҲАФТА, КУН		
йил	[сана]	سَنَةٌ
ой	[шаҳр]	شَهْرٌ
ҳафта	[усбуъ]	أُسْبُوعٌ
душанба	[йавмул-иснайн]	يَوْمَ الْاِثْنَيْنِ
сешанба	[йавмус-суласа:]	يَوْمَ الْاِثْنَاءِ
чоршанба	[йавмул-арбиъа]	يَوْمَ الْارْبَعَاءِ
пайшанба	[йавмул-хамис]	يَوْمَ الْخَمِيْسِ
жума	[йавмул-жума]	يَوْمَ الْجُمُعَةِ

шанба	[йавмус-сабт]	يَوْمُ السَّبْتِ
якшанба	[йавмул-аҳад]	يَوْمُ الْأَحَدِ
КУННИНГ ВАҚТЛАРИ		
эрталаб	[саба:ҳан ёки фи:с саба:ҳ]	صَبَاحًا، فِي الصَّبَاحِ
туш, пешин	[зухр]	ظَهْرُ
туш(пешин)дан кейин	[баъдаз-зухр]	بَعْدَ الظُّهْرِ
кундузи	[фи:н-наҳа:р]	فِي النَّهَارِ
кечқурун	[фи:л маса:ъ]	فِي الْمَسَاءِ
тунда	[фи:л-лайл]	فِي اللَّيْلِ
бугун	[ал-йавма]	الْيَوْمِ
кеча	[амс]	الْأَمْسِ
эртага	[ғадан]	غَدًا
САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАР		
хурмо	[тамр]	تَمْرٌ
банан	[му:з]	مُوزٌ
сабзи	[жазар]	جَزْرٌ
пиёз	[басал]	بَصَلٌ
картошка	[бата:та]	بَطَاطَةٌ
бодринг	[хийа:р]	خِيَارٌ
помидор	[тама:тим]	طَمَاطِمٌ

анор	[румма:н]	رُمَّان
олма	[туффа:х]	تُفَّاح
узум	[ъынаб]	عِنَب
апельсин	[буртқа:л]	بُرْتَقَال
ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ		
қовун	[шамма:м]	شَمَام
тарвуз	[баттих аҳмар ёки ҳабҳаб]	بِطِيخ
қовоқ	[қаръ]	قَرَع
ПРЕДЛОГЛАР		
... га	[ила]	إِلَى
билан	[маъа]	مَعَ
... да (сенда)	[ъында (ъындак)]	عندك، عندك
...да, ичида	[фи:]	فِي
... дан	[мин]	مِنْ
МАСАЛАН:		
Тошкентга	[ила ташқанд]	إِلَى طَشْقَنْد
Тошкентдан	[мин ташқанд]	مِنْ طَشْقَنْد
Маккада	[фи: макка]	فِي مَكَّة
САЛОМЛАШУВ ВА ХАЙРЛАШУВ		
Сизга Аллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин!	[ассаламу алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ]-	السَّلَامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ

Сизга ҳам Аллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин!	[ва алайкум ассалам ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ]-	وَعَلَيْكُمْ السَّلَامُ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ
Хуш келибсиз!	[аҳлан ва саҳлан]	أَهْلًا وَسَهْلًا
Муборак бўлсин!	[мабру:к]	مَبْرُوكٌ
раҳмат	[шукран]	شُكْرًا
марҳамат	[тафаддол]	تَفَضُّلًا
Аллоҳ хайрингизни берсин	[жаза:каллоҳу хайран каси:ро]	جَزَاكَ اللَّهُ خَيْرًا كَثِيرًا
хайр	[маъас-сала:ма]	مَعَ السَّلَامَةِ
омон бўлинг	[фи: ама:ниллах]	فِي أَمَانِ اللَّهِ
АЭРОПОРТ		
аэропортда	[фи:л-мата:ри]	فِي الْمَطَارِ
божхона текшируви	[ат-тафти:шул-жумруки]	التَّفْتِيشُ الْجُمْرُكِيُّ
божхона декларацияси	[тасри:хул-жама:рик]	تَصْرِيحُ الْجَمَارِكِ
паспорт	[жава:зус-сафар]	جَوَازُ السَّفَرِ
паспорт рақами	[рақамул-жава:з]	رَقْمُ الْجَوَازِ
келиш визаси	[та'ши:рат ад-духу:л]	تَاشِيرَةُ الدُّخُولِ
чиқиш визаси	[та'шират ал-хуруж]	تَاشِيرَةُ الْخُرُوجِ
тиббий сертификат	[шаҳа:дат ат-татъым]	شَهَادَةُ التَّطْعِيمِ

багаж	[ъафш]	عَفْش
жомадон	[шанта]	شَنْطَة
қўл юки	[ъафш ядави]	عَفْش يَدَوِي
исм	[исм]	إِسْم
фамилия	[исмул-ъа:ила]	إِسْمُ الْعَائِلَة
касб	[миҳна]	مِحْنَة
шаҳар	[мади:на]	مَدِينَة
вилоят	[вила:йа]	وَلَايَة
республика	[жумҳу:риййа]	جُمْهُورِيَة
пойтахт	[ъа:сима]	عَاصِمَة
Тошкент шаҳри	[мади:нату та:шқанд]	مَدِينَة طَشْقَنْد
Ўзбекистон Республикаси	[жумҳурийят узбекиста:н]	جُمْهُورِيَة أُوْزْبِكِسْتَان
Тошкент Ўзбекистон пойтахти	[ташқанду ъа:симату узбекиста:н]	طَشْقَنْد عَاصِمَة أُوْزْبِكِسْتَان
ўзбек	[узбаки:]	اُوْزْبِكِي
бухоролик (Имом Бухорий юртидан)	[буха:ри]	بُخَارِي
араб	[ъараби]	عَرَبِي
араб тили	[ал-луғатул- ъарабийя]	اللُّغَة الْعَرَبِيَّة

ҳожи	[ҳа:ж]	الْحَاجَّ
ҳожи аёл	[ҳа:жжа]	الْحَاجَّةَ
ҳожилар	[ҳужжа:ж]	الْحُجَّاجَ
ишчи гуруҳи	[баъсах]	الْبَعْتَةَ
гуруҳ бошлиғи, элликбоши	[раис ул- мажмуаъ]	رَيْسُ الْمَجْمُوعَةِ، بعته
Умра	[ъумра]	عُمْرَة
Умра зиёратчиси	[муътамир]	الْمُعْتَمِرُ
Умра зиёратчиси аёл	[муътамира]	الْمُعْتَمِرَة
Умра зиёратчилари	[муътамиру:н]	الْمُعْتَمِرُونَ
СУҲБАТ УЧУН СЎЗЛАР		
бу нима?	[ма: ҳаза:]	مَا هَذَا؟
қаерда?	[айна]	أَيْنَ؟
қанча?	[кам]	كَمْ؟
нима?	[ма:за:]	مَاذَا؟
исминг нима?	[ма смук]	مَا اسْمُكَ؟
менинг исмим ...	[исми: ...]	إِسْمِي
...га йўл қаерда	[айнат-тари:қ ила:]	أين الطريق الى
раҳмат	[шукран]	شُكْرًا

марҳамат	[тафаддал]	تَفَضَّلْ
ҳа	[наъам]	نَعَمْ
йўқ	[ла:]	لَا
юр	[рух, имши]	رَحْ وَاْمَشِي
мен ... хоҳлайман	[ана: ури:ду...]	أَنَا أُرِيدُ...
хоҳламайман	[ла: ури:ду]	لَا أُرِيدُ
пул	[фулус]	فُلُوسٌ
пул айирбошловчи	[сарра:ф]-	صَرَافَ
совға	[ҳадийа]	هَدِيَّةٌ
йўл	[тари:қ]	طَرِيقٌ
кўча	[ша:риъ]	شَارِعٌ
автомашина	[саййа:ра]	سَيَّارَةٌ
автобус	[ба:с]	بَاصٌ
ҳайдовчи	[са:иқ]	سَائِقٌ
такси	[саййа:рат-такси]	سَيَّارَةُ التَّكْسِي
майдон	[майда:н]	مَيْدَانٌ
квартал	[ҳайй]	حَيٍّ
ўнгга	[ила:л- йами:н]	إِلَى الْيَمِينِ
чапга	[илал-йаса:р]	إِلَى الْبَسَارِ

тўғрига	[ъала: ту:л ёки қудда:м]	عَلَى طُولٍ ، قُدَّامٌ
нон	[хубз]	خُبْزٌ
шарбат	[ъаси:р]	عَصِيرٌ
сув	[ма:ъ]	ماء
қиммат	[ға:ли:]	غَالِي
арзон	[рахи:с]	رَخِيصٌ
минерал сув	[ма:' у маъдани:]	ماء معدنى
қайноқ сув	[ма:'у са:хин]-	ماء ساخن
совуқ сув	[ма'у ба:рид]	ماء بارد
стакан	[ку:б ёки ка:са]	كُوبٌ ، كَاسٌ
овқат	[важба ёки акл]	أَكْلٌ
бутун	[ка:мил]	كامل
комплект	[тоқим]	طَاقِمٌ
қайчи	[миқасс]	مِقْصٌ
дарзан (12 донали комплект предмет)	[дарза:н]	دَرَزَانٌ
ярим	[нисф]	نِصْفٌ
чорак	[рубъ]	رُبْعٌ
мумкин	[мумкин ёки йажу:з]	مُمْكِنٌ

мумкин эмас	[ла: йумкин ёки ла: йажуз]	لَا يُمَكِّن
бозор	[су:қ]	سُوق
кириш	[духу:л ёки мадхал]	دُخُول
чиқиш	[хуру:ж]	خُرُوج
полиция	[шурта]	شُرْطَةٌ
полиция ходими	[шурти:]	شُرْطِي
дўкон	[дукка:н]	دُكَّان
тасбеҳ	[масбаҳа]	مَسْبَحَةٌ
жойнамоз	[сажжа:да]	سَجَّادَةٌ
чодир (палатка)	[хайма]	خَيْمَةٌ
меҳмонхона	[фундук]	فُنْدُق
бошлиқ	[муди:р]	مُدِير
хизматчи	[муваззаф]	مُوظَّف
ишчи	[ъа:амил]	عَامِل
светофор	[иша:рат ал- муру:р]	إِشَارَةُ الْمُرُورِ
билет, чипта	[тазкира]	تَذْكَرَةٌ
шифохона	[мушташфа]	مُسْتَشْفَى
дорихона	[сайдалиийа]	صَيْدَلِيَّةٌ
бўла қол, тез бўл	[бисуръа]	بِسْرَعَةٍ

секин-секин, аста-аста	[шувайя-шувайя]	شُوِيَّه شُوِيَّه
яхши	[жайид]	جَيِّد
совитиш	[табри:д]	تَبْرِيْدُ
иситиш	[тасхи:н]	تَسْخِيْنُ
ярим	[нисф]	نِصْفُ
лифт	[мисъад ёки асонсир]	مِصْعَدُ ، اصانصير
калит	[мифта:х]	مِفْتَاحُ
хона (номер)	[ғурфа]	غُرْفَةٌ
квартира	[шиққа]	شِقَّةٌ
этаж, қават	[довр ёки табақ]	دور ، طبق
бино	[ъима:ра]	عِمَارَةٌ
эшик	[ба:б]	بَابُ
дераза	[шубба:к, на:физа]	شُبَّاكُ ، نَافِذَةٌ
стул	[курси:]	كُرْسِيٌّ
каравот	[сари:р]	سَرِيْرٌ
кириш (эшиги)	[ба:б]	بَابُ
асосий кириш	[ба:б раи:си:]	بَابُ رَئِيسِي
ошхона	[матъам]	مَطْعَمُ
овқатланиш зали	[со:лат ал- матъам]	صَالَةُ الْمَطْعَمِ

нонушта	[футу:р]	فُطُورٌ
тушлик	[ғада:у]	غَدَاءٌ
кечки овқат	[ғаша:у]	عِشَاءٌ
тухум	[байд]	بَيْضٌ
балиқ	[самак]	سَمَكٌ
мол гўшти	[лаҳмул-бақар]	لَحْمُ الْبَقَرِ
қўй гўшти	[лаҳмуд да:ни]	لَحْمُ الدَّانِي
товуқ	[дажа:жа]	دَجَاجَةٌ
сут	[лабан]	لَبَنٌ
қатик	[заба:ди:]	ذَبَادِي
пишлоқ	[жубна]	جُبْنَةٌ
сариёғ	[зубда]	زُبْدَةٌ
туз	[милх]	مِلْحٌ
шакар	[суккар]	سُكَّرٌ
кондиционер	[мукаййиф]	مُكَيِّفٌ
вентилятор	[мирваҳа]	مِرْوَحَةٌ
электр лампочка	[мисба:х каҳраба:и:]	مِصْبَاحٌ كَهْرَبَائِي
электрвключатель	[мифтаҳ каҳраба:и:]	مِفْتَاحٌ كَهْرَبَائِي
розетка	[миқбас ёки бри:з]	مِقْبَسٌ ، بَرِيزٌ

очиқ	[мафту:х]	مُفْتُوْح
ёпиқ	[мусаккар ёки муғлақ]	مُسَكَّرٌ ، مُغْلَقٌ
элчихона	[сифа:ра]	سِفَارَةٌ
боғ	[ҳади:қа]	حَدِيقَةٌ
бекат	[маҳатта]	مَحَطَّةٌ
олдинги эшик	[ба:б ама:ми:]	الباب الأمامي
орқа эшик	[ба:б халфи:] -	باب خلفي
зал	[сола ёки қоъа] -	صَالَةٌ ، قَاعَةٌ
тахоратхона	[давратул-мийа:х]	دَوْرَةُ المِيَاهِ
ҳаммом	[ҳаммом]	حمام
телефон	[ҳа:тиф]	هَاتِفٌ
қўл телефони	[жавва:л]	جَوَّالٌ
бузуқ телефон	[ҳа:тиф ъа:тил ёки ҳа:тиф максу:р]	هَاتِفٌ عَاطِلٌ هَاتِفٌ مَكْسُورٌ
бузуқ автобус	[ба:с ъа:тил ёки ба:с максу:р]	بَاصٌ عَاطِلٌ ، بَاصٌ مَكْسُورٌ
газета	[жари:да]	جَرِيدَةٌ
журнал	[мажалла]	مَجَلَّةٌ
сим карта	[шари:ҳа]	شَرِيحَةٌ
эркак	[ражул]	رَجُلٌ

аёллар	[ниса: ёки ҳурма]	نساء ، حرمة
эркакларники (мужской)	[рижа:ли:]	رِجَالِي
аёлларники	(женский) [ҳарими:]	حَرِيمِي
кўзгу	[миръа:]	مِرْآةٌ
унитаз	[мирҳа:д]	مِرْحَاصٌ
кран	[ҳанафиййа]	حَنْفِيَّةٌ
бачок	[даббатул-маъ]	دَبَّةُ الْمَاءِ
ичимлик сув	[мийаҳ аш-шурб]	مِيَاهُ الشُّرْبِ
канализация	[мажари:л- мийа:ҳ]	مَجَارِي الْمِيَاهِ
келдим	[васалту]	وَصَلْتُ
кетдим	[заҳабту]	ذَهَبْتُ
кетдик!	[йалло!]	يَلَاءٌ
автобустга чиқинг	[иркабул ба:с]	إِرْكَبُوا الْبَاصَ
рухсат этиладими?	[ҳал йусмаҳ?]	هَلْ يُسْمَحُ؟
ҳа, рухсат этилади	[наъам йусмаҳ]	نَعَمْ يُسْمَحُ
ўтиринг!	[ижлису:]	إِجْسِلُوا
бироз кутиб туринг	[интазиру: қали:лан]	انظروا قليلا
илтимос, кечга қолманг	[аржу: алла: татаа'ххару]	أَرْجُوا الّا تتأخروا

қарши эмасман	[ла: ма:ниъ ъинди:]	لَا مَانِعَ عِنْدِي
билмайман	[ла: адри:]	لَا أَدْرِي
шошилма!	[ла: тастаъжил!]	لَا تَسْتَعْجِلْ
меҳмонхона қаерда жойлашган?	[айна йақаъул- фундук?]	أَيْنَ يَقَعُ الْفُنْدُقُ
бу ёққа кел(инг)	[таъа:л(у:)]	تَعَالَوْا
муаммо йўқ	[ма: фи:ҳ мушкила]	مَا فِيهِ مُشْكَلَةٌ
қаранг, кўринг!	[унзур]	انظُرْ
нима дейсиз?	[ма:за: тақу:л]	مَاذَا تَقُولُ
нима хоҳлайсан?	[ма:за: тури:д]	مَاذَا تُرِيدُ؟
бу қанча туради?	[кам ҳа:за: (ҳа:зиҳи)]	كَمْ هَذَا (هَذِهِ)؟
қанчадан?	[бикам...?]	بِكَمْ...؟
тўхтанг	[қиф]	قِفْ
менга бер	[аътини:]	أَعْطِنِي
киринг	[удхул]	أَدْخُلْ
йўл беринг	[тори:қ-тори:қ]	طَرِيقَ طَرِيقَ
ҳушёр бўл!	[интабиҳ]	إِنْتَبِهْ
сизда ... борми?	[ҳал индака... ?]	هَلْ عِنْدَكَ...؟
тушунмадим	[ма: фаҳимту]	مَا فَهَمْتُ

эй ҳожи, юр, ҳаракат қил!	[ҳаррик я: ҳа:жж!]	حَرَكَ يَا حَاجُّ!
ойна (дераза)	[зужа:ж]	زُجَاج
телефон қил	[иттасил бит тилфу:н]	اتَّصِلْ بِالتَّيْفُونِ
сумка	[ҳақи:ба]	حَقِيْبَةٌ
эскалатор	[суллам мутаҳаррик]	سُلَّمٌ مُتَحَرِّكٌ
термос	[салла:жа]	ثَلَاجَةٌ
сиёҳли ручка	[қаламу са:ил]	قَلَمٌ سَائِلٌ
қалам	[қаламу росо:с]	قَلَمٌ رِصَاصٌ
дафтар	[дафтар]	دَفْتَرٌ
туалет қоғози	[манди:лу ҳамма:м]	مَنْدِيلٌ حَمَامٌ
сув, илиқ сув (муздек бўлмаган)	[ма:ъ ғойру мубаррод]	مَاءٌ غَيْرٌ مُبَرَّدٌ
садақа, чойчақа	[бақши:ш]	بِقْشِيْشٍ
ахлат, ифлос	[зиба:ла, қума:ма]	زِبَالَةٌ ، قُمَامَةٌ
тахминан, атрофида	[ҳава:лай]	حَوَالِي
(бир) дона	[ҳабба]	حَبَّةٌ
ҳаммаси (оптом)	[жумла]	جُمْلَةً
чиқиш йўли	[махраж]	مَخْرَجٌ
қибла тараф	[иттижа:хул қибла]	اتِّجَاهُ الْقِبْلَةِ

пул алмаштириш жойи	[сарро:фа]	صَرَافَةٌ
ичишга яроқсиз сув	[ма:ъ ғойру солиҳ, лиш шурб]	مَاءٌ غَيْرٌ صَالِحٍ لِلشُّرْبِ
Ҳаж вазирлиги	[виза:ратул ҳажж]	وِزَارَةُ الْحَجِّ
асосий кириш йўли	[ал-мадхалур-раисий]	الْمَدْخَلُ الرَّئِيسِي
Йўл-йўриқ ва кўрсатмалар	[ат-тавжи:ҳ вал ирша:д]	التَّوَجُّيْهُ وَ الْإِرْشَاد
Замзам суви фақат ичиш учун	[ма:ъ Замзам лиш-шурб] фақат]	مَاءٌ زَمَزَمٌ لِلشُّرْبِ فَقَطْ
авария ҳолатида чиқиш йўли	[хуру:ж тава:риъ]	خُرُوجُ طَوَارِي
биринчи қават	[ад-даврул аввал]	الدَّوْرُ الْأَوَّلُ
телефон рақами	[рақам ал-ҳа:тиф]	رَقْمُ الْهَاتِفِ
ҳарамга, ҳарам томонга	[илал- ҳарам]	إِلَى الْحَرَمِ
виза	[таъши:ра]	تَأْشِيرَةٌ
ишлатиш	[ташғи:л]	تَشْغِيلٌ
тўхтатиш	[ийқа:ф]	إِيْقَافٌ
салфетка	[манди:л]	مَنْدِيلٌ
эркаклар таҳоратхонаси	[ҳамма:му рижа:л]	حَمَّامٌ رِجَالٍ
аёллар таҳоратхонаси	[ҳамма:му ниса:ъ]	حَمَّامٌ نِسَاءٍ
сантехник	[сабба:к]	سَبَّكٌ

электрик	[каҳроба:ий]	كَهْرَبَائِي
дўкон – магазин	[баққо:ла- махзан]	بِقَالَة = مَحْزَنٌ
сув совитгич мослама (зам- зам солинган идиш)	[барро:да]	بِرَادَة
совға - ҳадя	[ҳадийя]	هَدِيَّة
тарихий обидалар	[маъа:лим]	مَعَالِمٌ
қайтими	[алба:қи]	الْبَاقِي
тиббий марказ	[марказ тиббий]	مَرْكَزٌ طَبِّى
полициячи	[шурти:]	شُرْطِي
ИНСОН ЖИСМИ АЪЗОЛАРИ		
бош	[рас]	رَأْسٌ
соч	[шаър]	شَعْرٌ
қулоқ	[узн]	أُذُنٌ
кўз	[ъайн]	عَيْنٌ
бурун	[анф]	أَنْفٌ
оғиз	[фам]	فَمٌ
тиш	[синн]	سِنٌ
қорин	[батн]	بَطْنٌ
қўл	[йад]	يَدٌ

оёқ	[рижл]	رِجْلٌ
ҲАЖ ИБОДАТИГА ОИД СЎЗЛАР		
тавоф	[тава:ф]	طَوَافٌ
эхром	[ихра:м]	إِحْرَامٌ
ҳарам	[ҳарам]	حَرَمٌ
Муздалифа	[Муздалифа]	مُزْدَلِيفَةٌ
Мино	[Мина:]	مِنَى
Арафот	[ъарофот]	عَرَفَاتٌ
Сафо	[Сафа:]	صَفَا
Марва	[Марва]	الْمَرْوَةَ
Ҳажарул асвад (қора тош)	[ал- ҳажарул- асвад]	الْحَجَرُ الْأَسْوَدُ
Мултазам	[Мултазам]	مُلتَزِمٌ
Мақоми Иброҳим	[Мақому Ибро:ҳи:м]	مَقَامُ إِبْرَاهِيمَ
Ҳатим	[ҳати:м]	حَطِيمٌ
Сафо тоғига	[илас-софа:]	إِلَى الصَّفَا
саъй (Сафо ва Марва ўртасидаги)	[ас-саъй]	السَّعْيُ

Изоҳ:

[:] унли ҳарфларни чўзиб ўқиш белгиси.

Мухтарам ўқувчиларнинг кўпчилиги рус тилини билишларини эътиборга олиб, тушуниш осон бўлиши учун шундай изоҳ берилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Қуръони карим.

Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маънолари таржима ва тафсири”. ТИУ матбаа бирлашмаси, 2014 йил.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”. Тошкент, ЎзМЭ, 2008 й.

Абут-Таййиб Сиддиқ ал-Ҳусайний ал-Бухорий. “Авнул-Борий лиҳалл адиллатил-Бухорий”. Қоҳира, 1984.

Муҳаммад ибн Исо Абу Исо Термизий. “Сунан ат-Термизий”, Байрут.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд. “Мухтасар ал-виқоя фий масаил ал-ҳидоя”. Тошкент. 1991 йил.

Муҳаммад Солиҳ Собит. “Ат-Таҳқиқ вал-Ийдох ли-касир мин масаил ал-ҳажж вал-умрати ваз-зийаарати”. Макка мукаррама. 1998 йил.

Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ар-Риштоний ал-Марғиноний. “Ал-Ҳидоя”. Макка мукаррама, 2007 йил.

“Иршаад ус-Саарии ила манасики Ал-Мулло Алии Қорий”. Макка, 2009 й.

“Мишкаатул-масаабих”. Байрут. 1991 й.

Ибн Обидин. “Раддул-муҳтор”. 1837 й.

Ислом Каримов. “Ватан саждагоҳ каби муқаддас-дир”. Асарлар, 3-жилд. “Ўзбекистон”, 1996 й.

Ислом Каримов. “Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда”. “Ўзбекистон”. 1999 й.

Ислом Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент. “Маънавият”. 2008 й.

Ўткир Ҳасанбоев. “Ҳаж зиёратчилари гуруҳи раҳбари учун қўлланма”. ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011 йил.

“Фи хидмати зуюфир-Раҳмон”. Макка мукаррама. 2002 йил.

- “Королевство Саудовская Аравия” Эр-Рияд. 1993 йил.
“Мечети в Мекке и Медине”. Эр-Рияд. 2001 йил.
“Королевство Саудовская Аравия на пути прогресса”.
Эр-Рияд. 2002.
“Королевство Саудовской Аравии”. Эр-Рияд. 2004 йил.
“Қисаси Рабғузий”. Н. Бурҳонуддин Рабғузий.
Тошкент. 1992 йил.
“Тарихи Муҳаммадий”. А. Шокирхўжа ўғли Соғуний.
1991 йил.
Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Кифоя”. Т., 2008.
Хусайн Воиз Кошифий. “Ахлоқи Муҳсинин”. “ЎзМЭ”.
2010.
Меърож ибн Навоб в.б. “Атлас мадинати Маккатал-
мукаррама”. Маккаи мукаррама, “Умм ал-қуро”
университети нашри, 2013 й.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	4
Муқаддима.....	8
I Бўлим	9
Ҳаж ва умра ибодати тўғрисида	9
I Боб. Ҳаж ибодати тўғрисида.....	11
1. Ҳажнинг фазилатлари.....	11
2. Сафарни бошлашда ўқиладиган дуо	16
3. Ҳажга тайёргарлик	16
4. Ҳаж ибодати турлари	19
5. Ҳажнинг шартлари.....	20
6. Ҳажнинг фарзлиги	20
7. Ҳаж аҳкомлари.....	21
8. Ҳажнинг рукнлари	22
9. Ҳажнинг вожиблари.....	22
10. Жонлиқ сўйиш ва садақа беришни талаб қилувчи баъзи амаллар.....	24
11. Ҳажнинг суннатлари.....	25
12. Ҳажнинг одоблари.....	27
13. Мийқот	28
14. Эҳром	30
15. Эҳромга киришда ўқиладиган дуолар.....	31
16. Талбия айтиш.....	32
17. Эҳром боғлангач, ман қилинган ишлар.....	35
18. Эҳромда жоиз ишлар.....	36
19. Маккаи муқаррама.....	37
20. Масжидул Ҳаромга кириш.....	38
21. Тавоф. Ҳажарул асвад.....	40

22. Тавоф намозини адо этиш	44
23. Замзам сувидан ичиш.....	45
24. Сафо ва Марвада саъй қилиш.....	46
25. Ҳожилар ва умра зиёратчиларига муҳим тавсиялар ...	49
26. Минода қилинадиган амаллар	51
27. Арафотдаги ибодатлар.....	51
28. Муздалифада.....	54
29. Шайтонга тош отиш	55
30. Қурбонлик қилиш, соч олдириш ёки қисқартириш.....	58
31. Ифоза тавофи	60
32. Видолашув тавофи.....	61
33. Ҳожилар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га салавот айтадиган жойлар Салавотлар фазилати.....	61
34. Дуо қабул бўладиган жойлар.....	62
II Боб. Умра.....	64
1. Умра амаллари	64
2. Умранинг суннатлари.....	65
3. Соч олдириш ёки қисқартириш	66
4. Аёлларнинг ҳажи ва умраси	66
III Боб. Мадинаи мунаввара	68
1. Мадинаи мунавваранинг фазилатлари.....	68
2. Масжиди Набавий зиёрати. Зиёрат одоблари.....	69
3. Равзаи муборак зиёрати	72
4. Масжиди Набавийдаги минбар ҳақида	75
5. Бақиъ қабристонини фазилати	77
6. Қубо масжиди фазилати	79
7. Қиблатайн масжидининг фазилати.....	80
8. Уҳуд тоғи фазилати	81

IV Боб	83
Ҳожилар учун бир кунлик фойдали амаллар	83
II Бўлим	85
Қўшимча маълумотлар	85
1. Каъбаи муаззама	85
Ҳожилар учун қўшимча маълумотлар.....	86
2. Кисва, имом минбари ва мақоми Иброҳим (алайҳиссалом)	87
3. Ҳаж ибодатининг тарихи	90
4. Замзам.....	96
5. Масжидул Ҳаромнинг кенгайтирилиши	97
6. Мадинаи мунаввара.....	99
7. Уҳуд жанги.....	102
8. Ибротли ривоят.....	108
III Бўлим	112
Ташкилий масалалар.....	112
I боб	112
Маиший тавсиялар.....	112
1. Мадинаи мунаввара, Маккаи мукаррама меҳмонхоналарида истиқомат тартиби	112
2. Хоналарга жойлашиш.....	114
3. Хоналар тозалигини сақлаш.....	115
4. Меҳмонхона жиҳозларидан фойдаланиш	115
5. Ошхонадан фойдаланиш	116
6. Муборак сафар тартиблари ва қоидалари	117
7. Сафар давомида амал қилиш зарур бўлган, этиборга молик масалалар.....	121
Хулоса	122
II Боб	123

Тиббий тавсиялар	123
1. Муҳим тиббий эслатма	123
2. Шифокорлар тавсияси	124
IV Бўлим	125
Саудия Арабистони Подшоҳлиги	125
Ўзбекистон – Саудия Арабистони муносабатлари	127
V Бўлим	129
"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси йўловчилари учун маълумот	129
Йўловчи чиптаси	129
Юк (багаж) ташувлари	129
Тақиқланган моддалар:	131
Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари	133
I Боб. Умумий қоидалар	133
II Боб. Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриши	133
III Боб. Йўловчининг ҳуқуқлари	135
IV Боб. Яқуний қоидалар	135
VI Бўлим	136
Божхона қоидалари	136
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ман этилган нарсалар:	136
Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб кетиш ман этилган нарсалар:	137
Чет эл нақд валютасини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишга рухсат бериладиган миқдори:	138
VII Бўлим	139
Қисқача арабча-ўзбекча сўзлашув	139
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	162

Диний-маърифий нашр

ҲАЖ ВА УМРА ҚЎЛЛАНМАСИ

Муҳаррирлар: Абдул Жалил ХЎЖАМ,
Жамшид ШОДИЕВ

Бадий муҳаррир Баҳром ИКРОМОВ

Саҳифаловчи Наргиза МИРЗАЛИЕВА

Мусаҳҳиҳа Зебо ОМОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АІ 146. 2009.14.08.

Босишга 2019 йил 26 мартда рухсат этилди.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84 x 108 $\frac{1}{32}$.

Ҳарф гарнитураси РТ Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 8,8. Шартли б. т.: 5,2. Адади: 5000 нусха.

_____ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: *m-nashr@mail.ru*.

Тел: (0-371) 227-34-30

«Sano-Standart» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,

Широқ кўчаси, 100-уй.